

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Банк иши”  
йўналиши**

**“БАНК РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШДА  
ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ”  
модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2016**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** ТДИУ, иқтисод фанлари номзоди, доцент,  
Насриддинов Ф.Н.

**Тақризчилар:** Каримов Ф., Тошкент Халқаро Вестминстер  
университети, Ph.d.  
Рахимов М., Тошкент Халқаро Вестминстер  
университети, Ph.d.

***Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли қарори билан тасдиққа  
тавсия қилинган.***

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>2</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....</b>	<b>8</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>15</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>68</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>100</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>117</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>119</b>

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Мазкур ишчи дастур иқтисодиёт соҳаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Дастур замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда банк фаолиятида рисклар моҳияти, турлари ва бошқариш усуллари, банкларда риск-менежмент тизими, тижорат банкларида риск-менежментни ташкил этиш ва унинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари, банк фаолиятида рискларни баҳолаш ва бошқариш бўйича халқаро талаблар ва уларни Ўзбекистонда қўллаш шарт-шароитлари баён этилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

Банк рискларини бошқаришда қарорлар қабул қилиш модулининг **мақсади** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини банк рискларини бошқаришда замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, банк бошқаруви, стратегик ва тактик қарор қабул қилиш тамойиллари ва усулларини ўзлаштириш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

Банк рискларини бошқаришда қарорлар қабул қилиш модулининг **вазифаси** банк рискларнинг турлари ва уларнинг моҳиятини ўргатиш, банк рискларини баҳолаш ва бошқариш усулларини кўриб чиқиш, банк рискларини пасайтириш услублари билан таништириш, банк рискларини бошқариш йўллари ўргатиш бўйича малакавий кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади.

## Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Банк рискларини бошқаришда қарорлар қабул қилиш” курсини

ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- банк рисклари тушунчаси, унинг шакллари ва турлари;
- банк рискларини пайдо бўлиш сабаблари;
- банк рискларини бошқариш ва уларни тартибга солиш тартиби;
- банк рискларини бошқариш ва уларни пасайтириш элементлари, усуллари;
- банк рискларини пасайтиришнинг асосий йўналишларини белгиловчи омиллар ҳақида **билимларга** эга бўлиши лозим;

**Тингловчи:**

- банк рискларини бошқариш; кредит рискларини пасайтириш усулларидан фойдаланиш; рискларни бошқаришни ташкил этиш муаммоларини эчиш;
- рискларни бошқаришда математик моделлардан фойдаланиш;
- банк фаолиятининг иқтисодий кўраткичларини ҳисоблаш;
- банк балансини таҳлил қилиш;
- хорижий мамлакатларнинг банклари фаолиятида рискларни бошқариш амалиёти;
- банк фаолиятида рискларнинг турлари;
- рискларни ошқариш усуллари;
- рискларни бошқаришда банк назоратининг аҳамияти ва роли;
- Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш;
- банк назоратини иқтисодий таҳлил қилиш усуллари ҳақида **кўникма ва малакаларини** эгаллаши лозим;

**Тингловчи:**

- рискларни бошқаришнинг иқтисодий дастаклари;
- банк рискларини халқаро амалиётда бошқариш усулларини билиш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Банк рискларини бошқаришда қарорлар қабул қилиш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Банк рискларини бошқаришда қарорлар қабул қилиш” модули мазмуни ўқув режадаги “Замонавий банк иши” ва “Халқаро банк иши ва молия” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг мобилиловалар яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар банк рисклари ҳақида тушунча, уларни бошқаришда қарорлар қабул қилишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғулот	
1.	Банк фаолиятидаги рисклар ва уларни бошқариш усуллари	8	6	2	4	2
2.	Банкларда рискларни бошқаришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари ва халқаро меъёрлари	6	6	2	4	
	<b>Жами:</b>	<b>14</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>8</b>	<b>2</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1 - Мавзу: Банк фаолиятидаги рисклар ва уларни бошқариш усуллари.

Банк фаолиятида риск тушунчаси ва унинг моҳияти. Банк рискларининг турлари ва бошқариш усуллари. Банкларда риск-менежмент тизими: таркиби ва жорий қилиш механизми. Рискларни бошқариш усуллари бўйича қарорлар қабул қилиш.

## **2 - Мавзу: Банкларда рискларни бошқаришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари ва халқаро меъёрлари.**

Тижорат банкларида риск-менежментни ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари. Банк фаолиятида рискларни баҳолаш механизми, бошқариш бўйича халқаро талаблар ва уларни Ўзбекистонда қўллаш шарт-шароитлари. Рискларни бартараф этишга қаратилган қарорларни қабул қилиш.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

#### **1 – амалий машғулот:**

##### **Банк фаолиятида риск тушунчаси ва унинг моҳияти.**

Банк фаолиятида риск тушунчаси ва унинг моҳияти. Банк рискларининг турлари ва бошқариш усуллари.

#### **2 – амалий машғулот:**

##### **Банк фаолиятидаги рисклар ва уларни бошқариш усуллари**

Банкларда риск-менежмент тизими: таркиби ва жорий қилиш механизми. Рискларни бошқариш усуллари бўйича қарорлар қабул қилиш.

#### **3 – амалий машғулот:**

##### **Банкларда рискларни бошқаришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари ва халқаро меъёрлари**

Тижорат банкларида риск-менежментни ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари.

#### **4 – амалий машғулот:**

##### **Банкларда рискларни бошқаришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари ва халқаро меъёрлари**

Банк фаолиятида рискларни баҳолаш механизми, бошқариш бўйича халқаро талаблар ва уларни Ўзбекистонда қўллаш шарт-шароитлари. Рискларни бартараф этишга қаратилган қарорларни қабул қилиш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модуль юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати қуйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

№	Баҳолаш турлари	Энг юқори балл 2,5	Изоҳ
1.	Таълим олувчилар модулли ўқув ахборотини ўзлаштиришлари учун, ўқитишнинг мақсад ва натижаларини, модуль мазмунини аниқ танланганлиги	1,0 балл	Модулли ўқув ахбороти ишланмаси – 1,0 балл.
2.	Модулли ўқув ахборот: график, расм кўринишда етарли миқдорда, сифатли маълумотдан иборат бўлиши		
3.	Вазият моделини яратилиши	1,5 балл	Кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиши- 1,5 балл.
4.	Кейс матни баён этилиши		
5.	Кейснинг педагогик паспортининг тузилиши		



## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

### Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилят ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:

тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;

тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни

ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;

навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдиротларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> </ul>

аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллариини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллариини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш</li> </ul>

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий

тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

#### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёниш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1 -матн	2- матн	3- матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### Венн Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ

ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ

чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи яқка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу. Банк фаолиятидаги рисклар ва уларни бошқариш усуллари

---

##### **Режа:**

- 1.1. Банк фаолиятида риск тушунчаси ва унинг моҳияти.
- 1.2. Банк рискларининг турлари ва бошқариш усуллари.
- 1.3. Банкларда риск-менежмент тизими: таркиби ва жорий қилиш механизми.

##### **Таянч иборалар:**

*Риск, хавф, аниқлаш, баҳолаш. бошқариш, кредит rischi, фоиз rischi, валюта rischi, фонд rischi, операцион риск, ликвидлик rischi, ташқи ва ички рисклар.*

##### **1.1. Банк фаолиятида риск тушунчаси ва унинг моҳияти.**

Замонавий банк фаолияти турли рисклар билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларни самарали бошқариш банкларнинг энг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади. Риск ҳар қандай банк операцияларида турли кўламда бўлади ва турли йўллار билан қопланади. Олдиндан маълум молиявий натижага эришишни кафолатловчи рискдан холи бўлган операцияларни бозор иқтисодиётида учратиш жуда қийин. Тижорат банклари учун рисклардан қочиш эмас балки, уларни бартараф этиш, минималлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

“Риск” атамасининг келиб чиқиши итальянча “risico” яъни тажовуз; том маънода қояни, жарликни айланиб ўтиш маъносини англатувчи сўзга тақалади. Молия-кредит луғатида банк rischi “кредит муассасалари томонидан амалга оширилувчи банк операциялари характеридан келиб чиқувчи зарар кўриш хавфи” деб қаралади.

Банк rischi – бу авваламбор алоҳида фаолият тури. Риск-бу мавҳумлик эмас, балки иқтисодий субъектларнинг ноаниқ шароитда ҳаракат қилишларидир. Банк мижозларга хизмат кўрсатишда товар ишлаб чиқарувчилар rischi билан боғланади. Банк капитали ўз табиатига кўра саноат ва савдо капиталининг бир қисми ҳисобланади, вақтинчалик жалб этилган қарз капиталини ўзида ифода этади. Банк капиталининг қайтарилиши масалан, кредитлашда қарз олувчи оборотига маблағларнинг ўтиши, кейинчалик ундан бўшаб орқага қайтиши жараёнида банк қарз олувчи билан бирга риск қилади. Иккинчидан, ўзига тегишли бўлмаган маблағни вақтинчалик бошқа субъектга беради.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.



Банк рисқи унинг фаолиятидаги маълум вазиятни тавсифловчи, кутилаётган натижани салбий томонга четлашишини ва фаолият натижасининг мавҳумлигини кўрсатувчи категориядир. Банк рисқининг икки муҳим жиҳатини эътиборга олиш лозим: биринчидан, қарор қабул қилинувчи вазиятнинг мавҳумлиги; иккинчидан, режалаштирилган натижанинг салбий томондан ўзгариши ҳисобланади. Шу билан боғлиқ ҳолда қуйидаги уч категорияга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1. Харажат: банкнинг жалб қилинган маблағлар учун омонатчиларга ва кредиторларга тўлаган фоизлари, ходимларга иш ҳақи харажатлари ва бошқа операцион харажатлар. Банк харажатларини амалга оширишда риск қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин: бозор шароити ўзгариши натижасида омонатлар бўйича фоиз харажатларнинг ошиши, кредит ресурслари танқислиги оқибатида уларнинг харид нархи ошиши, бошқа банкларда нархларнинг ошиши туфайли банк ходимлари иш ҳақи харажатлари ошиши ва бошқалар.

2. Зарар: кутилмаган вазиятлар туфайли, жорий операцияларда вазиятнинг яхши ўрганилмаганлиги ҳисобига даромадларнинг олинмаслиги ва режалаштирилгандан юқори харажатлар қилиниши. Зарар кўриш рисқи, аввало маблағларнинг нораціонал жойлаштирилиши, бозор имкониятларини ва хатарини тўғри баҳоламаслик натижасида юзага келади.

3. Йўқотишлар: тижорат банкларида рисқни умумий ҳолда кўрсатувчи кўрсаткич - соф фойданинг кутилмаганда камайиб кетиши. Бу кўрсаткич юқоридаги категорияларни камраб олади. Бундан келиб чиқадики, банк стратегияси ва операцияларининг рисқлилик даражасини банкни йўқотишга учраш хавфи кўрсатиб беради. Риск ва йўқотишлар ўзаро боғлиқ саналади ва рисқни йўқотишлар орқали миқдорий жиҳатдан баҳолаш мумкин. Риск одатда абсолют ва нисбий кўрсаткичларда баҳоланади. Миқдорий жиҳатдан риск маълум операция натижасида банкнинг кўрилиши мумкин бўлган йўқотишлар суммасини акс эттиради. Бироқ бу йўқотишларни ҳар доим ҳам баҳолаш имкони бўлмайди. Агар йўқотиш эҳтимолини банк фаолиятини тавсифловчи бирор кўрсаткичга масалан, кредит портфели, даромадлар ёки харажатлар суммасига нисбати олинса, рисқнинг нисбий кўрсаткичи келиб чиқади.

Банк фаолиятида рисқлар юзага келишининг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- бозорни яхши ўрганмаслик;
- ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларнинг нотўғрилиги ёки етарли эмаслиги;
- кредитланадиган лойиҳа, объект ва мижозлар тўғрисида, уларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг нотўғрилиги ёки тўлиқ эмаслиги;
- тармоқлар ёки соҳалар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларининг инобатга олинмаганлиги;
- субъектлар ёки мижозларнинг малакаси ва савияси, маблағлардан фойдаланиш бўйича билим ва мақсадларининг турли хиллиги ва бошқалар.

Тижорат банкларида риск даражасининг ошиб кетиш ҳолларини қуйидаги

омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- муаммоларни тасодифан, кутилмаганда юзага келганда;
- олдинги тажрибаларга мос келмайдиган янги вазифалар белгиланганда;
- банк раҳбарияти молиявий зарар кўришни олдини олувчи қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлмаганда;
- муайян шароитда қонунчилик базаси ёки банк фаолияти мақбул қарорларни қабул қилишга тўсқинлик қилиши ва бошқалар.

Амалиётда банк рискларини баҳолашда мижозларнинг тўловга лаёқатсиз бўлиб қолиш эҳтимоли, уларнинг молиявий ҳолатининг кескин пасайиши, валюта ва қимматли қоғозлар курсининг ўзгариши, шунингдек, маблағларнинг маълум қисмини қайтариб олиш эҳтимоли ва бошқалар инобатга олинади.

Банк рискларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш куйидаги босқичларни қамраб олади:

- маълум банк операцияларини амалга оширишда конкрет рискларни камайтирувчи ёки оширувчи омилларни аниқлаш;
- аниқланган омилларни рискка таъсир этиш кучини таҳлил этиш;
- рискнинг аниқ шаклини баҳолаш;
- рискнинг оптимал даражасини белгилаш;
- рискнинг мақбул даражасига мослиги жиҳатдан алоҳида операцияларни таҳлил этиш;
- рискни пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тижорат банклари фаолияти давомида турли жойда ва ўзаро турли вақтда юзага келувчи ички ва ташқи рисклар гуруҳига дуч келади. Барча риск шакллари ўзаро боғлиқ ҳолда банк фаолиятига таъсир ўтказиши ва бир риск шаклининг ўзгариши бошқаларининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бу муайян банк рискни таҳлил этиш усулини танлаш ва уни оптималлаштиришда кўпгина омилларни таҳлил этиш жараёнини қийинлаштиради. Банк рисклари юзага келиш омилларига кўра асосан иқтисодий ва сиёсий турларга бўлинади. Сиёсий рисклар сиёсий вазиятнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, банк фаолиятига салбий таъсир этади. Иқтисодий рисклар мамлакат иқтисодиётида ёки банкнинг ўз фаолиятида нохуш ўзгаришлар билан боғлиқ рисклар саналади.

Банк фаолиятини бутун бир комплекс сифатида ва дифференцияланган тарзда турли операциялар, битимлар, услубиятлар, усуллар, иш схемалари, технологиялар тизимлари, ташкилий тузилмалар мажмуаси сифатида кўриб чиқишда уларнинг барчасига атроф муҳитнинг агрессив таъсири, мос равишда шаклландиган ва амалга ошадиган рисклар мавжудлигини тахмин қилиш мумкин.<sup>2</sup>

Банк менежментида рискларнинг роли ва аҳамиятини бир қатор йўналишлар бўйича кўриб чиқиш мумкин.

Банк ходими штатини тўлдириш ўзига хос riskли жараён ҳисобланиб, ҳозирги кун шароитларида таркибий жиҳатдан нисбатан барқарор ва жамоанинг жойлашуви бўйича фаоллиги юқоридир. Банк ходимларини тайёрлаш, уларни ўқитиш ва малакасини оширишга сарфланадиган харажатлар

<sup>2</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

доим ҳам ўзини тўлиқ оқламайди. Бу олий таълим муассасалари ўқитувчилар таркибининг, кўпинча эса ўқув муассасаларининг услубий ва раҳбар кадрлари етарли маълумотга эга эмаслиги; хорижий дастурларнинг маҳаллий шароитларга тўлиқ мослаштирилмаганлиги; айрим фан ва ўқув-услубий материалларни синовдан ўтказмасдан, кўп жойларда жорий қилишга ҳаракат қилиш ва бунга берилиб кетиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Персонал штатини тўлдириш кўпинча малакали кадрлар учун рақобат кураши шароитларида рўй беради ва ўзига хос рискига эга. Бу эса, кадрлар йўқотилишига олиб келадиган ўзига оғдириб олиш; меҳнатга ҳақ тўлаш талабларининг ҳаддан ташқари катталиги; ходим мослашув ва иш кўникмалари олганидан сўнг ўзига кўплаб вазифаларни олмасдан туриб худди шу циклни қайтарадиган, кўпроқ пул тўланадиган бошқа жойга ўтиб кетиши; махфий ахборотларнинг ишдан бўшаб кетган ходим томонидан янги иш жойига “етказилиш” каби хавф-хатарларни юзага келтиради. Бундан ташқари, кадрлар танлаш жараёнининг ўзи банкнинг барча иерархик поғоналарида етарли маълумотларга, зарурий махсус билимларга эга бўлмаган, бироқ характери ва ўзининг аҳамиятини ошириб кўрсатиш туфайли жамоада кучи ва кўлами бўйича жиддий низоларга олиб келиши мумкин бўлган шахслар пайдо бўлиши хавфидан холи бўлмайди.

Банк фаолиятини ахборот билан таъминлаш қуйидаги ҳолатларда хавф-хатар, кўшимча харажатлар ёки йўқотишлар билан боғлиқ бўлади:

- зарур ахборотларнинг тўлиқ жамланмаслиги ва шу туфайли сифатсиз бошқарув қарори қабул қилиниши;

- қабул қилинаётган қарор сифати, банкнинг ахборот-таҳлил маркази қувватини сезиларли даражада оширишга қодир бўлган кўшимча ва турли маълумотлар берадиган ахборотларнинг етишмаслиги. Ахборот етишмаслиги ҳисобига марказнинг фаолият самарадорлиги пасаяди, у тўла қувват билан ишламайди, ахборот ортиқчалигида эса, унинг ишлов берилмаган қисмини йўқолиши содир бўлади ва уларни тўплаш учун сарфланган харажатлар ўзини оқламаган ҳисобланади;

- тасодифий ахборотлар ҳажми жуда катталиги, бу ахборот каналларини сезиларли даражада “тўлдириб юборади”, зарурий ва турли маълумотлар берадиган ахборотлар ўтишини қийинлаштиради, ахборотни ҳимоя қилишнинг ташкилий ва молиявий харажатларини оширади, ахборот-таҳлил маркази ходимларининг фойдали тезкор вақтини қисқартиради;

- ахборот тўплаш ва қайта ишлашнинг кўпинча бозордаги реал, кўп омилли ва динамик вазиятга умуман мос келмайдиган расмий услубиётларига берилиб кетиш;

- жиддий қарорларни қабул қилишда рақобатчилар томонидан тайёрланган (ёки буюртма берилган) ва “ишга тушириладиган” ёлғон хабарларни аниқлай олмаслик ва мос равишда ундан фойдаланиш;

- банкнинг профессионал фаолиятини сустиги сабабли ахборот бозоридан олинган маълумотлар банкнинг ташкилий тузилмалари, банк менежменти нуқтаи назаридан иккинчи даражали бўлиши ҳисобига турли

муаммоларни юзага келтириши мумкин. Хусусан, банк фаолиятини ўзгартиришга ва такомиллаштиришга ундайдиган ҳукумат органлари, рақобатчилар, турли хўжалик субъектлардан таркиб топадиган буюртмачиларнинг истагига олдиндан тайёрлик ахборотнинг иккинчи даражали бўлиши ҳисобига пасайиши мумкин.

Режалаштирилган ва кутилаётган натижалардан, сценарийлардан четлашиш айниқса, менежментда банк операцияларини ўтказиш ва банк битимларини амалга оширишда, яъни банк менежментининг молиявий соҳаларида ўта муаммоли ҳисобланади. Бу ерда рисклар жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки улар:

- операцияларни амалга ошириш муддатини сезиларли даражада ошириши;

- банк маҳсулотларининг сифат тавсифларини ўзгартириши;

- қўшимча саъй-ҳаракатлар ва харажатлар талаб қилиши (ташкилий, техник, молиявий);

- операцияларнинг бошланғич босқичларда (мижозларнинг депозитлар ва омонатларини жойлаштириш, ҳисоб рақами очиш, қимматли қоғозларни харид қилиш, кредитлар олишдан воз кечиши), мониторинги давомида (омонатни муддатидан олдин қайтиб олиш, ҳисоб рақамини ёпиш, кредитни қайтариш) ёки ҳаётийлик даврининг якуний босқичларида (масалан, кредитни ўз вақтида ёки тўлиқ қайтармаслик) барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Бироқ бунда рисклар ёки имкониятлар шаклланиши муайян вазиятга боғлиқ бўлади. Масалан, бозорда молиявий ресурслар керагидан ортиқча бўлиши, уларнинг қиймат тавсифи пасайишига омонатни муддатидан олдин қайтиб олиш ёки ҳисоб рақамини ёпишга олиб келади, бу эса ресурсларни жалб қилиш тўловлари бўйича банк харажатларини тежаб қолишга имкон беради, кредитни муддатидан олдин қайтариш эса кутилмаган пасивларни жойлаштириш бўйича қўшимча харажатлар зарурати туфайли йўқотишлар ва фоиз ставкаларининг пасайиб кетиш рискига дуч келади. Молиявий ресурслар тақчиллиги ва уларнинг қийматини ўсиши риск ва имкониятлар позициясини муқобил йўналишда ўзгартиради.<sup>3</sup>

Бевосита ва билвосита атроф-муҳит омилларининг таъсири таъсисчи сифатида банкнинг хўжалик фаолиятини таъминлаш давомида ижобий ёки салбий роль ўйнаши мумкин. Бу соҳада банк ходимларининг маълум даражадаги профессионал малакага эга бўлмаслиги ахборотларнинг муҳимлиги ва аҳамиятини нотўғри ҳисобга олиш, банк ишини қийинлаштириш, харажатлироқ қилиш, энг ёмон ҳолатда эса банк фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келиши мумкин.

Юқорида келтирилган вазиятлар рискларнинг улар келтирадиган хавф-хатар ва йўқотишлар нуқтаи назаридан жиддий аҳамиятга эга эканлигини яққол намоён этади. Бундан рискларнинг банк фаолиятидаги роли ва аҳамиятини кенгайтирадиган бир қатор хулосалар келиб чиқади.

Рискларни бошқаришда катта роль ўйнайдиган банк хизматлари, банкнинг

---

<sup>3</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

услугий, ташкилий, техник ва молиявий фаолиятининг айрим махсус йўналишларини турли-туманлиги ва юқори даражадаги интенсивлиги банк фаолиятида юзага келадиган рисклар билан узвий боғлиқдир. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

- ахборот таъминоти сифатида ахборот оқимларини яратиш, қўллаб-қувватлаш, ахборотни аниқлаштириш, танлаш, гуруҳлаш, таҳлил қилиш, тайёрлаш ва ҳ.к.;

- ахборотни ҳимоя қилиш (махфийлаштирилган алоқа тизими, банк сирларини сақлаш, банкнинг хавфсизлик хизмати ва унинг ходимлар билан ишлаши, ахборот чиқиб кетиши устидан назорат, банкнинг етакчи ходимлари ҳақидаги ахборотнинг ёпиқлиги ва ҳ.к.);

- риск-менежментнинг ахборот таъминотини ҳимоялаш (мижозни банк билан алоқа хавфсизлигини таъминлаш учун унинг фаолиятини дастлабки баҳолаш, банк мониторинги натижасида аниқланган махус ахборот манбалари, кредит лаёқатини баҳолаш схемалари, услубиятлари ва ҳ.к.);

- банк маҳсулотларининг сифатини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, учинчи шахсларни (кафиллар, суғуртачилар, нотариат, суд ижрочилари ва ҳ.к.) рискларни бошқаришга оператив равишда жалб қилиш имконини берадиган банк битимлари ва операцияларини ҳужжатлаштириш;

- банк фаолиятининг ҳуқуқий инфратузилма элементлари ҳақида зарур маълумотлар базасини яратилиши, зарур ҳолатларда ундан фойдаланиш, банк фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш, бу маълумотларнинг ўз вақтида янгиланишини таъминлаш, муаммоли вазиятларда юридик маслаҳатлар ва ёрдам бериш механизмларининг мавжудлиги;

- бинолар, иншоотлар, қимматбаҳо буюмларни сақлаш, шунингдек, банк фаолияти ҳақидаги муҳим маълумотлар ошкор қилинишининг олдини олиш, бунда, банк фаолияти тўғрисидаги муҳим ахборотлардан хабардор бўлган банк ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш.

Дунёнинг турли мамлакатларида самарали фаолият юритаётган замонавий банклар ташкилий тузилмаларида етарли даражада кенг қўлланилаётган рискларни бошқариш бўйича алоҳида бўлинмалар бугунги кунда мамлакатимиз банк амалиётини илғор хориж тажрибалари асосида ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда, мамлакатимиз тижорат банкларида риск турлари бўйича чуқур ихтисослашган бўлинмалар ташкил этиш зарур. Хусусан, кредит рискин бошқариш ва кузатиб боришни кредит рисклари бўйича ихтисослашган қўмита томонидан амалга ошириш, фоиз ва валюта рискларини пассивларга қарши активларни бошқариш бўйича қўмита томонидан тартибга солиш мақсадга мувофиқ. Ликвидлик рискин бошқариш эса, одатда банкнинг касса ёки депозит бўлимининг функционал мажбуриятлари таркибига киритилади. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, амалиёт ва назария доимо бир-бирини тўлдириб боради, уларни янада такомиллашувига сабаб бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароити кредит ташкилотлари рискларини бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини самарали йўлга қўйишни талаб этади. Хусусан, мамлакатимиздаги айрим банклар ўз тузилмасида иш режими, хавфсизлик

(ички, иқтисодий) хизмати, гаров таъминотидаги рискларни аниқлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш, бошқаришни таъминлайдиган ихтисослашган бўлинмаларга эга бўлиши лозим.<sup>4</sup>

Банклар фаолиятининг ўзига хос асосий йўналиши бўлган кредит тизими элементларидан самарали фойдаланиш, улар фаолиятида молиявий масалалар бирламчи даражали эканлигини кўрсатади. Шунингдек, банк фаолиятида рискларнинг роли ва аҳамиятини белгилаб берадиган, юқорида санаб ўтилган омиллар банкларнинг турли операциялари билан намоён бўлади. Банк операцияларига мавжуд рисклар унинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- риск ҳолати рўй берганда тўғридан-тўғри молиявий йўқотишлар, зарарларнинг вужудга келиши;

- режалаштирилган даромад ва фойданинг олинмаслиги;

- билвосита рисклар таъсири остида банк операциялари ва битимлари амалга оширишнинг мураккаблашуви натижасида қўшимча харажатларнинг юзага келиши;

- рискли ҳолатлар натижасида банклар фаолиятига зарар етказилиши ва банк фаолиятини қайта тиклаш бўйича харажатларнинг пайдо бўлиши;

- рискларни аниқлаш, баҳолаш схемалари ва усуллари тайёрлаш, яратиш ва амалга ошириш бўйича харажатлар, фавкулотда ҳолатлар, бозор иқтисодиётининг циклик ўзгаришлари натижасида юзага келадиган харажатлар;

- банк маҳсулотлари ҳаётийлик даврининг режа бўйича сценарийларини қўллаб-қувватлаш чораларининг ишлаб чиқилиши ва уларни молиялаштириш;

- риск ҳолати рўй берганда йўқотишларни қоплаш учун мўлжалланган захираларни яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ операциялар.

Рискларнинг намоён бўлиши, уларнинг ижобий жиҳатдан аҳамияти банк менежментида бир нечта вариантларга эга. Банк маҳсулотларининг кўплаб сифат тавсифномалари уларни шакллантириш, бутлаш, қўллаб-қувватлаш ва тузатишлар киритишда риск омиллари тўлароқ ва аниқроқ ҳисобга олинган ҳолларда ҳақиқатда аҳамиятли, реал, атроф-муҳит шароитлари ва эҳтиёжларига мос келадиган бўлади. Бу амалда банк операцияларининг барча турлари – ҳам пассив, ҳам актив операцияларга тааллуқлидир. Айрим сифат тавсифномалари бевосита рискларни бошқариш билан боғлиқ бўлади. Бошқалар эса уларнинг билвосита таъсирини ҳисобга олади. Биринчи турдагилар қаторига, масалан, қуйидагиларни киритиш мумкин:

А) Актив операциялар учун:

- кредитларни қайтариш (таъминлаш ёки қоплаш) учун қатъий белгилаб қўйилган муқобил пул оқимлари;

- ҳужжатлаштиришнинг оширилган ёки мос келадиган даражалари;

- тавсифнома барқарорлигини ҳимоя қилиш (жарима чоралар, конверсия) ва ҳ.к.;

---

<sup>4</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

Б) Пассив операциялар учун:

- фоиз ставкаларини тегишлича ўзгартириш имконияти;
- муддатида олдин олиб қўйишдан ҳимоя қилиш;
- талаб қилиб олинганча омонатлар ва депозитлар асосий кўрсаткичларининг автоматик равишда ўзгариши ва ҳ.к.

Шу билан бирга, иккинчи гуруҳнинг аҳамияти бундан паст эмас, балки янада турли-туман бўлиб, бунда рисклар самарали менежментда қуйидаги пассив операциялар тавсифларига таъсир кўрсатади:

- фоизлар ва тариф сеткалари, комисион тўловлар;
- омонатлар ва депозитлар ҳажми, минимал бадаллар, лимитлар;
- муддатлар ва уларнинг ўзгартириш эҳтимоллари;
- номинациялар (миллий ёки хорижий валюта, металл ва ҳ.к.) ва уларни бутлаш ва конверсиялаш имконияти;
- фоизлар ҳисоблаш тартиби;
- омонат (депозит) маблағларидан қисман фойдаланиш имконияти;
- устувор миқдорлар, тармоқлар, ресурсларни мужассам этиш минтақаларни аниқлаш ва ҳ.к.

Актив операциялар учун рисклар билвосита таъсирини ҳис этадиган бундай тавсифлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳажми (банк капитали, лойиҳа қиймати, бошқа инвесторларнинг улуши, қарз олувчининг капитали ва ҳ.к. билан таққослаганда);
- муддати (атроф-муҳитдаги ўзгаришлар даври, миқдорнинг молиявий оқимлари вақт тавсифи, лойиҳа эҳтиёжлари, ресурсларни жалб қилиш муддати ва ҳ.к. билан таққослаганда);
- кредит бериш тартиби ва графиги (айниқса, миқдор эҳтиёжлари учун графиклар билан);
- фоиз ставкалари турлари (биринчи навбатда, ўзгарувчан ва комплексли, камроқ даражада қайд қилинган ставкалар);
- банк маҳсулотлари нархининг тариф сеткаси ва ҳажми;
- активлар сифат тавсифномасининг эҳтимолий ўзгариши;
- жойлаштирилган ресурсларни қайтариш тартиби ва графиклари.

Рисклар банк операциялари ва битимлари таркибининг, умуман олганда, банкда рўй берадиган барча жараёнларнинг мураккаблашуви, шунингдек, тўлиқлиги ва комплекслилиги томон ўзгарадиган омиллар ва таъсирлар кучли гуруҳи сифатида банклар менежментида яна бир ижобий аҳамиятга эга. Бунда классик, анъанавий босқичлар ва цикллар янги мазмун билан тўлдирилади. Пассив банк маҳсулотлари учун бу, масалан, қуйидагилар бўлиши мумкин:

- банк сиёсатини амалга ошириш шароитлари ва унинг сифатини баҳолаш;
- банк фаолияти ҳақида эълон қилинган оммавий ахборот ва реклама;
- омонатлар, жумладан, махсус ва комплексли омонатлар қабул қилиш ва ҳужжатлаштириш.

Актив банк операциялари учун бу қуйидагилар бўлиши мумкин:

- жойлаштирилган ресурсларнинг қайтарилиши кафолатларини баҳолаш;
- батафсил структуралаш ва ҳужжатлаштириш;

- кредит берилиши, ундан фойдаланиш ва қайтарилиши мониторинги;
- кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш усуллари босқичма-босқич ҳаракатга тушириш комплексини шакллантириш ва ҳ.к.

Бундан ташқари, риск-менежмент эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ бўлган операцияларнинг махсус босқичлари ҳам яратилади ва амалга оширилади. Бу – масалан, атроф-муҳит таҳлилини ҳисобга олган ҳолда потенциал мижозни излаш, баҳолаш ва танишиш, тезкор ахборот ва реклама, структуралаш ва ресурслар билан таъминланганлик мониторинги бўлиши мумкин.<sup>5</sup>

Бир қатор ижобий жиҳатларга қарамай, юқорида санаб ўтилган банк рисклари банк менежменти учун ҳам маълум муаммоларни юзага келтириш мумкин. Хусусан, банк операциялари мураккаблашади, кўшимча персонал, махсус билимлар, кўникмалар, услубиятлар, ахборот оқимлари ва ҳ.к., демак, кўшимча харажатларни талаб қилади. Банк маҳсулотларини диверсификация қилган ва такомиллаштирган, уларнинг ҳаётийлик даври якуний босқичини инобатга олиб, банк менежментида эҳтиёткорликни ошириб, уни кўплаб ахборотлар билан таъминлаб, банкнинг профессионал фаолиятини оширган ҳолда банк риск-менежменти унинг фаолиятидаги зарар ва йўқотишларни бартараф қилувчи ўзига хос ролни ўйнайди. Банк фаолиятида сифатли риск-менежмент орқали янада барқарор ва қулайроқ шароитни шакллантирилиши банкнинг нуфузини сезиларли даражага ортишига олиб келади.

Банк фаолияти ва умуман, бутун кредит тадбиркорлиги соҳаси турли йўналишларга ҳамда шаклланиш ва намоён бўлиш ҳудудларига эга бўлган рисклар билан қамраб олинади. Мос равишда, рискларнинг банк менежментидаги роли ва аҳамияти ҳам кескин фарқланади. Рисклар салбий ва ижобий, шакллантирувчи ва тезкор, потенциал ёки реал кўринишда, кредит муассасаларининг барча иерархик поғоналарида амал қилиши мумкин. Буларнинг барчаси рискларни бошқаришни банк менежментининг етакчи элементларидан бири сифатида марказлашган тарзда ҳам, банк фаолиятининг барча турларини ташкил қилиш омиллари қаторида тарқоқ ҳолда ҳам ташкил қилиш амалий заруратини белгилаб беради.

Банк рискларини бошқариш тизими кредит ташкилотини ташқи ва ички таҳдидлар таъсиридан ҳимояловчи ҳамда қонунчилик меъёрлари доирасида амал қилувчи, ўзаро муносабат ва алоқаларда муайян яхлитликни ифода этувчи элементлар мажмуидир.

Ўз-ўзидан савол туғилади: нима сабабдан банк рискларини бошқариш талаб этилади? Чунки банк фаолиятининг барқарорлиги ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамлиги тижорат банкида шакллантирилган риск-менежмент тизимининг самарадорлигига боғлиқ.

Банк фаолияти барқарорлигини иқтисодий табиатини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар банк рискларини бошқариш тизимини шакллантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш заруратини кўрсатмоқда.

Банк рискларини самарали бошқариш ўз навбатида банк фаолиятидаги

---

<sup>5</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.



потенциал таҳдидларни прогноз қилиш, уларнинг келиб чиқиш эҳтимоли, омиллари ва салбий оқибатлари даражасини тўғри баҳолаш ва бартараф этиш юзасидан зарурий чораларни кўришни тақозо этади. Бунда банк фаолиятидаги рискларни бошқариш умумий банк тизими ва алоҳида банк муассасаси билан бир вақтда амалга оширилади. Уларнинг фаолиятидаги ўзаро уйғунлик математик баҳолаш усулларига асосланувчи банк назорати ва персоналнинг малакаси билан белгиланади.

## **1.2. Банк рискларининг турлари ва бошқариш усуллари.**

Банк фаолиятидаги рискларнинг аксарият қисми актив операциялар билан боғлиқ бўлиб, кредит ва инвестицион рискларни ўз ичига олади. Жамғарма, депозит, қимматли қоғозларга маблағларни жалб қилиш, банкнинг ҳисоб-китоб ва жорий ҳисоб-китоб рақамларидаги қолдиқлари билан операциялари ҳам рисклар билан бевосита боғлиқдир. Таъкидлаш мумкинки, банк айна пайтда ҳам актив ҳам пассив операцияларни амалга оширади. Бу эса, рискнинг кўшимча омиллари мавжудлигидан далолат беради.

Маълумки, банк фаолиятига ташқи рисклар ҳам таъсир этади. Ташқи рисклардан банк фаолиятида муҳим аҳамият касб этган риск – бу давлат бошқарувининг ҳолати ва банк фаолиятининг бир-бирига номувофиқлигидир.

Банк рискларининг асосий турларига тўхталадиган бўлсак, уларнинг турли-туманлиги ва мураккаб тузилишга эга эканлигини қуйидаги 1-расмда кўришимиз мумкин. Рискларнинг хилма-хиллиги банк хизматлари кўламининг кенгайиши, мижозлар дифференциацияси ҳамда ўзгарувчан бозор шарт-шароитлари билан белгиланади.

Шу боисдан банк бизнесида самарали риск-менежмент энг муҳим ўринга чиқиб, банк ички назорат тизимининг энг асосий элементига айланади.


Рискларни самарасиз бошқариш битта қарз олувчининг юқори концентрацияси ҳисоб-китоби, узокни кўролмасдан амалга оширилган ссуда сиёсати, муҳим ходимлар фаолияти устидан назоратнинг сустлигида ўз аксини топади. Шуни ҳисобга олиш лозимки, юқоридаги ҳолатлар барча мамлакатларда, шу жумладан, ривожланган мамлакатлар банк фаолиятида ҳам учрайди.<sup>6</sup> Риск-менежмент тизимининг самарадорлиги турли кўрсаткичларга боғлиқ. Буларга қарор қабул қилишдаги хатоликлар ва ахборот етишмаслигини киритишимиз мумкин. Риск-менежмент тизимининг ажралмас қисми назорат жараёни ҳисобланади. Назорат бажарилган ишни баҳолаш ва рискларни кўзланган параметридан оғишишини олдини олиш бўйича зарур чоратadbирларни қабул қилишни ўз ичига олади. Банклар риск-менежмент тизимида барча жараёнлар пухта режалаштирилган ва ташкил этилган бўлиши лозим. Яъни, ишларни бажариш муддатлари, натижалар шакли ва ҳажми, риск даражасини баҳолаш ва таҳлили жараёнларини бажариш тартиби ва таркиби, меъёрий ва турли маълумотлар тайёрлаб қўйилган бўлиши лозим.

Риск-менежмент тизими рискларни бошқаришнинг тасдиқланган

---

<sup>6</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

методикаси ва методологиясини ҳамда инфор­ма­цион-технологик ва ташкилий рискларни бошқариш инфратузилмасини ўз ичига олиши лозим. Ушбу тизим орқали банклар барча даража ва бўлимлардаги рискларни назорат қилиш имкониятига эга бўлади.



**1-расм. Банк рискларининг таснифланиши<sup>7</sup>**

Риск-менежмент тизимини режалаштириш, лойиҳалаштириш ва жорий этиш жуда мураккаб вазифа ҳисобланади. Ушбу тизимни жорий қилиш деярли барча йўналиш ва банк бўлимларини ушбу жараёнга жалб қилишни тақозо этади.

Самарали риск-менежмент тизими банк фаолияти ва ҳолати ҳақидаги етарли ва кенг қамровли маълумотларни ҳамда қарор қабул қилишда ҳисобга олинган ташқи маълумотларни талаб этади. Маълумот ишончли, тушунарли, ва тўғри расмийлаштирилган бўлиши керак.

Банк фаолиятини тўлиқ қамраб олувчи бошқарув маълумотлари тизимини яратиш ва амалга ошириш рискларни бошқаришнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, банк рискларини профессионал бошқариш, тезкор идентификация ва унинг омилларини ҳисобга олиш ҳамда банкнинг кундалик фаолиятини баҳолаш усуллари муҳим аҳамият касб этади.

Асосий усулларга қуйидагиларни келтириш мумкин: эксперт, статистик ва

<sup>7</sup> Расм муаллиф томонидан тузилган.

аналитик баҳолаш усуллари. Айрим мутахассислар рискларни баҳолашдаги банкларнинг оптимал бошқарув фаолиятини фақат замонавий математик-статистик усуллар ва тасодифий ходисалар тавсифини функционаллаштириш жараёнини замонавий ахборот технология ёрдамида ва аниқ бир банкни функционаллаштиришнинг математик-статистик моделларига киритгандан сўнг амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайди. Аммо бу усулларни фақат ўзгармас ёки кам ўзгарувчи вазиятлар орқали юзага келадиган юқори имкониятлар доирасида қўллаш мумкин бўлади. Умумлаштириб айтганда, статистик усуллар ўтмиш ва келажакдаги ҳолатлар бир бирига ўхшаганда ижобий натижа келтиради. Қарор қабул қилишда экспертнинг тажрибаси, интуицияси ва очиқ маълумотларга асосланган эксперт баҳолаш муҳим аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Аналитик усуллар рискларни бошқаришнинг оғоҳлантирувчи инструменти сифатида қўлланилади ва лойиҳа амалга оширилгунга қадар прогноз ҳамда стратегияни ишлаб чиқишга имкон беради. Рискларни бошқаришнинг аналитик усулларининг асосий вазифаси рискли ҳолатларни аниқлаш ва салбий оқибатлар келиб чиқишини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишдан иборат. Рискларни бошқаришнинг аналитик усуллари вазифалари қаторига рискли ҳолатларнинг олдини олиш ҳам киритилади.

Банк рискларини тартибга солиш усуллари куйидагилар киради:

- рискнинг олдини олиш;
- рискни чегаралаш;
- ўз-ўзини суғурталаш;
- захира яратиш;
- диверсификация (рискни банкнинг бир фаолиятидан келган зарарни банкнинг бошқа фаолиятидан келган даромади ҳисобига қоплаш имкониятига эга бўлиш);
- лимитлаш;
- хеджирлаш;
- суғурталаш (асосан кредит рискларини).

Банк рискларини чеклаш бўйича замонавий ёндашувлар куйидаги инновацияларни очиб беради:

- активлар секьюритизацияси – банк активлари билан таъминланган қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ва сотиш;
- кредитларни сегментлаш ва жойлаштириш;
- кредитлаш жараёнини тўрт босқичга ажратиш (кредит очиш, молиялаштириш, жойлаштириш, хизмат кўрсатиш)

Банк зарарларининг юзага келишини ҳимоялаш мақсадида банкларга очиқ бўлган молиявий инструментлар ва ресурсларнинг жуда кенг кўлами ишлатилади. Рискларни молиялаштириш манбаларини банкнинг муайян даражадаги зарарларини қоплашга имкон яратувчи ички ва ташқи манбаларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Муҳим ички манба бўлиб захира яратиш ҳисобланади. Ташқи манба бўлиб эса, асосан суғурталаш тушунилади, бироқ,

банк ихтиёрида бошқа инструментлар ҳам мавжуд. Буларга, кредит линиялари, қўшимча қарздорлик ва ҳ.к. киради.

Рискларни бошқаришнинг турли воситаларидан фойдаланиш банкка маълум даражада кўзда тутилмаган зарарлар хавфидан ўзини ҳимоялаш имконини яратади.

Рискларнинг келиб чиқишига аниқ вақтдаги ҳолатни баҳолашдаги реал маълумотларнинг етишмаслиги сабаб бўлади. Агар бундай камчиликлар ижобий характерга эга бўлса, у ҳолда банкда даромад олиш имконияти пайдо бўлади. Салбий характерга эга бўлган камчиликлар банк амалиётида зарарларга олиб келиш каби оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шундан келиб чиқиб, банк фаолиятининг якуний натижасига эришиш учун банк рискларини бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

Рискларни ички ва ташқи рисклар сифатида белгилайдиган риск-менежмент таснифий белгиларига келадиган бўлсак, уларнинг позициялари анча муаммоли ҳисобланади. Бир томондан, илмий нашрларда ҳам, энг олий халқаро (Базель қўмитаси) ва миллий даражадаги норматив ҳужжатларида ҳам бу таснифий ёндашувларни кенг баён қилиш мураккаб фурсат ҳисобланади. Ички ёки “бевосита банклар фаолияти билан боғлиқ” рисклар, қуйидаги белгилар бўйича аниқланиши мумкин:

- рискларнинг марказлашуви;
- рискларни вужудга келтириш (банклар ёки кредит ташкилотлари риск омилларининг ифодаловчилари ҳисобланади, уларни шакллантиради ва улар билан боғлиқ бўлган шахслар ва ташкилотларга етказди);
- рисклар ҳақидаги ахборот ва омиллар кредит ташкилотларида (банкларда) тўпланади ва намоён бўлади – улар риск-менежмент ахборот оқимларини фаоллаштириш соҳаси ва ахборот майдони ҳисобланади;
- рисклар назорат ёки кредит ташкилотлари мутахассислари ва ташкилий структуралари, эҳтимол, банк (кредит) тизимининг ихтисослашган тахлилий институтлари томонидан таҳлил қилинади, назорат қилинади ва бошқарилади.

Айни пайтда, кредит ташкилотларининг фаолият турлари бўйича қуйидаги рискларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- кредит рисклари (кредитлаш, ссудалар, инвестицион кредитлар, лизинг, молиялаштириш шарти билан факторинг ва бошқалар);
- депозит рисклари (омонатлар, депозитлар, жамғарма ва депозитли сертификатлар, банк ва тижорат векселлари ва бошқа операция ва битимлар);
- ҳисоб-китоблар ва тўловлар рисклари (ҳисоб-китоб турлари ва шакллари, ҳисоб-китоб ва тўлов воситалари, ҳисоб-китоб ва тўлов технологиялари ва коммуникациялари бўйича);
- эмиссион рисклар (эмиссион воситалар, муддатлар, таъминот, ташкил қилиш ва тартибга солиш бўйича);
- инвестицион рисклар (бозорлар, инвестицион воситалар, технологиялар, муддатлар бўйича);
- банк кафолатлари рисклари (кафолат операциялари турлари, технологиялар, муддатлар бўйича);

- хужжатли рисклар;
- жамғарма операциялари рисклари (депозитар хизмат кўрсатиш, инкассация, сейфлар);
- траст рисклари (сақланганлик, конверсия, ишонч асосида бошқарув, ваколатларни бериш, вакиллик, биргаликда бошқарув);
- консалтинг рисклари (ихтисослашган, маркетинг).

Ушбу тасниф фақат кредит ташкилотлари фаолиятининг ушбу тури учун хос бўлган умумий, ўхшаш белгилар бўйича рискларни бошланғич белгилашни амалга оширишга имкон берадиган энг умумий ёндашувларни ажратиб кўрсатади. Банк фаолияти турларини муайянлаштириш жуда батафсил бўлиши ва мос равишда, банк рисклари турлари сезиларли даражада диверсификация қилиниши мумкин. Масалан, инвестицион рисклар қуйидагича ифодаланиши ва тақдим этилиши мумкин:

- кредит рисклари (инвестицияларни даромад олиш мақсадида ресурсларни жойлаштириш сифатида таърифлаш кредитларни ҳам инвестициялар сифатида талқин этишга имкон беради);
- депозит рисклари (банкларнинг ресурсларни бошқа кредит ташкилотларида жойлаштиришида);
- тўғридан-тўғри инвестициялар рисклари (маблағларни корхона ва ташкилотлар фондлари ва капиталига киритиш);
- фонд инвестициялари ёки портфелли инвестициялардаги рисклар (хилма-хил қимматли қоғозларга қўйилмалар);
- лойиҳали инвестициялар рисклари (кредит ташкилотлари, лойиҳа таркибий қисмларини бошқариш, бу инвестициялар ва рискларнинг ушбу турини траст рисклари билан бирлаштиради).

Кафолат рисклари ҳам етарли даражада диверсификация қилиниши мумкин. алоҳида банк операциялари ва битимларини кўриб чиқишда банк кафолатлари, векселларни аваллаш рисклари, кредит ташкилотларининг кафиллик рисклари, андеррайтинг рисклари, мижозларнинг қимматли қоғозларини кафолатланган жойлаштириш ва улар билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш рисклари, инкассация, тезкор факторинг рисклари, форфейтинг рисклари каби муайянлаштирилган риск турларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин.<sup>8</sup>

Жамғарма, кредит ва эҳтимол, кредит ташкилотлари фаолиятининг деярли барча йўналишлари кафолат операцияларининг маълум бир турлари билан биргаликда кузатилади.

Шунингдек, кредит ташкилотлари рискларини таснифлашнинг кредит ташкилотлари фаолияти таянч кўрсаткичлари ҳолати каби белгиси ҳам баён қилинган, лекин, аниқлаштиришни талаб қиладиган белги ҳисобланади. Етарли даражада батафсил тавсифланган рисклар ичида ушбу белгига қуйидагилар кўпроқ мос келади:

- мижозлар ва ҳамкорлар олдида ўз мажбуриятларини бажариш бўйича банк муаммолари билан боғлиқ бўлган ликвидлик rischi (модификацияларда –

<sup>8</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

ликвидликни йўқотиш rischi, мувозанатланмаган ликвидлик rischi);

- бу таснифий белгига маълум даражада “сифат менежменти” билан боғлиқ бўлган операцион рискнинг айрим турлари жавоб беради.

Кредит ташкилотлари фаолиятининг таянч кўрсаткичлари – етарлича кенг талқин қилинадиган тушунчадир. Уларни идентификация қилишда банк маҳсулотларининг алоҳида, энг муҳим сифат тавсифномаларидан ҳам, кўп сонли ва хилма-хил банк рейтингларидан ҳам келиб чиқиш мумкин. Хусусан, CAMEL рейтинг тизими капитал етарлилиги, активлар сифати, менежмент сифати, даромадлилик ва ликвидлик каби кўрсаткичларни ўз ичига олади. Ушбу нуқтаи назарга асосланган ҳолда қуйидаги йўналишларда таянч кўрсаткичлар ҳолати белгиси бўйича таснифланган рисклар рўйхатини кенгайтириш мумкин:

- капитал rischi (ҳажми, структураси, етарлилиги, шакллантириш ва тўлдиришнинг ўз вақтидалигининг мос келмаслиги);

- активлар сифати rischi;

- менежмент сифати rischi (малакаси, билими, мослиги, фойдалилиги ва бошқа тавсифномалар);

- даромад, фойда, фоиз маржаси ва спрэд rischi;

- персонал rischi (сонининг мос келиши, касбий билимдонлиги, ички ва ташқи мезонларга ижтимоий мослиги);

- банк сифатининг мослик rischi (мувофиқлик, ижро этиш мумкинлиги, функционаллик);

- нарх билан боғлиқ рисклар (даражаси, нормативлар ва мўлжалларга мослиги, банк нархлари ва уларнинг структурасини танлаш оптималлиги).

Рисклар тўплами, ҳажми, фаоллиги, риск-менежмент самарадорлигини белгилаб берадиган яна бир таснифий белги рисклар ифодаловчиси ва вужудга келтирувчиси сифатида кредит ташкилоти кўрсаткичлари ёки тавсифномаси ҳисобланади. Масалан, қуйидаги риск турларини айтиб ўтиш ва кредит соҳаси риск-менежмент схемасига киритиш мумкин:

- йирик, ўрта ва кичик банклар рисклари;

- банк (ҳисоб-китоб марказлари ва депозит-кредит ташкилотлари) ва парабанк (кредит, кооперация, лизинг, факторинг фирмалари, ломбардлар, ижара, судхўрлар, инвестицион компаниялар, пенсия фондлари, суғурта компаниялари ва б.) тизимлари нобанк кредит ташкилотлари ва банкларнинг рисклари;

- маҳаллий, минтақавий, миллий, халқаро ва глобал банклар ва кредит ташкилотларининг рисклари;

- менежмент назорати даражаси турлича бўлган мустақил, корпоратив ёки тармоқ, “давлат”, хорижий кредит ташкилотлари рисклари.

Энг олий даражадаги норматив ҳужжатларда (Базель кўмитаси, Марказий банк) ҳам, кўп сонли илмий ва ўқув-услубий нашрларда ҳам анъанавий равишда баён қилинадиган ички ва ташқи рисклар гуруҳлари юқорида айтиб ўтилган. Бироқ ушбу тадқиқотда ўтказилган таҳлил рискни ижобий талқинда “ички” ва салбий талқинда “ташқи” риск сифатида белгилайдиган банк

фаолияти билан “бевосита боғлиқ” ёки “боғлиқ” сифатида талқин этиладиган риск таснифий белгисининг функционаллиги билан боғлиқ муаммонинг етарли даражада жиддий эканлигини кўрсатди. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, бу таснифни амалга оширишга ҳаракат қилиб кўриш рискларни аниқ идентификация қилишга имкон бермайди ва умумий белгилаш остида эклектик риск гуруҳлари шаклланишига олиб келади. Масалан, ички рисклар қаторига банк (кредит ташкилоти) фаолияти ёки рискларни шакллантирувчи омиллар ва шароитлар, рискларнинг намоён бўлиши ва риск-менежмент ахборот оқимларининг мавжудлиги, рискларни бошқарувчи структураларнинг жойлашуви ва бошқа позициялар билан бевосита боғлиқ бўлган рисклар киради. Яъни кредит ташкилоти (банк) учун таҳдид соладиган рисклар ҳам, банклар ўз мижозлари учун вужудга келтирадиган рисклар ҳам, банк фаолиятидан узоқ бўлган, банк таҳлилчилари томонидан кузатиб бориладиган ва тавсифланадиган рисклар ҳам, кредит ташкилотлари томонидан риск-менежментда доимо эътиборга олинадиган маҳаллий, экологик, маданий, ижтимоий муаммолари билан боғлиқ рисклар ҳам ички рисклар ҳисобланади.

Табиийки, буларнинг барчаси “ташқи” рискларга ҳам тааллуқли. Бундай ҳолат рискларни идентификация қилишнинг ноаниқлик даражаси юқорилиги билангина эмас, балки мақсадли стратегиялар ихтисослашган мажмуи, муайян риск турларини бошқаришга қаратилган услубий ёндашувлар, усуллар ва воситаларга эга бўлган самарали менежментни чалғитиши билан ҳам хавфли. Бундан ташқари, банк рискларининг сезиларли миқдори, агарда катта қисми бўлмаса ҳам, бир вақтнинг ўзида ички ва ташқи рисклар гуруҳига тўғри келгани ҳолда бу белги бўйича умуман таснифланмайди. Бу банклар ва бошқа структуралар томонидан кузатиб бориладиган, ҳам ички ва ҳам ташқи омиллар билан шакллантириладиган, банк ҳолатига ҳам, унинг мижозларига ҳам таъсир кўрсатадиган кредит рискига, шунингдек, депозит риски, ликвидлик риски, фоиз риски, валюта риски, инвестицион риск ва бошқаларга тааллуқлидир. Гарчи бунда белгилашни маълум даражада “оғирлаштириш” ва етарли даражада кенг тарқалган таснифлаш тамойилларининг баҳридан ўтишга тўғри келадиган бўлсада, ушбу таснифий белгини алмаштириш, аниқроғи, муайянлаштириш лозим. Ички ва ташқи рискларни ажратган ҳолда кредит ташкилотлари рискларининг юзага келган таснифини сақлаб қолишга интилиб, бунинг имкони бўлган доираларда банк рискларининг таснифий белгиларини аниқлаймиз.

Биринчи навбатда, бундай таснифий белгилар қаторига қуйидагича белгиланадиган риск турлари ва риск омилларининг марказлашув соҳаларини киритиш лозим:

- ташқи омиллар рисклари;
- ички омиллар рисклари;
- ички ва ташқи омиллар комплексини универсал шакллантириш рисклари.

Шунга ўхшаш схемаларда риск-менежмент ахборот манбаларининг жойлашуви бўйича ва ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш (ахборот оқимлари

марказлашуви) соҳалари бўйича рисклар таснифланиши мумкин. Бу қадар кенг (лекин унчалик муайян эмас) баён қилинган рискларни (ички ва ташқи) белгилашни реал воқеликка максимал даражада мослаштиришга интилиб, бир қарашда мантикий, оддий ва тушунарли бўлиб кўринган, лекин банк риск-менежменти етакчи мактаблари томонидан амалда тавсифланмаган рискларнинг таснифлашнинг яна бир белгисига таяниш лозим.

Бу белги кредит ташкилотларини рискларнинг намоён бўлиш жойи (соҳаси) бўйича таснифлайди. Унинг амалга оширилиши бутун риск-менежмент мажмуи – сиёсий мақсадлар, устуворликлар, концепциялар, мақсадли стратегиялар, услубий йўналишлар, усуллар ва воситаларнинг тўлиқ ёйилиши ёки ихтисослашувини белгилаб беради. Ушбу белги бўйича уларнинг ортида гарчи ўзаро боғлиқ бўлсада, моҳиятан икки хил бўлган риск-менежмент муайянлаштирилган соҳалари турадиган атиги икки хил риск турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Кредит ташкилотлари рискларининг ушбу турлари:

- банклар банк риск-менежменти нуқтаи назаридан қабул қиладиган рисклар (банклар атроф-муҳит омиллари таъсири остида ҳам, банкнинг ўзида шаклланадиган ва амал қиладиган омиллар таъсири остида ҳам учрайдиган рисклар) – бу ички банк рискларидир;

- банклар томонидан юзага келтириладиган рисклар (банклар, уларнинг ҳамкорлари, инсайдерлари ва бевосита банклар билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар ва структуралар банклар ҳолати ва фаолияти, банк операциялари ва битимларининг самарадорлиги, капитал етарлилиги, активлар сифати, менежмент билимдонлиги, даромадлилик, ликвидлик, атроф-муҳит рискларини бартараф қилиш қобилияти билан асосланадиган омиллар таъсири остида учрайдиган рисклар).

Бу таснифий ёндашув шунчалик долзарб, ўз вақтида ва талаб қилинганки, у мазкур тадқиқотни структуралашнинг асос-негизлари қаторидан ўрин олган.

Бир қатор таснифий белгилар банк рискларини уларни бошқаришни ташкил қилиш учун энг муҳим бўлган нуқтаи назарлардан гуруҳлайди ва белгилайди. Улар қаторига қуйидаги каби белгиларни киритиш мумкин:

- бошқарув таъсирига мойиллик бўйича бошқариладиган рисклар, чекланган тарзда бошқариладиган рисклар ва бошқарилмайдиган рисклар ажратиб кўрсатилади;

- бошқарув мақсадли стратегиялари устуворлиги бўйича рисклар ўтказиладиган, нейтрал ҳолатга келтириладиган, ўрни тўлдириладиган, минималлаштириладиган, диверсификация қилинадиган рисклар сифатида белгиланади;

- ахборот билан таъминланганлик бўйича рисклар очик, қисман очик ва ёпиқ рисклар сифатида белгиланади;

- услубий ўзаро боғлиқлик (намоён бўлиш характери ва мос равишда, ҳисоб-китоб қилиш, таҳлил ва баҳолаш усуллари) бўйича рисклар хусусий, гуруҳ ва комплексли турларга тақсимланади.

Тахминан худди шу, бироқ бироз бошқача бошқарув соҳасида, таянч позициялардан банк риск-менежментидаги бир қатор таснифий белгилар амалга



оширилади. Хусусан, бошқарув қарорлари ва таъсирлари самарадорлиги учун риск даражаси каби таснифий белги муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ўта минимал ёки максимал позицияларни истисно қилганда, ушбу белги бўйича рискларни белгилашнинг амалда имкони бўлмайди. Капитал, мажбуриятлар, активлар, кредитлар, инвестициялар, шунингдек, айланма, сотув ҳажми ва банклар (кредит ташкилотлари), уларнинг мижозлари ёки атроф-муҳит субъектларининг бошқа кўрсаткичлари риск намоён бўлишида кўриладиган зиён, моҳиятан рискни молиялаштириш бўйича харажатлар билан таққослаганда рискларни билвосита, хусусий, паст, ўртача, катта, тўлиқ ва жуда оғир рисклар сифатида белгилайди.<sup>9</sup>

Банк рискларининг бошқарув, унинг функционаллиги ва самарадорлиги билан боғлиқ яна бир таснифий белгиси рисклар таъсири тезлиги ёки амалга оширилиш тезлиги бўлиши мумкин. Бу белги бўйича қуйидаги каби риск турлари ажратиб кўрсатилади:

- амалга оширилиш муддати узайтирилган рисклар;
- жараёнлар рўй бериши одатий муддатлари билан таққослаганда секинлаштирилган рисклар;
- стандарт рисклар;
- ўсиб борадиган рисклар;
- тезлаштирилган рисклар;
- амалга оширилиш муддати энг минимал бўлган “бир лаҳзали” рисклар.

Банк фаолиятидаги рисклар турли-туман бўлишига қарамай, риск-менежмент тизимини шакллантиришда Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан банк рискларига нисбатан белгиланган талаб ва рисклар таснифини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Чунки, Базель қўмитаси томонидан келтирилган рискларни бошқариш бўйича амалий характерга эга бўлган методология шакллантирилган.

Хусусан, Базель-II талабларига кўра, капитал етарлилигини ҳисоблашда кредит riskидан ташқари, бозор ва операцион рисклар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Шу боисдан, ривожланаётган давлатларда банк капиталига нисбатан минимал талабларни белгилашда операцион ва бозор рискларига катта эътибор қаратилмоқда.

Халқаро амалиётда кредит riskни баҳолаш ва бошқариш борасида бой тажриба тўпланган (1.1-жадвалга қаранг). Ушбу тажрибаларни миллий банк тизимида қўллаш республика тижорат банклари фаолиятида кредит riskини олдиндан пайқаш, уларни баҳолаш ва самарали бошқариш бўйича чоратадбирларни такомиллаштириш имконини беради.

---

<sup>9</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

Халқаро амалиётда кредит рискин баҳолаш усуллари<sup>10</sup>

<b>6“C”</b>	Customer character	Мижознинг мавқеи
	Capacity to pay	Тўловга қобиллик
	Capital	Капитал
	Collateral	Ссуда таъминоти
	Current business conditions and goodwill	Иқтисодий конъюнктура ва унинг истикболлари
	Control	Назорат
<b>PARTS</b>	Purpose	Кредитнинг мақсади
	Amount	Кредит миқдори
	Repayment	Асосий қарз ва фоиз тўловлари бўйича мажбуриятларни сўндириш
	Term	Муддат
	Security	Кредит таъминоти
<b>PARSER</b>	Person	Қарз олувчининг шахси ва унинг мавқеи ҳақида маълумот
	Amount	Сўралаётган кредит суммасини асослаш
	Repayment	Кредитни сўндириш имконияти
	Security	Кредит таъминотини баҳолаш
	Expediency	Кредитнинг мақсадга мувофиқлиги
	Remuneration	Кредит беришдаги риск учун банкка тўланадиган мукофот (фоиз ставкаси)
<b>CAMPARI</b>	Character	Қарз олувчининг мавқеи
	Ability	Қарз олувчининг бизнесини баҳолаш
	Means	Ссуда учун зарур бўлган муомалалар таҳлили
	Purpose	Кредит мақсади
	Amount	Кредит суммасини асослаш
	Repayment	Кредитни сўндириш имконияти
	Insurance	Кредит рискин суғурталаш усули
<b>COPE</b>	Competition	Тармоқдаги рақобат
	Organization	Фаолиятни ташкил этиш
	Personnel	Кадрлар, персонал
	Finance	Молия, даромадлар
<b>SWOT</b>	Strong	Қарз сўраб мурожаат қилувчининг кучли томонларини аниқлаш
	Weak	Қарз олувчининг кучсиз томонларини очиб бериш
	Opportunities	Қарз олувчининг муваффақиятли одимини таъминлайдиган муҳим омилларни аниқлаш
	Threat	Кредитлашда юзага келиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш

<sup>10</sup> Хорижий адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Сўнги йилларда ривожланган мамлакатлар банклари фаолиятида операцион рискларни бошқаришга нисбатан талаблар кучайтирилмоқда. Бу эса банкларнинг умумий йўқотишлари таркибида операцион рискдан кўрилган зарар салмоғининг юқорилиги билан белгиланади.

2-жадвал

### Операцион рисклар таснифи<sup>11</sup>

Жараёнларни ташкиллаштириш rischi	Жараёнлар амалга ошишининг бузилиши rischi		
	Персонал rischi	Ахборот ресурси rischi	Техник ресурслар rischi
– кредитлаш тартибидаги хатоликлар ёки унинг мавжуд эмаслиги; – кредитлаш жараёни ресурсларини тақсимлашдаги камчиликлар; – операцияларни амалга оширишда қайд қилинган жараёнларнинг мавжуд эмаслиги; – персонал функцияларини нотўғри тақсимланиши; – дастлабки, жорий ва якуний назорат жараёнларининг самарасизлиги.	– кредит операцияларини амалга оширишда ходимлар малакасининг етишмаслиги; – рағбатлантириш (мотивация) даражасининг пастлиги; – кредит операцияларини амалга оширишдаги тасодифий хатолар rischi; – персоналнинг фирибгарлик rischi; – персоналнинг ҳаддан ташқари иш билан бандлигидан келиб чиққан хатоликлар; – муҳим ходимларнинг қўнимсизлиги rischi.	– ахборотнинг йўқолиши rischi; – банк ахборот хавфсизлиги тизимининг самарасизлиги; – махфий ахборотлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш; кирувчи ахборотларни ишончлилик даражасининг етарли эмаслиги.	– эскирган ускуна, компьютер ва дастурлардан фойдаланиш; – техника тизимининг бузилиши; – моддий активларнинг йўқотилишига олиб келувчи фавқулудда ҳолатлар; – активларни ўғирланиши.

2-жадвалда банк фаолиятидаги операцион рисклар таснифи келтирилган. Халқаро банк амалиётида операцион рисклар ривожланишининг асосий тенденциялари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1. Кредит фаолиятидаги операцион рисклар аҳамиятининг ортиши фирибгарлик ҳолатларининг кўпайганлиги, малакали кадрларнинг йўқотилиши ва инқироз шароитида стандарт тартибларга етарлича эътибор қаратмаслик билан белгиланади.

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

2. Операцион рисклар таркибининг сифат жиҳатдан ўзгариши кредит фаолиятидаги операцион рисклар ўсишидаги асосий омилларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Охирги йилларда кредитлаш ҳажми билан бир қаторда операцион рискларнинг ўсиш тенденциясининг кузатилиши кредитлаш бўлими ходимларининг профессионал фаолиятига бўлган талабларни кучайтирди, натижада кредит фаолиятидаги операцион рискларнинг интенсив ўсиши ва қарз олувчиларнинг банкротга учраши каби муаммолар пайдо бўлди.

Замонавий шароитда банклардаги операцион рисклар ўсишининг муҳим омили уларнинг муаммоли активлари билан ишлаш бўлимини яратиш ва унинг фаолиятини кучайтириш орқали банкларнинг ташкилий структурасининг тизимли равишда ўзгариши ҳисобланади. Чунки тижорат банкидаги ҳар қандай ташкилий ўзгариш мутаносиб равишда ундаги операцион рискларнинг ўсишига олиб келади.

3. Операцион рисклар методологияси ва бошқарувини такомиллаштириш. Рискларни бошқариш тизимида операцион рискларнинг роли ва ўрни эволюцияси нуқтаи назаридан 1998 йилда қабул қилинган Базель келишувига кўра операцион риск кредит ва бозор рискининг иккинчи даражали маҳсули ҳисобланганлигини таъкидлаш лозим. Лекин операцион зарарларнинг ортиб бориши операцион рискларни бошқариш аҳамиятини ортишига олиб келди. Базель-II келишувига кўра операцион рисклар бошқа риск турлари каби тегишли инструмент ва методлар ёрдамида мустақил кўриб чиқиладиган бўлди<sup>12</sup>.


Бозор рисклари таркибида фоиз rischi банк фаолияти барқарорлигига, хусусан, соф фоизли маржа кўрсаткичларига сезиларли даражада салбий таъсир этиши мумкин.

Фоиз рискларини бошқариш тизими фоиз рискинини бошқариш жараёнини таъминловчи меъёр, ахборот оқимлари ва жараёнлари мажмуидан ташкил топади. Айни пайтда, фоиз рискларини бошқариш жараёнини қуйидаги босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқ:

- риск омилларини аниқлаш;
- фоиз рискинини баҳолаш;
- фоиз rischi даражасини доимий равишда баҳолашни таъминлайдиган ахборот тизимини ишлаб чиқиш;
- фоиз рискинини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- фоиз рискинини бошқаришдаги ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш;
- фоиз рискинини бошқариш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш;
- банк бошқаруви томонидан фоиз рискинини бошқариш тизими устидан назорат;
- фоиз рискинини бошқариш тизимини ички ва ташқи аудит қилиш.

---

<sup>12</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.



**2-расм. Фоиш рискни бошқариш схемаси<sup>13</sup>**

Тижорат банкларида фоиш рискни бошқаришда унинг жорий даражаси йўл қўйиш мумкин бўлган даражаси билан таққосланади (2-расмга қаранг). Натижада фоиш рискининг мумкин бўлган даражаси, муҳим даражаси, критик даражаси бўйича рискни бошқариш стратегияси ва ўз навбатида тактикаси ишлаб чиқилади.

Халқаро амалиётда, фоиш рискни турларини баҳолашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

– гЭП-таҳлил (актив ва пассив молиявий инструментларнинг қиёсий таҳлили);

– дюрация таҳлили.

Лекин кўриб чиқилган усулларда муҳим чекловлар мавжуд, бунга қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин:

– опцион ва фонд рискларни баҳолашда ушбу методларни қўллаб бўлмайди;

– гЭП-таҳлилдан фойдаланилганда фоиш ставкасининг ўзгариши рискни ва рискни қайта баҳолаш рискни ҳаттоки фонд рисклари бир-бири билан аралашиб кетиши мумкин. Бунда ҳеч қайси риск тури алоҳида кўриб чиқилмайди, олинган хулосалар эса кўпинча эксперт характерига эга.

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

– дюрация тахлили турли муддатларга дисконтлаш ставкаларини ўзгариш эҳтимолини ҳисобга олмайди.

Умуман олганда, фоиз рискени бошқариш усулларини икки асосий категорияга бўлиш мумкин:

– банк актив ва пасивлар таркибини босқичма-босқич трансформацияси;

– фоиз рискени пасайтириш бўйича махсус чоралар, фоиз рискени хеджирлаш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, тижорат банкларида рискларни баҳолаш ва бошқариш усуллари ва воситаларини такомиллаштириш рисклар натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарларни олдини олишга ва пировардида банкнинг молиявий барқарорлигини оширишга хизмат қилади.


### **1.3. Банкларда риск-менежмент тизими: таркиби ва жорий қилиш механизми.**

Банк рискларини бошқариш тизимини учта асосий таркибий қисмга ажратиш мақсадга мувофиқ. Булар меъёрий, ташкилий ва технологик компонентлардан иборат (3-расм). Ушбу компонентларнинг орасида яхлит бир тизимни шакллантирадиган алоқалар (бошқариш, ривожлантириш, генетик алоқалар ва ўзаро функционал) мавжуд. Банк рискларини бошқариш тизимининг меъёрий компоненти турли тахдидларни бартараф этиш учун банк ходимларини бошқаришдаги мақсад, тамойил, устувор йўналишлар ва рискларни бошқариш қоидаларини аниқлаб беради.

Тижорат банклари рискларини бошқариш тизимининг ташкилий компоненти банк рискларини бошқариш жараёнини кетма-кетлигини аниқлашга мўлжалланган бўлади. Технологик компонент рискларни бошқаришда огоҳлантириш, бартараф этиш ва хавфсизлик режимига амал қилиш тартибини ишлаб чиқишга хизмат қилади.


Қуйида келтирилган рискларни бошқариш тизимини (РБТ) ташкил этиш ва жорий қилиш механизми беш босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда РБТни ташкил этиш ва жорий қилиш иқтисодий асосланади, иккинчи босқичда РБТни ташкил этиш ва жорий қилишни молиялаштириш масалалари кўриб чиқилади, учинчи босқичда РБТни амал қилиш механизмига шарт-шароитлар яратилади, тўртинчи босқичда РБТнинг таркибий тузилиши шакллантирилади, бешинчи босқичда эса рискларни бошқариш тизими жорий қилинади (4-расмга қаранг). Тижорат банкларининг риск-менежмент тизими молиявий барқарорлигини таъминловчи асосий механизм ҳисобланади.

Тижорат банкининг рискларни бошқариш тизими ўзи фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг сабаб омили ҳисобланган, жараёни шакллантирувчи маълум бир элементдан иборат бўлган чекланган тизимлар қаторига киради. Кўриб чиқиладиган тизимнинг негизи уйғунликда бирлаштирилган меъёрий, ташкилий ва технологик таркибий қисмлар йиғиндиси ҳисобланиши сабабли мазкур тизим тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлашда негиз, асос сифатида тавсифланиши мумкин.



3-расм. Банк рискларини бошқариш тизимининг тузилиши<sup>14</sup>

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан тузилган.



**4-расм. Risklarni boshqariш tizimini tashkil etish va joriy qiliш mexanizmi<sup>15</sup>**

<sup>15</sup> Муаллиф томонидан тузилган.



Банк рискларини бошқариш тизимини ташкил қилишда меъёрий, ташкилий ва технологик таъминотини қамраб оладиган тижорат банкнинг бошқарув жараёни комплекс дастур асосида амалга оширилиши лозим. Комплекс дастур банклардаги риск-менежментнинг роли ва унинг турли жиҳатларини инобатга олади.

Комплекс дастур асосида банкларнинг риск-менежмент фаолиятини жорий этилиши келажакда мамлакатимиз банк тизими ривожланишига ва барқарорлигини ошишига хизмат қилади.

Банк рискларини бошқариш ҳар бир кредит ташкилотининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Рискларни бошқариш тизими фаолияти самарадорлигига рискларнинг таъсир даражасини баҳолашга имкон берадиган услубиёт куйида келтирилган.

3-жадвал

**Банк рискларининг ўзига хос асосий белгиларини баҳолаш<sup>16</sup>**

Т/р	Риск тури	Амалга ошиш эҳтимоли	Зарар миқдори	Бошқарилиш даражаси
1.	Кредит rischi	юқори	юқори	ўрта
2.	Валюта rischi	юқори	юқори	паст
3.	Ликвидлилик rischi	паст	паст	юқори
4.	Операцион риск	юқори	ўрта	юқори
5.	Мамлакат rischi	юқори	юқори	паст
6.	Ҳуқуқий риск	паст	паст	паст
7.	Мавқенинг пасайиши rischi	юқори	юқори	паст

Ҳозирги пайтда банклардаги рискли вазиятларнинг баҳоланиши тўпланган тажриба, маҳорат ва кўникмалар асосида банк мутахассислари томонидан амалга оширилмоқда. Анъанавий ёндашувдан фарқли равишда рискларни бундай баҳолаш усули банкнинг ташкилий ва молиявий-иқтисодий ҳолатини тавсифлайдиган маълумотлар асосида ўтказилишига, шунингдек, нисбатан кўп вужудга келадиган риск таҳдидлари рўйхатини аниқлашга ва тузишга имконият яратади. Банк рискларини бошқаришнинг мазкур услубиятини амалга оширишда дастлаб риск кўрсаткичларини аниқлаш ва рисклар матричасини тузиш мақсадга мувофиқ. Белгиланган мақсадга эришишда рисклар рўй бериш эҳтимолиги, молиявий зарар ҳажми ва бошқарилувчанлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши зарур. Риск кўрсаткичлари экспертлар усули орқали белгиланади, уларнинг тавсифи 3-жадвалда келтирилган.

Кредит rischi алоҳида эътибор талаб қиладиган рискли фаолият туридир. Шу сабабдан мазкур рискнинг бошқарилувчанлиги ўртача сифатида баҳоланади.

Бозорда валюта курси қийматининг ноқулай ўзгариши туфайли банкка

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

зарар етказилиши эҳтимоли катта, бошқарилувчанлик эса пастдир. Бу молия бозорининг ўзгарилувчанлигини, унинг қатнашчилари стратегиялари ва унинг ҳолатига банкнинг таъсир кўрсатиш имконияти йўқлиги билан асосланади. Шу боисдан мазкур рискни қолдиқ риск сифатида таснифлаш мумкин.<sup>17</sup>

Ликвидлик рискининг рўй бериш эҳтимоли нисбатан паст, чунки банк ушбу риск турини бошқариш учун етарли захира, куч-қувват ва ресурслар салоҳиятига эга, шу сабабли ундан кўриладиган зарарни паст, бошқарилувчанликни эса – юқори деб ҳисоблаш мумкин.

Операцион рискнинг рўй бериш эҳтимоли баланд. Бироқ банкда ички назорат тизимининг мавжудлиги туфайли банкка етказиладиган молиявий зарарни ўртача, бошқарилувчанликни эса – юқори деб ҳисоблаш мумкин. инкассация рискининг рўй бериш тезлигини ўртача деб баҳолаш мумкин. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ушбу қоидабузарликларнинг олди тезкорлик билан олинади, шу сабабли ушбу риск турининг бошқарилувчанлиги ва етказадиган зарарини ўртача деб баҳолаш мумкин.

Жаҳон молия бозоридаги беқарорлик туфайли миллий иқтисодиёт рискининг рўй бериш эҳтимоли ва ушбу риск туфайли кўриладиган зарар юқори, мазкур рискни бошқариш имконияти эса – паст бўлади. Пировардида ушбу риск турини юзага келтирадиган халқаро бозордаги операциялардан воз кечиш лозим. Қонунчиликнинг ўзгариши билан асосланадиган ҳар қандай рискнинг рўй бериш эҳтимоли бошқарув нуқтаи назаридан ҳам, йўқотишлар ҳажми нуқтаи назаридан ҳам паст ҳисобланади. Нуфуз (обрў-эътибор) рисқи катта вайрон қилувчи кучга эга, шу боисдан ундан ўзини олиб қочиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Стратегик риск юқори даражада бошқарилувчанликка ҳам эга бўлсада оқибатда кўриладиган зарар ҳажми каттадир.

Кўп сонли танлов назарияси асосида банк рискларини бошқариш стратегияси шаклланади. Бунда рисклар матричасига алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир.

Рисклар рўй беришининг молиявий оқибатларини баҳолаб, таъкидлаш жоизки, тижорат банки рискларни бошқаришда эришишга интиладиган мақсад уларнинг рўй бериш ва молиявий зарар етказиш эҳтимоли пасайишидан иборат. Кўриб чиқилган барча рисклар орасида фақат ликвидлик рисқи ва ҳар қандай риск банк томонидан шубҳасиз бошқарилишга қабул қилинади.

Валюта рисқини бошқаришда қолдиқ рисқини минималлаштириш жараёнлари юқори натижа беради, операцион риск намоён бўлиш рискининг юқорилиги билан ҳам, етказиладиган риск ҳажмининг ўртачалиги билан ҳам тавсифланади, кредит рисқи, инкассация рисқи, ёнғин чиқиш рисқи, стратегик риск каби рискларни моддий ва молиявий йўқотишлар даражаси юқори бўлган рисклар қаторига киритиш мумкин. Мамлакат рисқи ва нуфуз рисқини юмшатиш ёки улардан қочиш лозим.

Таклиф этилаётган услубиётга мувофиқ, кейинги қадам рискларни бошқариш юзасидан тижорат банкининг режаларини амалга оширишнинг

---

<sup>17</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳисобланади.

Кредит rischi диверсификацияланган риск ҳисобланади. Операцион риск, инкассация rischi ва ёнғин чиқиш rischi пасайтириш бўйича чора-тадбирлар муваффақиятли бўлади. Стратегик rischi минималлаштириш учун банкда уни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилиши зарур.

Айни пайтда, тижорат банкларида rischiларни бошқариш тизимини шакллантириш rischiларни бошқаришнинг қуйидаги тамойилларига асосланиши лозим:

- rischiларни камайтириш имконияти;
- rischiларни ўтказиш имконияти;
- рискдан қочиш имконияти;
- rischiларни бошқаришни тасдиқланган сиёсатининг мавжудлиги;
- муайян банк rischiларини бошқариш тўғрисидаги низомнинг

мавжудлиги;

- муайян рисклар ва таркибий қисмлар алоқаларини бошқариш методикаси мавжудлиги;

- банк таркибий тузилмасида стратегик режаларни ишлаб чиқишга ва уларни тасдиқлашга маъсул органнинг мавжудлиги;


- банк таркибий тузилмасида риск-менежмент департаментининг мавжудлиги;

- ахборотнинг мавжудлиги;

- тизимнинг самарадорлиги;

- rischiларни ўз зиммасига олишнинг англаб етилганлиги.

Бундан ташқари, банк фаолиятида rischiларни бошқариш жараёни аниқ методология асосида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Бунда банк фаолиятидаги rischiларни бошқариш методологияси қуйидагича кўриниш олади (5-расм).



**5-расм. Банк rischiларини бошқариш методологияси<sup>18</sup>**

Авваламбор, тижорат банкларида rischiларни бошқариш босқичлари белгилаб олиниши зарур. Биринчи босқичда банк фаолиятида юз бериши

<sup>18</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

мумкин бўлган рисклар аниқланади, яъни идентификация қилинади. Иккинчи босқичда рисклардан кўрилиши мумкин бўлган оқибат баҳоланади. Учинчи босқичда эса рискларни олдини олишга нисбатан бошқарув томонидан кўрсатиладиган таъсир бўйича қарор қабул қилинади. Ва ниҳоят, тўртинчи босқичда қабул қилинган қарорнинг ижроси назорат қилинади.


Бундан ташқари, банк рискларини бошқариш методологиясида тижорат банклари фаолиятида юз берадиган рискларни бошқариш усуллари тўлиқ ифодаланиши лозим. Бундай усуллар сирасига идентификация усуллари, баҳолаш усуллари, риск позициясини бошқариш усуллари ва назорат қилиш усуллари кабиларни киритиш мумкин.

Шунингдек, банк рискларини бошқариш методологиясида рискларни бошқариш воситалари ўз ифодасини топиши зарур. Бунда идентификациялаш мақсадида рисклар харитасидан фойдаланилади. Рискларни баҳолаш учун эса баҳо ва прогнозлардан, бошқарув қарорини қабул қилишда лимитлар, нормативлар ва захиралардан, шунингдек, назорат босқичида жарима ва санкциялардан фойдаланилиши мумкин.

б-расмда тижорат банкларида рискларни бошқариш тизими қандай кўринишга эга бўлиши келтирилган.

Расм маълумотлари кўрсатишича, банкларда рискларни бошқаришга масъул бўлган корпоратив тузилмалар таркибига банк бошқаруви, кўмиталар, риск-менежмент бошқармаси ва тегишли таркибий бўлинмалар киради. Айни пайтда, банк бошқаруви ва кўмиталари томонидан рискларни бошқариш бўйича низом ва сиёсатлар, шунингдек, усул ва тартиблар тасдиқланади, банк рискларини бошқариш бўйича стратегик қарорлар қабул қилинади.

Иккинчи даражали масъул корпоратив бўлинма сифатида риск – менежмент бошқармаси майдонга чиқади. Норматив базани ишлаб чиқиш, ҳисобдорлик тизимини ташкил этиш, ҳисоботларни шакллантириш айнан мазкур бошқарма томонидан амалга оширилади.



**6-расм. Банк рискларини бошқариш тизими<sup>19</sup>**

Рискларни бошқаришнинг бошқа таркибий бўлинмалари, муҳим риск тури бўйича ташкил қилиниши мумкин. Масалан, кредит рискини бошқариш бўлими, бозор рискини бошқариш бўлими ва ҳ.к. Аини пайтда, мазкур таркибий бўлинмалар томонидан оператив бошқарув амалга оширилади.

Умуман олганда, тижорат банкларида самарали риск-менежмент тизимини шакллантириш унинг рақобатбардошлиги, бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга, барқарор фаолият юритиши учун замин яратишга хизмат қилади.

<sup>19</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

### **Назорат саволлари:**

1. Банк рисклари моҳияти нимадан иборат?
2. Банк рискларининг қандай турлари мавжуд?
3. Банк рискларини бошқаришнинг қандай усулларини биласиз?
4. Халқаро амалиётда кредит рискинни бошқаришда қандай усуллардан фойдаланилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.
2. “Moody’s defines default as any missed or delayed payment, or distressed exchange diminishing the obligation or having the apparent purpose of helping the issuer avoid default” (Felsenheimer J., Gisdakis P., Zaiser M. “Active Credit Portfolio Management”, Wiley-VCH, 2006. – с. 126).
3. “S&P defines default as the first missed payment of principle or interest on debt” // Felsenheimer J., Gisdakis P., Zaiser M. “Active Credit Portfolio Management”, Wiley-VCH, 2006. – с. 126.
4. Basel Committee on Banking Supervision: Credit Risk Modeling: Current Practices and Application. Publication № 49. 1999.
5. John C. Hull. Risk management and financial institutions. New Jersey: Pearson Education, Inc., 2007. –500 p.
6. Sh.Hefferman. Modern banking. London: John Wiley & Sons Ltd, 2005. – 716 p.

#### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.bis.org> – Basel Committee on Banking Supervision.
2. <http://www.federalreserve.gov> – АҚШ Федерал заҳира тизими веб саҳифаси.
3. <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб саҳифаси.
4. <http://www.press-service.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати веб саҳифаси.
5. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитаси веб саҳифаси.

## 2-МАВЗУ. БАНКЛАРДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАРИ

---

### **Режа:**

2.1. Тижорат банкларида риск-менежментни ташкил этиш ва унинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари

2.2. Банк фаолиятида рискларни баҳолаш ва бошқариш бўйича халқаро талаблар ва уларни Ўзбекистонда қўллаш шарт-шароитлари

### **📌 Таянч иборалар:**

*Бир қарз олувчи, бир-бирига дахлдор қарз олувчилар, захира, очиқ валюта позицияси, ёпиқ валюта позицияси, капитал етарлилиги, қарорлар қабул қилиши, Базель 1, Базель 2, Базель 3.*

### **2.1. Тижорат банкларида риск-менежментни ташкил этиш ва унинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари.**

Маълумки, тижорат банкларида риск-менежментни ташкил этиш Марказий банк томонидан қўйилган талаблар, шунингдек, ҳар бир тижорат банкининг Кенгаши томонидан белгиланган риск сиёсати асосида амалга оширилади.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг (1995 йил 21 декабрь) 52-моддасига мувофиқ, Марказий банк томонидан турли рискларни чегаралаш мақсадида банклар учун мажбурий бўлган нормативлар белгиланади<sup>20</sup>. Хусусан, Марказий банк:

– бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;

– йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;

– активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек бундай таснифлар асосида банкнинг операцион харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган захираларни шакллантиришни;

– қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисобварағига киритишга доир талабларни белгилайди.

Бундан ташқари, республикамызда тижорат банклари фаолиятидаги рискларни бошқаришга нисбатан минимал талаблар Марказий банк Бошқаруви томонидан 2011 йил 7 майда 14/2 – сонли қарор билан тасдиқланган “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомда ифодаланган.

Ушбу низомга мувофиқ, банк рискларини бошқариш банк ўз фаолиятини юритиши ва банк операцияларини ўтказишида пайдо бўлиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш, камайтириш ва

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тўплами.– Т.: Ўзбекистон, 2011. – 25 б.

кўрилиши мумкин бўлган зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи сифатида эътироф этилган.

Банк фаолиятидаги рискларни бошқариш қуйидаги асосий мақсадларни кўзда тутиши зарур:

- банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш;

- банк рискларини камайтириш, бартараф этиш ва олдини олиш;

- банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлаш.

Айни пайтда, банк рискларини бошқаришда тижорат банкидан қуйидагилар талаб этилади:

- банк фаолияти ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган рискларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш;

- банк рискларини бошқариш вазифалари юкланган таркибий бўлинмани ташкил этиш;

- банк рискларини бошқариш бўлинмасини тажрибали ва малакали мутахассислар билан таъминлаш;

- банк янги хизматларни жорий қилишда, йирик битимларни тузишда, хорижий молия институтлари билан алоқалар ўрнатишда, инвестициялар киритишда, хорижий валютадаги маблағларни активларга жойлаштиришда, янги ходимларни ишга қабул қилишда банк рискларини бошқариш бўлинмаси билан келишувни амалга ошириш.

Бундан ташқари, банк рискларини бошқариш бўлинма қуйидаги вазифаларни бажариши зарур:

- банк фаолиятида учраши мумкин бўлган барча рисклар рўйхатини юритиш, уларнинг юзага келиш омилларини ўрганиш ва мониторинг қилиш ҳамда рискларни бошқариш бўйича барча чораларни кўриш;

- банк рискларини баҳолаш;

- банк фаолиятида банк рискларини бошқариш борасида қабул қилиниши лозим бўлган чоралар, талаблар ва меъёрларни банк Бошқаруви органи муҳокамасига киритиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан банк рискларини қоплаш учун захираларни шакллантириш юзасидан чоралар кўриш;

- банк хизматлари ва операцияларини амалга ошириш бўйича банкнинг ички ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишда ва банк ходимларининг лавозим мажбуриятларини белгилашда қатнашиш;

- жорий қилинаётган янги банк хизматлари ва операциялари, битимлар юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- банк хизматларини кўрсатиш ва операцияларини амалга ошириш тартибларини такомиллаштириш;

- банк кредит (инвестиция) портфелини кредит (инвестиция) тури, қарздор (эмитент)нинг иқтисодиёт тармоғи, ҳудуди, кредит таъминоти, мақсади, фоизи ва ундириш муддатлари бўйича алоҳида-алоҳида мониторинг ўрнатиш ва



уларни таҳлил қилиш;

– муаммоли кредитларни, уларнинг иқтисодиётнинг қайси соҳасига тегишлилигини, муаммога айланганлик сабабини, ушбу кредитларни ажратиш ва мониторинг қилиш жараёнларини ўрганиш натижасида тегишли хулосалар қилиш ва таклифлар тайёрлаш;

– кредит рискин аниқлаш ва олдини олиш мақсадида кредит олган шахслар бўйича маълумотларни умумлаштириш ва тегишли хулосалар қилиш;

– банк ахборотлари базасига рухсатсиз киришдан ишончли ҳимоялашни таъминловчи дастурларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этиш;

– банк ходимлари томонидан банк хизматларини кўрсатишда ва банк операцияларини амалга оширишда ўз лавозим мажбуриятлари ва вазифаларига ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилинишини таъминлаш юзасидан чоралар кўриш;

– банкнинг молиявий ҳолатини, ликвидлилигини стресс-тестдан ўтказиш ва миқдорларни скоринг таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш ва уларнинг қўлланилишини таъминлаш;

– банкда амалга оширилиши мумкин бўлган барча хизмат (омонат ва кредит) турлари ва операциялар рўйхатини юритиш;

– жаҳондаги молия ва иқтисодий соҳаларда, шу жумладан миллий иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларни ўрганиш, кузатиш ва лозим бўлса таклифлар тайёрлаш;

– банк менежменти ва технологиялари, шу жумладан банк рискларини бошқариш бўйича халқаро ва хорижий банклар тажрибаларини ва бу борада янгиликларни ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш;

– ҳар ярим йилда, банк Бошқаруви ва банк Кенгашининг рискларни назорат қилиш Қўмитаси йиғилишларида муҳокама қилиш учун банк рискларини бошқариш борасида олиб борилаётган ишлар натижалари бўйича ҳисоботлар бериш.

Бундан кўриш мумкинки, юқоридаги Низомда банкларда риск-менежментни ташкил қилиш бўйича умумий талаб ва вазифалар келтирилган.

Энди тижорат банклари фаолиятидаги алоҳида риск турлари бўйича норматив талабларни кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 2 ноябрда тасдиқланган 421-сонли “Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришга нисбатан минимал талаблар белгиланган. Таъкидлаш жоизки, банкларда етарли ликвидликни таъминлаш зарурати фойда олишга бўлган интилишни мувозанатда сақлаб туриши ва тижорат банки ҳеч қачон даромадлилик ҳисобига ликвидликни суиистеъмол қилмаслиги зарур.

Мазкур Низомга биноан, тижорат банклари жорий ликвидлик коэффицентининг талаб қилинган даражасини таъминлаши зарур. Бунда жорий ликвидлик коэффиценти ликвидли активлар ва сўндириш муддати 30 кунгача бўлган бошқа активларнинг талаб қилиб олингунча ва сўндириш

муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятларга нисбати кўринишида аниқланади. Ушбу коэффициентнинг минимал даражаси 30 фоизни ташкил этади.

Айни пайтда, тижорат банклари юқоридаги низом асосида ликвидликни самарали бошқариш сиёсатини ишлаб чиқади ва бунда белгиланган меъёрларга риоя қилади.

Тижорат банклари ликвидликни бошқариш бўйича қарорларни қабул қилишда жорий ликвидлик ҳолати, ресурсларга бўлган талаб ўзгариб туришидаги мавсумий хусусиятлар, ресурсларга бўлган талабнинг кутилаётган ўзгаришлари, ресурс манбалари ва уларнинг қиймати, активлар сифати, банкнинг умумий молиявий ҳолати, балансдан ташқари мажбуриятлар ва шартномалар, жумладан, ишлатилмаётган кредит линиялари, аккредитивлар, қимматли қоғозлар ва валютани сотиб олиш бўйича тузилган шартномалар каби омиллар чуқур таҳлил қилиниши зарур.

Ўзбекистонда ваколатли банклар очик валюта позицияси лимити доирасида бир-бири билан ўзаро, миқдорлари билан, шунингдек, халқаро бозорларда хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш, шунингдек, ҳосила молия воситалари бўйича операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Тижорат банкларида валюта рискинни бошқаришга нисбатан талаблар Марказий банкнинг “Очик валюта позициясини юритиш қоидалари”да белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг очик валюта позицияларига нисбатан 2005 йилнинг 31 августидан бошлаб қўйидаги чекловлар ўрнатилди:

- тижорат банкининг битта валютадаги очик валюта позициясининг миқдори унинг регулятив капиталининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим;
- тижорат банкининг барча валюталардаги очик валюта позициясининг миқдори унинг регулятив капиталининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Тижорат банкларининг очик валюта позициялари лимитдан ошган ҳолларда зарурий мувозанатлаштирувчи битимлар ёрдамида ўрнатилган лимит таъминланиши зарур. Айни пайтда, тижорат банклари ўз филиаллари учун мустақил равишда очик валюта позицияси лимитларини ўрнатишлари мумкин.

Тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискларини бошқаришни самарали ташкил қилишда Марказий банк Бошқарувининг 2000 йил 22 февралдаги 429-сон қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом алоҳида аҳамиятга эга. Унга кўра, банкнинг кредит сиёсати кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжат ҳисобланади. Бундан ташқари, кредит сиёсати тижорат банкининг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши зарур. Ушбу ҳужжатнинг нақадар муҳимлигини унинг алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқилиши ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 557-

сонли “Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги Низомида тижорат банкларининг қарз олувчилар билан боғлиқ операциялардаги риск даражаси бўйича чекловлар ифодаланган. Унга мувофиқ, бир қарздорга ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига берилган кредит миқдорига қуйидаги суммалар киритилиши лозим: а) кредитнинг асосий суммаси ҳамда “кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида акс эттирилган мажбуриятлар ва ҳисобланган фоизлар; б) молиялаштиришга доир барча юридик жиҳатдан боғлиқ мажбуриятлар; в) овердрафтлар; г) баланسدан чиқариб ташланган барча суммалар (қарздорнинг тўлаш мажбурияти у банкрот деб эълон қилинганлиги натижасида юридик жиҳатдан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

Ушбу низомга мувофиқ, I даражали банк регулятив капиталининг 10 фоиздан ошган кредит йирик кредит сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, тижорат банклари ҳар ойда бир маротаба кредитларга доир юзага келиши мумкин бўлган барча йирик зарарлар тўғрисидаги маълумотни Марказий банкка тақдим этиши зарур.

Марказий банкнинг 1998 йил 9 ноябрдаги 242-сон “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш” Тартиби тижорат банкларининг кредит қўйилмалари таснифлаш ва улар бўйича кредит рискининг амалга ошишидан юзага келадиган зарарларни қоплаш бўйича махсус захираларни шакллантириш талабларини белгилаб беради.

Шунингдек, тартибга кўра тижорат банклари кредитлари яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз кредитларга ажратилади. Шунга мос равишда мазкур кредитлар бўйича захиралар кредит миқдорининг 0, 10, 25, 50 ва 100 фоизи миқдорида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2011 йил 10 сентябрдаги 26/1-сонли қарори 2011 йилнинг 2 октябридан бошлаб кучга кирди.

Ушбу қарорга кўра Марказий банкнинг “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби”га қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди:

– Марказий банкда тижорат банки активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираланадиган мажбурий захира депозити ташкил қилинди ҳамда ушбу мажбурий захира депозитига тижорат банклари ўз активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши шакллантирилган махсус захиралар суммасига тенг миқдордаги маблағларни вакиллик ҳисобварақларидан ўтказиб бориш талаби қўйилди;

– мажбурий захира депозитига ўтказилиши лозим бўлган маблағлар

миқдори ҳар ойнинг 10, 20-саналари ва ой якуни бўйича шакллантирилган активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захира суммасидан келиб чиқиб қайта ҳисоб-китоб қилинади;

– ҳисоб-китоб натижаларига кўра, уч иш куни мобайнида тижорат банклари махсус захиралар суммасига етмаётган миқдордаги маблағларни мажбурий захира депозитига ўтказиши ёки тижорат банкларининг асослантирилган мурожаатига кўра Марказий банк томонидан ортиқча маблағлар банкларга қайтарилади;

– шартнома муддатида тўланмаган ва график бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича оралиқ тўловлар 180 кундан кечиктирилган барча кредитлар “умидсиз” сифатида таснифланади. Бундан ташқари, суд жараёнидаги активлар, қарздорнинг молиявий ҳолати ёмонлиги ва тўловга қобилиятсизлиги сабабли тўлов муддати узайтирилган активлар ҳамда банк фаолиятида фойдаланилмайдиган, муаммоли кредитларни қоплаш учун олинган мулклар, улар банк балансига олинган кундан бошлаб уч ой муддатда сотилмаган активлар ҳам “умидсиз” сифатида таснифланади;

– агар тижорат банклари юқорида келтирилган талабларига амал қилмаган тақдирда, Марказий банк мажбурий захира депозитига ўтказилиши лозим бўлган маблағларни банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидан ундириб олади ва банкка нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг 53-моддасига мувофиқ тегишли чора ва санкцияларни қўллайди.

Умуман олганда, Марказий банкнинг тижорат банкларида рискларни тартибга солиш ва бошқаришга нисбатан талаблари ва меъёрларини 4–жадвал орқали ифодалаш мумкин.

2000 йил 24 июнда қабул қилинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги 472-сонли Низом республикамиз тижорат банклари корпоратив бошқарувига нисбатан талабларни белгилаб берувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда тижорат банклари бошқарувида акциядорлар ва банк бошқарувининг роли, банк кенгашининг умумий мажбуриятлари белгиланган.

Ушбу низомга кўра, корпоратив бошқарув тижорат банки фаолиятини бошқаришда Кенгаш аъзолари ва бошқа раҳбар ходимлар томонидан амалга ошириладиган асосий фаолият ҳамда қоидалар мажмуасини ифодалайди. Шу билан бирга, корпоратив бошқарув концепциясида бизнес юритиш этикасининг андозалари ва акциядорларга бўлган муносабатларда масъулият ҳисси ҳамда банк фаолият кўрсатаётган жамият талабларини эътиборга олиниши кўрсатилган.

Банк Бошқаруви банкнинг жорий фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади. Банк Кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини бажариш Бошқарув раиси вазифасига киради. Банк Кенгаши камида уч аъзодан иборат бўлган Бошқарув аъзолари таркибини белгилайди. Бошқарув аъзолари таркибига Раис ва унинг ўринбосарлари ҳамда банк бош бухгалтери киради.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг иқтисодий меъёрлари<sup>21</sup>**

№	Кўрсаткич	Меърий даражаси
1.	Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига берилган кредит (таъминланган)	Кредит суммаси / I даражали капитал < 25 %
2.	Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига берилган кредит (таъминланмаган)	Кредит суммаси / I даражали капитал < 5 %
3.	Жами йирик кредитлар	Барча йирик кредитларининг умумий ҳажми / I даражали капитал < 800 %
4.	Жами лизинг операциялари	Жами лизинг суммаси / I даражали капитал < 25 %
5.	Жами дахлдор шахсларга берилган кредитлар	Жами кредитлар суммаси / I даражали капитал < 100 %
6.	Битта эмитентнинг қимматли қоғозларига инвестицияларнинг максимал миқдори	Битта эмитентнинг қимматли қоғозларига инвестициялар / I даражали капитал < 15 %
7.	Олди-сотди мақсадларида қимматли қоғозларга инвестицияларнинг умумий миқдори	Олди-сотди мақсадларида қимматли қоғозларга инвестициялар / I даражали капитал < 25 %
8.	Банк томонидан муомалага чиқариладиган облигациялар	Банк томонидан муомалага чиқариладиган облигацияларнинг умумий миқдори ≤ банк устав капитали
9.	Жорий ликвидлилик коэффициенти	мин. 0,30
10.	Очиқ валюта позициясига лимитлар	– битта хорижий валютадаги очиқ позиция миқдори / регулятив капитал < 10%; – жами хорижий валютадаги очиқ позиция миқдори / регулятив капитал < 20%
11.	Капитал етарлилигига талаблар	– Регулятив капитал / Рискка тортилган активлар ≥ 10% – I даражали капитал / Регулятив капитал ≥ 50% – I даражали капитал / (умумий активлар-номоддий активлар) ≥ 6%

Банк Бошқаруви раиси ўз лавозимига Марказий банк билан келишилган ҳолда банк Кенгаши қарори ва акциядорлар умумий йиғилишининг тасдиғи билан тайинланади. Бошқарув аъзолари банк Кенгаши томонидан тайинланади.

Банк Кенгаши раиси унинг аъзолари сафидан кўпчилик овоз билан сайланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг навбатдаги мажлисида Кенгаш аъзолари томонидан сайланган Кенгаш раиси номзодини тасдиқлаш масаласи

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меърий ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

кўриб чиқилади. Банк Кенгаши раиси Кенгаш фаолиятини ташкил қилади, Кенгаш йиғилишини чақиради, унда раислик қилади, йиғилиш баённомасининг юритилишини таъминлайди ҳамда акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

Банк Кенгаши раиси банк фаолиятини юритишда ишончли шахслар олдида биринчи даражали масъулиятни ўз зиммасига олади. Банк Кенгаши ўз мажбуриятлари доираси кўйидагиларни бажариши шарт: малакали банк бошқаруви аъзоларини ишга ёллаш ва уларни тасдиқлаш; бошқарув билан маслаҳатлашган ҳолда банкнинг узоқ ва қисқа муддатли бизнес-режасини ишлаб чиқиш; банк мақсадларига эришиш ҳамда қонуний, хавфсиз ва самарали банк фаолиятини юритиш учун етарли сиёсатларни белгилаш; Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва банк сиёсатларига мувофиқ юритиладиган операциялар устидан етарли назоратни амалга ошириш; банкнинг жорий фаолиятини кузатиш.

Айни пайтда, банк фаолиятини назорат қилиш вазифаларини бажариш учун банк Кенгаши кўйидаги кўмиталарни ташкил этади (7-расмга қаранг).

1. Аудит кўмитаси. Аудит кўмитасининг функциялари бўлиб кўйидагилар ҳисобланади: мустақил аудиторлар номзодини Кенгаш муҳокамасига тақдим этиш; мустақил аудиторлар билан боғланиш учун масъул тузилма бўлиб хизмат қилиш; аудиторлик текшируви ҳисоботларини қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш; аудиторлардан олинган маълумотлар бўйича Кенгашга ҳисобот бериш. Аудит кўмитаси ташкил этилган банкларда банкнинг ички аудит бошқармаси тўғридан-тўғри Аудит кўмитасига бўйсунди.


2. Кредит кўмитаси. Кредит кўмитасининг функциялари бўлиб янги ссудаларни тақдим этиш ёки мавжуд ссудалар шартларини ўзгартириш жараёнини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ҳисобланади. Кўмита лозим бўлса мажлис ўтказиши керак.

3. Инвестиция кўмитаси. Инвестиция кўмитасининг функциялари бўлиб банкни инвестиция сиёсатига риоя қилишини таъминлаш ҳисобланади. Инвестициялар кутилаётган даромадни келтириши лозим.

4. Актив ва пасивларни бошқариш кўмитаси. Актив ва пасивларни бошқариш кўмитасининг функциялари бўлиб банк ликвидлигининг мақбул даражасини сақлаб туриш мақсадида баланс, фойда ва зарар ҳисоботларини синчиклаб кузатиш ҳисобланади.

5. Банк рискларини назорат қилиш кўмитаси. Кўмитанинг функциялари бўлиб банкнинг молиявий ҳолатига рискларнинг, шу жумладан, банк фаолиятида юзага келадиган кредит, валюта, фоиз, бозор, операцион ва бошқа рискларнинг таъсир этиш даражасини кузатиш, ушбу рискларни бартараф этиш, ҳисобга олиш ва чоралар қўллаш ҳисобланади.

Ҳар бир кўмита мустақил равишда мажлислар ўтказиши, лекин Кенгаш йиғилишида банк Кенгашига ўзининг фаолияти тўғрисида ҳисобот бериши лозим. Агар кўмита банкнинг молиявий позициясига салбий таъсир кўрсатадиган вазиятни аниқласа, Кенгашга тўлиқ таркибда Кенгаш йиғилишини чақариш бўйича мурожаат қилиши зарур.



**7-расм. Тижорат банкларининг корпоратив тузилмаси<sup>22</sup>**

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари ва Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, хусусан, рискларни баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш бўйича қатор устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Жумладан:

– тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва хатарни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида олдини олиш чораларини кўриш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш;

– тижорат банклари капитали таркибида уларнинг инқироз ҳолатлари таъсирига барқарорлигини таъминлайдиган барқарорлаштириш захираларини яратиш;

– капитал етарлилигига қўйилган талабларни такомиллаштириш, эҳтимолий зарарларни қоплашга захираларни шакллантиришни кўзда тутган Базель қўмитасининг янги таклифларини банк назорати тизимига жорий қилиш;

– банкларда йирик битимларни (умумий капиталнинг 15 фоизи ва ундан юқори миқдордаги) тузиш ва уларнинг муддатини узайтириш бўйича белгиланган меъёрларни мажбурий тартибда банк Кенгаши томонидан маъқулланишини жорий этиш;

– тижорат банкларининг корпоратив бошқаруви таркибида банк Кенгашига бевосита бўйсунувчи “Рискларни назорат қилиш” қўмитасини мажбурий тарзда жорий қилиш;

– банк Кенгашининг чораклик йиғилишларида бошқарув раиси ва унинг аъзолари, ички аудит бошқармаси бошлиғининг активлар ҳолати, кредит ва инвестицион портфель тўғрисидаги, банк капиталининг ўсишини таъминланиши, фойдалилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари, шунингдек банк тизимида белгиланган бошқа устувор вазифаларни бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларини кўриб чиқиш;

– банк рискларини бошқаришнинг чуқур омилли таҳлилини амалга оширишнинг аниқ механизмини, захираларни шакллантиришни, кредит портфелини диверсификация қилишни шунингдек муаммоли қарздорликнинг юзага келмаслиги бўйича чора-тадбирларни қабул қилишни ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг активлар сифатини мониторингини такомиллаштириш;

– банк операцияларини амалга оширишда операцион ва бозор рискларини аниқлаш бўйича меъёрий ва услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;



– жаҳоннинг барқарор банклари тажрибасини ўрганган ҳолда тижорат банклари миждозларини кредитга лаёқатлилигининг скоринг-таҳлилини замонавий усуллариини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

– тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари ва уларнинг филиалларида ички назорат тизимини ташкил этиш, унга амал қилиниши бўйича тартиб-қоидаларни такомиллаштириш;

– тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотларининг ички назорат тизимидаги шубҳали операцияларни аниқлаш тартибида, банк миждозлари ҳақидаги ахборотларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлашда янги технологиялар, дастурий таъминотлардан фойдаланишни амалиётга жорий этиш ва уларни замон талабларига мос равишда доимий такомиллаштириш;

– махфий ахборотлар ҳимоясини таъминловчи ва маълумотлар базасига кириш имкониятига эга бўлган шахсларнинг фирибгарлик ҳаракатларидан ҳимояловчи янги дастурларни ишлаб чиқиш;

– видео назорат воситаларини ўрнатиш ва орган ходимлари билан боғланган огоҳлантирувчи тизимни кучайтириш йўли билан тижорат банкларининг барча бўлинмалари (филиал, мини-банк, жамғарма ва махсус кассалари) ва банкдан ташқаридаги ускуналарнинг (банкомат, терминаллар ва б.) хавфсизлик тизимини такомиллаштириш.

Таъкидлаш лозимки, мазкур қарор асосида тасдиқланган чора-тадбирлар дастурлари республикамиз банк тизимининг 2011-2015 йиллардаги ривожланиш стратегиясини ўзида ифода этади. Ўз навбатида, ушбу ҳужжатда банкларнинг риск-менежмент тизимини такомиллаштириш йўналишлари ҳам аниқ белгилаб берилган.

Республикамиз банк тизимида рискларни бошқаришга қўйилган талаблар, меъёрлар ва уларнинг муттасил такомиллаштирилиши мамлакатимизда банк тизимини барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

## **2.2. Банк фаолиятида рискларни баҳолаш ва бошқариш бўйича халқаро талаблар ва уларни Ўзбекистонда қўллаш шарт-шароитлари.**

Маълумки, банк фаолиятидаги рискларни баҳолаш ва бошқариш бўйича халқаро талаблар “Базель-II” ҳужжатида белгиланган. Унга мувофиқ, банк капитали етарлилигининг белгиланган меъёрини бажаришга бўлган қўшимча талабларнинг зарурлиги, кредит ташкилотлари томонидан рисклар назорати ва ички назорат тизимларини такомиллаштириш ва маълумотларни очиш соҳасида тавсияномалар қўлланилиши билан юзага келган.

Иккала масала ҳам банк ҳамжамияти учун янги эмас, лекин “Базель-II” да биринчи марта банклар назорат жараёни ва ҳисобдорлигини ташкил қилиш ва тўлдиришга бўлган асосий тамойиллар ва ёндашувлар қўллаш учун бир бутун қилиб тўпланган, умумлаштирилган ва тақдим қилинган.

Базель-II нинг иккинчи компонентини умумий қилиб тавсифлаганда, биринчи навбатда, ҳужжатни ишлаб чиқувчилар томонидан қўйилган асосий муаммоларда тўхталиб ўтишни истар эдик. Шартли равишда ушбу бўлимни

иккита ўзаро боғланган қисмларга бўлиш мумкин: биринчиси – назорат идоралари томонидан кредит ташкилотлари устидан назорат функцияларини амалга ошириш, иккинчиси – рискларни бошқариш (шу жумладан, ҳисобдорликнинг ойдинлик масалалари), ҳамда банк (носавдо) портфели, стресс-тестлаш қисмидаги кредит rischi, қарздор дефолтини, операцион riskни, секьюритизациялашни аниқлашнинг молиявий воситаларига нисбатан фоизли riskни изоҳлашга тааллуқли бўлган тавсиялар. Бошқа сўз билан айтганда, кредит ташкилоти томонидан рискларни бошқариш қисмида иккинчи компонент (таркибий қисм) “Базель-II” нинг биринчи компонентида тўхталиб ўтмаган масалаларни ўз ичига олади.<sup>23</sup>

Иккинчи компонентда баён этилмаган муаммолар рўйхатининг ўзи, назорат жараёнининг фақат банкларда рискларни қоплаш учун ўз маблағлари (капитали) етарлилигининг мавжудлигини кафолатлаш учун эмас, балки кредит ташкилотларини рисклар мониторинги ва бошқаришнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқишга ва қўллашга рағбатлантириш учун муҳимлигидан далолат беради. Унинг устига, назорат кредит ташкилотлари раҳбариятининг, ўз маблағлари (капитали) ни баҳолашнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, ҳамда унинг riskининг у ёки бу турини ўзида сақлайдиган банк операциялари хусусияти ва ҳажми билан умумий ўлчовли даражасини аниқлаш учун жавобгарлигини киритишни назарда тутди.

Назорат идорасининг бевосита функцияси – банкларнинг riskларини қоплаш учун ўз маблағлари (капитали) га бўлган талабларни мувофиқ равишда аниқлаш, ва зарур бўлганда мазкур жараёнга аралашиб қобилиятини баҳолашдир. “Базель-II” нинг усулларига мувофиқ, бенуксон модель бўлиб, назорат идораларининг кредит ташкилотлари билан мазкур соҳада фаол музокараларини қўллаб-қувватлаш мақсадидаги мустаҳкам алоқалари ҳисобланади. Бундай иш, камчиликлар аниқланганда тезкор ҳаракат қилиш ва рискларни камайтириш ёки ўз маблағлари (капитали) ни кўпайтириш зарур бўлган ҳолда фаол чоралар қабул қилишга имконият беради.

Банклар, ўз фаолиятининг у ёки бу турларига хос бўлган riskлар хусусиятини ҳисобга олиб, ўз маблағлари (капитали) етарлилигини баҳолаш тадбирларини, ҳамда рискларни қоплаш учун зарур бўлган даражада қўллаб-қувватлаш стратегиясини ишлаб чиқишлари лозим.

“Базель-II” га мувофиқ, қуйидаги ташкил этувчи ҳолатларга таяниб, рискларни бошқариш жараёнини барпо этишни бажариш тавсия этилади:

- директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) томонидан назорат;
- ўз маблағлари (капитали) зарур қийматининг баҳоланишини асослаш;
- рискларнинг ҳар томонлама баҳоси;
- мониторинг ва ҳисобдорлик;
- ички назорат тизимини барпо этиш ва такомиллаштириш.

Кредит ташкилотларида рискларни бошқаришнинг самарали тизимини ташкил қилиш, маъқул бўлган даражада, яъни кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигига ҳамда унинг кредиторлари ва омонатчиларига хавф

---

<sup>23</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

солмайдиган рискларни чеклашга имкон беради, ва бу билан, кредит ташкилотининг барқарорлиги ва ишончилигига кўмаклашади.

Одатда, кредит ташкилоти директорлар кенгаши (кузатув кенгаши)нинг ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

- ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилигини баҳолаш соҳасида стратегия ва сиёсатни тасдиқлаш;

- у ёки бу турдаги рискни бошқариш стратегияси ва сиёсатини тасдиқлаш, шу жумладан (одатда, бир йилда камида бир марта) тасдиқланган стратегия ва сиёсатни тафтиш қилиш. Стратегияни қайта кўриб чиқиш суръати, бозор, молиявий ва(ёки) бошқа омиллари сезиларли ўзгаришларининг вужудга келиш суръатига ва кредит ташкилоти фаолиятининг шартларига боғлиқ;

- кредит ташкилотида рисклар самарали бошқарилишини таъминлайдиган бўлинмани ташкил қилиш, шунингдек, рисклар бошқарилишини амалга оширувчи тузилмани бўлинмалар ва масъул шахсларнинг ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаш, ҳамда ҳисоботларни тузиш ва уларни директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) га тақдим қилиш тизимини тасдиқлаш;

- бутун кредит ташкилоти учун рисклари бўлган молиявий воситалар билан ўтказиладиган барча операциялар бўйича аниқланадиган рискларнинг умумий чегаравий рухсат этилган миқдори (лимити) ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Назорат идораси кредит ташкилотлари томонидан ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилигини аниқлашнинг мувофиқлигини, мазкур соҳадаги стратегияни текшириш ва баҳолаш, ҳамда кредит ташкилотининг ўз маблағлари (капитали)нинг белгиланган меъёрига риоя қилинишини таъминлаш ва мониторингини амалга ошириш қобилиятини баҳолашни ўтказишга мажбур. Банк назоратининг идоралари кредит ташкилотининг мазкур фаолият соҳасини текширишнинг қониқарсиз натижалари олинганда, зарур бўлган чораларни кўришлари шарт.<sup>24</sup>

“Базель-II” нинг иккинчи тамойилига катта эътибор берилади, текширишларни (дистанцион ёки жойларда) назорат жараёнининг асоси сифатида, банк билан музокарани кўриб чиқиш шартларида.

“Базель-II”га мувофиқ, назорат идораларига мунтазам асосда текширишларни ўтказиш тавсия қилинади, банкнинг ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилиги даражаси, унинг “сифати”, унинг етарлилик даражасига таъсир қилувчи рискларни ўзига олган операциялар ҳажми, ушбу рискларнинг бутун диапазонини қамраб олиб, баҳолаган ҳолда.

Тахмин бўйича, назорат идоралари банк томонидан ўтказиладиган таъсирчанлик ва стресс-тестлар натижаларини кўриб чиқадилар ва уларнинг, банк учун зарур бўлган ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилиги даражасини сақлаб туришга таъсирини аниқлайдилар.

Бу ҳолда текширувлар қуйида санаб ўтилган ҳаракатларнинг ҳар қайсисини кўшиб ишлатишлари мумкин:

<sup>24</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

- жойлардаги текширув;
- дистанцион (масофадаги) текширув;
- кундалик муаммоларни банк раҳбарияти билан биргаликда муҳокама қилиш;

- ташқи аудитор хулосасини текшириш;
- даврий ҳисобдорликни таҳлил қилиш.

Банклар томонидан иккинчи тамойил талабларига риоя қилиш учун, капиталга ва рисклар даражасига бўлган талабларни ҳисоблаш учун қўлланиладиган ички услубиятларнинг хусусиятлари очилиши керак.

Иккинчи компонентда баён этилган ўзаро боғлиқ хусусият, ўтказилган текширувларнинг қониқарсиз тавсифи 3 ва 4 тамойилларда таклиф қилинган чоралар қабул қилинишига сабаб бўлишини тақозо этади.

Кредит ташкилотлари банклардан ўз маблағлари (капитали)нинг етарлиги даражасини белгиланган меъёрлардан ортиқ миқдорда қувватлашлари, банкларнинг назорат идоралари эса буни банклардан талаб қилиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Мазкур тамойилнинг талаблари, кредит ташкилотнинг ўз маблағлари (капитали)нинг миқдори, “Базель-II” нинг биринчи компоненти негизидаги ҳисоблаш алгоритмига мувофиқ, унинг энг кам миқдоргача пасайиши имкониятини назарда тутишлари зарурлигига асосланган.

Шу билан бирга, рискларни бошқаришнинг ички тизимлари қониқарсиз аҳволда бўлган банкларга нисбатан, “Базель-II” назорат идораси учун ўз маблағлари (капитали)нинг етарлиги коэффициентининг минимал даражасини ошириш ҳуқуқини, ёки ҳужжатнинг атамаларига асосланган ҳолда, баъзи бир буфер захираси барпо этилишини назарда тутди. Бу ҳолда назорат идоралари ўз ихтиёрларида банкнинг ўз маблағлари (капитали) етарлигини бошқаришнинг турли хил усулларига эга бўлади. Улар орасида, банкнинг капиталлаштириш даражасини энг кам ўрнатилган даражадан юқори бўлишини таъминлайдиган, етарлиликнинг яқка тартибдаги коэффициентларини ўрнатиш сингари чорадан фойдаланишга рухсат берилади.

Банк назоратининг идоралари, ўз маблағлари (капитали)нинг белгиланган меъёридан камайиб кетиш хавфи вужудга келган кредит ташкилотининг фаолиятига аралашувни амалга оширишлари ва аҳволни тузатиш бўйича тезкор чораларни қабул қилишга мажбурлар.

Кўриб чиқилаётган вазиятда назорат идорасига бир қатор чораларни кўриш лозим, шу жумладан:

- кредит ташкилоти устидан назоратни кучайтириш;
- акциядорларга дивидендлар тўланишини чеклаш;
- ўз маблағлари (капитали)нинг миқдорини тиклаш бўйича тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш тўғрисида банкка талаб қўйиш.

“Базель-II” га мувофиқ, назорат идоралари, кредит ташкилотларининг ўз маблағлари (капитали) етарлигининг ички банк баҳоларини текширишда қўллашни мўлжаллаётган мезонлар хусусида ошкоралик тамойилидан фойдаланиб, ўз мажбуриятларини очик ва ҳисобот топширган ҳолда бажаришга

интилишлари зарур. Мазкур ҳолат, ўз маблағлари (капитали) етарлилиги коэффицентини мақсадли оширишда (минимал ўрнатилган миқдордан ошадиган, унинг яқка тартибдаги қийматларини аниқлашда) ҳисобга олинадиган омиллар жамоатчиликка ошкора этилиши лозимлигини белгилайдиган вазиятни мустаҳкамлаши шарт. Назорат идораси, банкка нисбатан бошқаришнинг махсус усуллари қўлланилиш зарурлигини чақирган сабабларни тушунтиришга мажбур.

Кўпгина экспертлар капитал тўғрисидаги Базель битимини, ёки “Базель-II”ни – банк иши ва назоратини янги ташкил қилиниши ва унинг ривожланиши янги босқичи билан таққосламоқдалар. Ҳужжат чуқур ўзгаришларни, рискларни сифатини бошқаришга таъсир кўрсатиш қобилиятини ва шунга мувофиқ равишда молиявий тизим барқарорлигини мустаҳкамлашга қодирлигини ўз ичига олади. Шунга қарамасдан, Базель қўмитаси тан оладик, ушбу ҳужжат маҳаллий ва тизимли банк инқирозлари учун даво бўла олмайди. Ҳужжат, кузатув, банкларни юқори маҳорат билан бошқариш ва бозор интизоми билан биргаликда асосланган, банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши концепциясини акс эттиради. Бунда асосий эътибор банк фаолияти рискларини баҳолаш тартибини назорат қилишга қаратилган. Назорат ролининг ва унинг фаолияти хусусиятининг ўзгариши: қатъий маъмурий бошқаришдан, рискка қаратилган банк назоратигача бўлади. Битим банк назорати идораларига қаратилган бўлиб, рискларни баҳолаш услубияти ва билимларни бошқаришнинг моҳиятини англаши керак. “Базель-II” ни амалиётга жорий этиш учун Базель қўмитаси муайян мамлакатда “Базель-II” киритиш заруриятини аниқлаши зарур, Халқаро валюта фонди ёрдамида вариантлар танлашда ва муддатларни аниқлашда миллий назорат идораларига кўплаб ҳуқуқ ва ваколатлар берилади.

“Базель-II” ни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва таваккалчиликларга қарамасдан, ушбу ҳужжатнинг талаблари – меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш, кредит муассасалари орасида рақобатни оширишни таъминлайди. Бундан ташқари, банклар ва назорат идораларига мазкур ҳужжат банк секторининг юқори барқарорлиги ва самарадорлиги қандай таъминланлаш йўлларини кўрсатади.<sup>25</sup>

Бу ҳолат Базель –I талабларидаги ИХТТга аъзо мамлакатлар ҳукумати ва банкларига нисбатан талабларнинг юқори рискка тортилишига олиб келди.

Эътибор талаб қиладиган яна бир муҳим жиҳат шундаки, Базель-II талабларига кўра қуйидаги талаблар 100 фоиздан юқори рискка тортиладиган бўлди (6-жадвал).

Таъкидлаш лозимки, Базель қўмитаси талабларига кўра, тижорат банкларининг мамлакатлар ҳукумати ва марказий банклари, шунингдек, бошқа банкларга нисбатан талаблари 5-жадвалга мувофиқ рискка тортилади.

– АҚШ да регулятив капиталнинг сезиларли камайиши – 17-6 фоиз;

---

<sup>25</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

**Базель кўмитаси талаблари асосида банк активларининг рискка тортилиши<sup>26</sup>**

Кредит рейтинг	AAA дан AA- гача	A+ дан A- гача	BBB+ дан BBB- гача	BB+ дан B- гача	B- дан паст	Рейтингга эга бўлмаган
<b>Мамлакатлар ва уларнинг марказий банкларига нисбатан талаблар</b>						
Риск даражаси	0%	20%	50%	100%	150%	100%
<b>Банкларга нисбатан талабларни рискка тортиш даражаси</b>						
<b>I-вариант</b>						
1-вариант бўйича риск даражаси	20%	50%	100%	100%	150%	100%
<b>II-вариант</b>						
2-вариант бўйича риск даражаси	20%	50%	50%	100%	150%	50%
2-вариант бўйича қисқа муддатли талаблар <sup>27</sup> нинг риск даражаси	20%	20%	20%	50%	150%	20%

– ЕИ-15 да регулятив капиталнинг 5 фоизга қисқариши ва унинг таркибини кенгайтиши. Энг юқори даражадаги банклар учун капиталга бўлган талабларнинг камайиши Буюк Британия, Испания, Португалия, Бельгия, Дания ва Франция учун сезиларлидир. Бошқа тарафдан, Греция ва Австриядаги банклар ўзларининг капиталига нисбатан талабларнинг ошишини назарда тутадилар. Европадаги асосий банклар чакана кредитлашнинг юқори концентрацияси ва портфеллар рискларининг нисбатан паст даражаси туфайли Шимолий мамлакатлар томон ҳаракат бўлади, бунга “Базель-II” кўмаклашади. Буюк Британия, Ирландия ва Швейцариянинг банклари ҳам капиталга бўлган эҳтиёжларининг қисқариши билан дуч келади, ҳамда Францияда капитал етарлилик коэффициенти деярли ўзгармайди. Италия ва Германия банклари капиталига бўлган талаблар эса ўртачадир.

“Базель-II” таъсирининг асосий тадқиқотлари қуйидагиларни кўрсатади<sup>28</sup>:

Жаҳондаги ривожланаётган бозорларда капитални ошириш, етакчи банклар капиталдаги баъзи пасайишлар билан дуч келса ҳам, ривожланаётган мамлакатларда майда банклар стандартлаштирилган ёндашишларга боғлиқ равишда 30 фоизгача ва IRB га ёндашишга боғлиқ равишда 70-80 фоизгача капитални оширишлари мумкин.

<sup>26</sup> Базель кўмитаси талаблари асосида тузилди.

<sup>27</sup> Бу ерда қисқа муддатли талаблар деганда дастлабки сўндириш муддати уч ойгача бўлган талаблар кўзда тутилган.

<sup>28</sup> Европа комиссияси учун PricewaterhouseKopers тадқиқотлари

**Базель-II талабларига кўра энг юқори рискка тортиладиган активлар<sup>29</sup>**

№	Активлар	Рискка тортиш даражаси
1.	В-дан паст рейтингга эга бўлган мамлакатлар, давлат муассасалари, банклар, шунингдек, қимматли қоғозлар билан шуғулланувчи фирмаларга нисбатан талаблар	150 %
2.	В-дан паст рейтингга эга бўлган юридик шахсларга нисбатан талаблар	150 %
3.	Махсус захиралари сўндирилмаган кредит қисмининг 20 фоиздан кам бўлган муаммоли кредитлар	150 %
4.	Миллий назорат органлари рискли капитал қўйилмалари ва хусусий капиталга инвестициялар	150 %
5.	ВВ+ дан ВВ- гача рейтингга эга бўлган секьюритизация траншлари	350 %

Марказий ва Шарқий Европа минтақаларида капиталнинг сезиларли ошиши. “Базель-II” натижасида ўртача бошқарилувчи капиталда сезиларли ошиш кузатилади – 10 фоиздан (Польша, Венгрия ва Словения) 30 фоизгача (Чехия Республикаси). Руминияда капиталнинг жуда сезиларли даражага ортади. Бу кўрсаткич қарийб 50 фоизни ташкил этади. Марказий ва Шарқий Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам натижа шунга ўхшаш бўлади – 10 дан 50 фоизгача кўпаяди. Бироқ, бу натижалар баъзи сабабларга кўра, ноаниқликнинг нисбатан юқори даражаси билан тавсифланади.

Биринчидан, банклар ўз маълумотлар базасини ва “Базель-II”ни жорий қилиш пайтига, моделларини яхшилайдилар.

Иккинчидан, бу рискларни яхшироқ бошқариш мақсадида банкларнинг янги тизимга тез ўтишига, янада мураккаброқ усуллардан фойдаланишга рағбат берган ҳолда натижаларга боғлиқ. Баъзи банклар ҳозирги пайтда стандартлаштирилган ёндашишлар қўлланилишини, IRВни киритишга тайёр эканликларини билдирганлар. Бу – уларнинг активлар портфелига боғлиқ равишда – уларнинг самарадорлигини ошириши мумкин.

Учинчидан, банклар фаолиятида “Базель-II” ни кутиш чоғида баъзи бир ўзгаришлар кузатилмоқда – улар меъёрий капиталга талаблар паст бўлган секторларга (масалан, улгуржи муомалаларда ўтказилади) урғу берган ҳолда, портфелларга ўзгартиришлар киритмоқда.

Банк секторида – капиталнинг етарлилик даражасини юқорилиги, яъни кўпчилик банкларнинг капиталнинг етарлилик даражасини 8 фоиз минимал ставкасидан ошиши ёки минимал миллий ставкасидан юқори бўлиши банк капиталига доир буфер назарияси ҳисобига меъёрий капиталнинг ошишини

<sup>29</sup> Базель-II талаблари асосида муаллиф томонидан тузилган.

кўрсатади.

Глобал банк секторида ортиқча капитал. Ҳозирги кунда дунёнинг аксарият банкларида Базель талабига нисбатан капитали кўпроқ бўлиб, капитал етарлилигига қўйилган минимал талаб 8 фоизни ташкил этмоқда (ёки миллий даражада қўйилган талаблардан юқоридир).

Банкларнинг ортиқча капиталга эга бўлишини қуйидаги учта асосий сабабларини келтириш мумкин:

– банк мутахассислари фикрига кўра, рискка тортилган активларга нисбатан минимал капитални 8 фоиз этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳар қандай ҳолатда ҳам барча рискларни бартараф этишнинг иложи йўқ, шунингдек капиталнинг етарлилигига қўйилган ушбу минимал ставканинг олдингиларига нисбатан ортиши банкнинг инқироз шароитида мустақамлигини оширади. Меъёрадаги портфел ёндашуви IRB стандартли ёндашувларга қараганда яхши натижаларни беради.

– 8 фоиз капитал етарлилигининг меъёри, дефолт эҳтимоллиги мезони билан солиштириганда, ВВВ кредит рейтингига киритилган, яъни у инвестицион даражадан пастроқ, хусусан, банклар ушбу кўрсаткични оширишни истайдилар. Масалан, йирик халқаро банк, АА рейтингига мувофиқ бўлган капитал микдорларига интилади.

– бундан ташқари, капитал бутун бизнес-цикл учун етарли бўлиши лозим, шу жумладан, капитал ҳажми пасайган даврда, яъни инқироз пайтида ҳам. Мазкур буфер капитали банкнинг капитал етарлилигини таъминлашга ёрдам беради.

Тижорат банклари томонидан капитал таркибини “Базель-II” талабларига мослаштиришда қуйидаги учта асосий жиҳатга эътибор қаратиш талаб қилинади. Хусусан, банк назоратининг ваколати, бозорлар (рейтинг агентликлари орқали) ва акциядорлар. “Базель-II”нинг ижобий таъсири ҳисобига банкнинг капитали кескин камайдиган бўлса, назорат идоралари, “Базель-II” ни қўллашда эҳтиёткорлик билан ёнадашув чораларини кўришади. Шунингдек, улар бу борада “Базель-II” нинг биринчи таркибий қисмга кўра ҳисобланган капиталнинг ҳар қандай қисқаришларини ўрнини қоплаш учун иккинчи таркибий қисмига меъёрий капиталга қўшимча талабларни ўрнатишлари мумкин. Бозор ҳолатини ўрганган ҳолда, турли халқаро рейтинг агентлиги ўзларининг рейтинг талабларини замонавий шартлар асосида такомиллаштириб борадилар. Хусусан, банкларга “Базель-II”нинг қўлланилиши туфайли уларнинг капитал етарлилик кўрсаткичини камайиши, унинг халқаро рейтингини ҳам пасайишига олиб келади. Бу эса, “Базель-II” қоидаларида акциядорлар томонидан капитални қисқартиришга рухсат берилган бўлса ҳам, уни амалга оширмаслик чораларини белгилашга ундайди.

Бошқа томондан, агар ҳисоб-китоблар “Базель-II”га мувофиқ амалга оширилса, меъёрий капитални ошириш зарурияти кўринади, банклар эса ўз барқарорлигини сақлаб қолиш учун бу талабларни бажаришга мажбур бўладилар. Шунингдек, банклар капитал буферига эга бўлсалар ҳам, сезиларли равишда улар регулятив капитални кўпайтиришга интиладилар. Бу эса, “Базель-



II” талабларини банк барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳеч бўлмаганда, бошланғич босқичда, “Базель-II” талаблари натижасида ўз капитали камайишидан, тартибга солувчилар ёки бозор ўзгаришларининг салбий таъсиридан хавотирланган банклар “Базель-II” талабларини жорий қилинишини истамасада, “Базель-II”нинг ҳақиқий капиталга умумий таъсири унинг ошишига олиб келади. Вақт ўтиши билан, бу стандартлар муваффақиятли иқтисодий циклда синовдан ўтсалар, бозорлар ва рейтинг агентликлари рискларни самарали бошқаришнинг афзалликларини тан олишлари ва капитал етарлилиги даражаси камайиши мумкин<sup>30</sup>.

Марказий ва Шарқий Европада, оширилган регулятив капиталнинг аксарияти капитални де-факто ошириш мақсадида ўтказилади, фақат унинг кичик қисми мавжуд буфер таркибига киритилади. Капиталга бўлган талаб қондирилмасдан туриб, банклар ўз мавкеининг пасайтирадиган рискли фаолиятни амалга оширишни истамайдилар.

Албатта, банк риск-менежменти қанчалик “Базель-II” стандартларини ўрганишга ва татбиқ этишга боғлиқ бўлмасин, бўлиб ўтган жаҳон молиявий инқирозидан сўнг Базель қўмитаси томонидан белгиланган, талабларга ўзгартиришлар киритиш ва янги стратегия танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга бўлди ва янги “Базель-III” талаблари ишлаб чиқилди. Айни пайтда мамлакатимиз банклари учун “Базель-III” талабларни ўрганиб, унинг энг муҳим ҳолатларини миллий банк тизимига жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилди (7–жадвалга қаранг).

Акциядорлик капиталининг зарур бўлган энг кам ҳажми (Common Equity) активлар миқдorigа нисбатан 4,5 фоиз бўлиши лозим (ҳозир – 2 фоиз)<sup>31</sup>.

Биринчи даражали капиталнинг зарур бўлган энг кам ҳажми (Tier 1 Capital) активлар миқдorigа нисбатан 6 фоиз бўлиши белгиланган (ҳозир – 4,5 фоиз). Асосий капиталнинг тузилмасига бўлган талаблар кучайтирилган – у фақат оддий акциялар ва тақсимланмаган фойдадан иборат бўлиши керак. Асосий (Tier 1 Capital) ва қўшимча (Tier 2 Capital) капиталнинг умумий ҳажми активлар миқдорининг камида 8 фоизини ташкил қилиши лозим. Активларнинг 2,5 фоиз миқдorigа захира капиталини (Capital Conservation Buffer) ташкил қилиш бўйича қўшимча талаб киритилади.

Умумий капиталнинг активларга нисбати, захира пайдо бўлиши ҳисобига, шу кундаги 8 фоиз ўрнига 10,5 фоиз қилиб белгиланган (Capital Conservation Buffer). Активларнинг 0 дан 25 фоизигача миқдorigа “контрциклик капитал”ни шакллантириш назарда тутилади. Уни шакллантиришга бўлган талаблар иқтисодий ўсиш даврида бошқарувчилар томонидан киритилади.

Бир қатор активлар – хусусан, кечиктирилган солиқ активлари, ипотека кредитларига хизмат кўрсатиш бўйича ҳуқуқлар, молиявий компанияларга инвестициялар киритиш – ёки тўлиқлигича капитал ҳисоб-китобидан

<sup>30</sup> Базель II га қаранг: Эволюция не революция для банков (Эволюция банклар учун революция эмас)

<sup>31</sup> Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

чиқарилади, ёки уларнинг улуши 10 фоиз билан чекланади.

7-жадвал

**Банк капитали бўйича “Базель-III” талабларини жорий этиш муддатлари (хар бир йилнинг 1 январь ҳолатига)<sup>32</sup>**

	Йиллар						
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Оддий акцияларга минимал талаб (Minimum Common Equity Capital Ratio)	3,5%	4,0%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%
Махсус захира капитали (Capital Conservation Buffer)				0,625%	1,25%	1,875%	2,50%
Оддий акцияларга минимал талаб + Махсус захира капитали	3,5%	4,0%	4,5%	5,125%	5,75%	6,375%	7,0%
I даражали капиталга минимал талаб (Minimum Tier I Capital)	4,5%	5,5%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%
Умумий капиталга минимал талаб (Minimum Total Capital)	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%
Умумий капиталга минимал талаб + Махсус захира капитали	8,0%	8,0%	8,0%	8,625%	9,25%	9,875%	10,5%

Базель-II капитал етарлигининг белгиланган меъерини 8 фоиз миқдорда ўрнатади, россиялик миллий стандартлар – 10 фоизни, “Базель-III”нинг охириги талабларида - 10,5 фоиз, банк тизими бўйича ўртача капитал етарлиги 19 фоизни ташкил қилади. “Базель” тузатишларини киритиш эса ушбу кўрсаткичнинг тахминан 0,7 п.п. га пасайишига олиб келди.

Дарҳақиқат, капитал етарлигининг юқори даражаси, инқирознинг кредит портфелини сиқилишга мажбур қилгани билан тушунтирилади.

Охириги иккита Базель кўмитасининг миқдорий эмас, мазмунли талабларига келсак, улар анча мураккаброқ. “Базель-II” 2012 йилга келиб барча компонентлари бўйича жорий этилиши керак, лекин бу сана шартлидир, ва Марказий банк вакиллари, банк тизимининг ҳақиқий тайёрлигига қарашларини тўғридан-тўғри айтмоқдалар. Яқин орада МБ банкларни танлов асосида, рискларни баҳолашда улар томонидан ички рейтингларни ишлатиши (IRB) мазмунида ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларини эълон қилдилар. Банклар шунга интилсалар ҳам, бироқ умуман олганда, “кўпчилик “синов” банклари томонидан намойиш этилган корпоратив бошқариш даражаси (айниқса, ички назорат қисмида), минимал IRB-талабларга мувофиқ бўлишдан узоқдир”.

<sup>32</sup> Манба: Basel Committee on Banking Supervision (www.bis.org).

Тижорат банклари учун махсус захира фондини шакллантириш қийин бўлмайди. Лекин ташкил қилинаётган захираларнинг фоизлари ва ҳажмлари эмас, балки бу захираларнинг қандай активлар билан ифодалангани муҳимдир. Акс ҳолда улар банкда балансдаги расмий ёзувлар билан ифодаланади. Глобал молиявий инқироз кўрсатганидай, банк барқарорлигини таърифлайдиган рақамлар, капитал йўқотишлари тўғрисида хулоса чиқариш зарур бўлганда, ҳар доим ҳам ҳолис бўлмайди. Муаммоли кредит ташкилотларини таҳлил қилиш тажрибаси шуни тасдиқлайдики, банкда банкротликни эълон қилиш санасигача банкда капитал етарлилигининг белгиланган меъёри бажарилган, банкротлик ҳақида эълон қилгандан кейин эса, Марказий банк томонидан ўрнатилган мезонларни қондирмаган. Бу ўз навбатида, фақат янги усулларни эгаллашни эмас, дунёқараш ва манфаатлар йўналиши ўзгаришларини талаб қилади – жамият ва бошқарувчилар олдидаги рискларни очиқ тан олишга тайёргарлик керак.

Республикада Базель қўмитасининг замонавий талабларини жорий этиш учун қуйидаги шарт-шароитларни таъминлаш керак:

- банк капитали таркибини Базель талабларига кўра мослаштириш;
- мамлакат ташқи суверен кредит рейтингини олиш;
- ички кредит рейтинг хизматлари бозорини ривожлантириш;
- кредит ахбороти базасини такомиллаштириш;
- банкнинг капиталига нисбатан минимал талабларни белгилашда бозор ва операцион рискни ҳам ҳисобга олиш;
- банк капитали таркибида рискка тортилган активларнинг 2,5 фоизи миқдорида махсус захира капиталини ташкил этиш ва уни босқичма-босқич ошириб бориш.

### **Назорат саволлари:**

1. Тижорат банкларида рискларни бошқариш бўйича қандай меъёрий ҳужжатлар мавжуд?
2. Банк фаолиятида рискларни баҳолаш механизми, бошқариш бўйича халқаро талаблар моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Базель-1, Базель-2 ва Базель-3 тавсиялари, уларнинг фарқлари нималардан иборат?
4. Халқаро талабларни Ўзбекистонда қўллаш шарт-шароитлари ва имкониятлари қандай?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.
2. “Moody’s defines default as any missed or delayed payment, or distressed exchange diminishing the obligation or having the apparent purpose of helping the issuer avoid default” (Felsenheimer J., Gisdakis P., Zaiser M. “Active Credit Portfolio Management”, Wiley-VCH, 2006. – с. 126).

3. John C. Hull. Risk management and financial institutions. New Jersey: Pearson Education, Inc., 2007. –500 p.

4. Sh.Hefferman. Modern banking. London: John Wiley & Sons Ltd, 2005. – 716 p.

#### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.bis.org> – Basel Committee on Banking Supervision.

2. <http://www.federalreserve.gov> – АҚШ Федерал захира тизими веб саҳифаси.

3. <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб саҳифаси.

4. <http://www.press-service.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати веб саҳифаси.

5. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитаси веб саҳифаси.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-Мавзу. Банк фаолиятида риск тушунчаси ва унинг моҳияти. Банк рискларининг турлари ва бошқариш усуллари.

#### СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ

##### **Муҳокама учун саволлар**

1. Банк рисклари турлари.
2. Банк рискларининг моҳияти.
3. Банк рискларини келиб чиқиш сабаблари.
4. Банк рискларини бошқариш усуллари.

**Машғулот мақсади:** Банк фаолиятида рисклар ва уларнинг моҳиятини ўрганиш, банк рискларини бошқариш усуллари бўйича амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

##### **Ўқув фаолияти натижалари:**

###### **Тингловчилар биладилар:**

- ✓ банк фаолиятидаги рискларни турлари;
- ✓ банк фаолиятидаги рискларини моҳиятини тушуниш;
- ✓ банк рискларини бошқариш усуллари;

###### **Тингловчилар ундайдилар:**

- ✓ банк фаолиятидаги рискларни турларини;
- ✓ банк фаолиятидаги рискларини баҳолашни;
- ✓ банк рискларини келиб чиқиши аниқлашни.



##### **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:**

**Топшириқ 1.** Банк фаолиятидаги рискларни ўрганиш.

**Иш мазмуни:** Бозор rischi, операцион риск, кредит rischi, ички рисклар, ташқи рискларни ўрганиш.

### 1 – Амалий машғулот

#### **Банк фаолиятида рисклар ва уларнинг моҳияти.**

Риск - бу тадбиркорлик фаолиятининг энг асосий элементларидан бири ҳисобланиб, у кенг маънога эга бўлган кўп қиррали тушунча.

Банк рискининг моҳияти кўпгина маҳаллий иқтисодчилар томонидан банк таваккалчилиги, кредит хавф-хатари, банк хатари, деб юритилади. Банк rischi-бу эҳтимолий ҳодисанинг қиймат ўлчови бўлиб, у йўқотишларга олиб

келади. Риск-бу кутилмаган ҳодисалар юзага келганида йўқотиш хавфи ёки имкониятидир.

Банк амалиётида риск ҳар доим ҳам кутилмаган ҳодиса эмас. Банк фаолиятининг барча тури риск билан боғлиқ. Рискнинг синоними сифатида биз ишончсизликни, имкониятсизликни, бир воқеа бўлиш-бўлмаслигини олдиндан айтиб бера олмаслик кабиларни мисол қилиб кўрсатишимиз ҳам мумкин.

“Риск” сўзи испанча-португалча сўздан олинган бўлиб “сув остидаги қоя” деган маънони билдиради. Шунинг учун ҳам риск хавф туғдириш эҳтимоли мавжудлигини ифода қилади.

Хулоса қилиб айтганда банк фаолиятида риск-бу зарар кўриш ёки манфаатни қўлдан чиқариш билан боғлиқ эҳтимоллар ўлчамидир. Демак банк rischi-бу режалаштирилган вариантга нисбатан даромад ола олмаслик ёки зарар кўриш эҳтимолидир.

### **Банк операцияларида рискларнинг пайдо бўлиш сабаблари.**

**Банк фаолиятида рискнинг юзага келиши сабаблари-** салмоғи, таъсири, шакли жиҳатдан турлича бўлган ноаниқликлар билан боғлиқ бўлади. Чунки банк фаолияти ташқи муҳитга боғлиқ бўлиб, унга объектив иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ва улардаги бўладиган ўзгаришлар таъсир кўрсатади.

Банк фаолиятида рискларнинг юзага келишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

- бозорни яхши ўрганмаслик;
- ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларнинг етарли эмаслиги;
- кредитланадиган лойиҳа, объект ва мижозлар тўғрисида, уларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумот ва ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги;
- тармоқлар фаолияти хусусиятининг инобатга олинмаслиги;
- субъектлар ёки мижозларнинг онги, савияси маблағлардан фойдаланиш бўйича билим ва мақсадларининг турли хиллиги ва бошқалар ҳисобланади.

Шу билан бирга банк фаолиятида рисклар банк фойдасининг камайиши, унинг ресурс базасининг қисқариши, берилган кредитлар бўйича тўланмаган қарзларнинг кўпайиши, фоизларнинг тўланмаслиги ва бошқалар орқали ҳам вужудга келиши мумкин.

Банк фаолиятида валюта рисклари - молия рискларининг асосини ташкил қилиб, бу рисклар ташқи иқтисодий фаолият жараёнида миллий валюта курсининг ўзгариши, бошқа давлатлардан инвестициянинг киритилишида ва чет мамлакатлардан экспорт кредитларини олиш натижасида юзага келади.

Банк фаолиятида мавжуд рискларга таъсир этувчи барча омилларни шартли равишда икки гуруҳга: объектив ва субъектив ёки мос равишда бошқарилмайдиган ва бошқариладиган омилларга бўлиш мумкин.

Рискнинг иккита функцияси бор: рағбатлантирувчи ва ҳимояловчи.

**Рискнинг рағбатлантирувчи функциясининг** иккита жиҳати бор, яъни конструктив ва деструктив. Конструктив жиҳати шундай бир ҳолатда юзага келадики, бунда риск иқтисодий қарорларни хал қилишда катализатор ролини

ўйнайди, айниқса инновацион, инвестицион қарорларни қабул қилишда. Деструктив кўриниши эса асосланмаган риск билан қабул қилинган ва амалга оширилган қарорлар натижасида юзага келади.

**Рискнинг химояловчи функцияси** ҳам икки жиҳатга эга: тарихий-генетик ва ижтимоий-ҳуқуқий. Тарихий-генетик жиҳати шундан иборатки, инсонлар доимо стихияли тарзда кутилмаган нохуш воқеалардан ўзларини асраш шакллари ва воситаларини излайдилар. Амалиётда бу суғурталанган резерв фондларини ташкил этиш, тадбиркорлик рискларини суғурталаш каби кўринишларда намоён бўлади. Ижтимоий-ҳуқуқий жиҳати эса, хўжалик, меҳнат, жиноий қонун ҳужжатлари тўпламида риск категорияларини жорий қилишда намоён бўлади.

**Банк фаолиятида рискларнинг юзага келишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:**

- бозорни яхши ўрганмаслик;
- ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларнинг етарли эмаслиги;
- кредитланадиган лойиҳа, объект ва мижозлар тўғрисида, уларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумот ва ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги;
- тармоқлар фаолияти хусусиятининг инобатга олинмаслиги;
- субъектлар ёки мижозларнинг онги, савияси, маблағлардан фойдаланиш бўйича билими ва мақсадларининг турли хиллиги ва бошқалар ҳисобланади. Шу сабабли банк рискларининг иқтисодий категория сифатида таърифи унинг объектив ва субъектив сабаб ва оқибатларини ўзида ифода қилмоғи лозим.

**Иқтисодий риск Макродаражада** иқтисодий риск ташқи ва ички, олдиндан айтиб бўладиган ва айтиб бўлмайдиган, **мезодаражада** – саноат, аграр ва хизмат кўрсатиш соҳаси рискларига бўлинади. **Микродаражада** саноат rischi, фирманинг хўжалик фаолияти rischi – тадбиркорлик ва инвестиция rischi ва бошқаларга бўлинади.

Мамлакат миқёсида макродаражада иқтисодий рискларни аниқлаш жуда муҳим бўлиб, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш, четдан инвестициялар, кредитлар ва бошқа молиявий кўйилмалар жалб қилишда катта аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш мавқеи билан боғлиқ бўлган иқтисодий рисклар, ҳалқаро банк амалиётида пул оқими, кредит ва ҳисоб операциялари соҳасида бўлган рисклар билан бевосита боғлиқ. Бу рискларнинг бўлиши ва уларнинг даражаси эса импортчи ёки экспорт давлатга ёки контрагент мамлакатлардаги сиёсий-иқтисодий барқарорликка боғлиқ. Ҳар бир мамлакатда иқтисодий ёки сиёсий барқарорликка асосланиб, шу мамлакатдаги иқтисодий риск даражасини баҳолай олиш чет эл капитали иштирокида ташкил топган қўшма банклар ва бош лицензияга эга бўлган банк ташкилотлари учун долзарбдир. Банк амалиётида унинг раҳбарияти чет эл контрагентларининг молиявий барқарорлигига нотўғри баҳо бериш натижасида анча хатоларга йўл қўйишлари мумкин. Шунинг учун бирор давлат билан узвий иқтисодий алоқани ўрнатишда, айниқса кредит ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ

муносабатларни олиб боришда, ундаги иқтисодий-сиёсий барқарорликни таҳлил қилиб риск даражасини аниқлаш лозим. Жахон амалиётида шу мақсадда тавсия этиладиган йўллардан бири бу мамлакат иқтисодий рисклари ҳажмини таҳлил қилувчи БЕРИ индексдан фойдаланилади. Унинг ёрдами билан олдиндан мамлакат иқтисодий рискларининг ҳажми белгиланади.

Мамлакат иқтисодий рискини башорат қилиш давлат қурилмасининг таркиби ва сифат даражаларини таҳлил қилишга, шунингдек амалий маълумотлар ва нисбатларни ўрганишга асосланган миқдор кўрсаткичларига таяниши керак.

Таҳлилнинг икки тури (сифат ва миқдор)нинг уйғунлашуви аниқ ва равион бўлиши барча жадваллар ва таққосланган маълумотлар таҳлилни енгил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун қисқартмаларни очиб берилишини ўз ичига олиши керак.

Шу асосий тамойиллар мамлакат рискини аниқлашда таҳлил қилинаётган статистик ва аналитик йўналишларнинг икки поғонали тизимини ташкил қилишга олиб келади. Биринчи поғонада ўлкадаги ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ташкил қилинади (қисқача иқтисодий аҳвол таърифи). Энг аввало таҳлилнинг муҳим бўлими келтирилади, яъни мамлакат иқтисодий рискининг даражаси ҳақида хулоса, яъни мамлакатнинг иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган асосий маълумотлар ва асосий хулосалар таҳлил қилинади.

Таҳлилнинг иккинчи поғонасида аниқ иқтисодий-сиёсий вазият таҳлил қилинади, маркетинг тадқиқининг натижалари кўриб чиқилади ва омиллар rischi чизмаси бўйича давлатнинг иқтисодий rischi даражаси аниқланади.

Иқтисодиётнинг мезо ва микродаражаларида рискларнинг турлари ва таъсирчанлик даражаси турлича бўлиши мумкин. Бу ўз навбатида рискларга таъсир этувчи омилларга боғлиқ бўлади. Хўжалик субъектлари фаолиятида мавжуд рискларга таъсир этувчи барча омилларни шартли равишда икки гуруҳга: объектив ва субъектив ёки бошқарилмайдиган ва бошқариладиган омилларга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга корхона ёки фирмага бевосита боғлиқ бўлмаган омиллар (инфляция, рақобат, иқтисодий инқирозлар, об-ҳаво шароитлари) киради. Иккинчи гуруҳга муайян корхона ёки фирманинг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган омиллар (ишлаб чиқариш – техникавий имконияти, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, техника ҳавфсизлиги даражаси ва ҳ.к.), шунингдек фирманинг хўжалик-молиявий фаолиятида жуда муҳим ҳисобланган контрагент фирмалар (мол етказиб берувчилар, субпудратчилар, лойихалаштирувчилар) ва рақобатчи фирмаларни тавсифловчи омиллар киради.

Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларининг субъектлари ҳисобланган корхоналар, хорижий инвесторлар, давлат, яқка хужаликлар ва улар билан боғлиқ ашёвий (товар) ва монетар (пул) оқими тебратади. Хужалик оборотининг ғилдираги бу – пул маблағлари бўлиб, улар банклар ва бошқа молиявий муассасалар орқали оқиб ўтади. Шунинг учун иқтисодиётнинг қайсидир бир соҳаси ёки каналида мавжуд рисклар банклар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.



Иқтисодиётда нафақат пул оқимида, балки барча жараёнларда рискнинг юзага келиши уни юзага келтирувчи манбаларга боғлиқ бўлади. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, риск бу фаолият кўрсатувчи субъектлар амалиётида юзага келиб иқтисодий категория сифатида ижтимоий-иқтисодий жараёнларда аниқ ва ечими бўлмаган ҳолатнинг сон ва сифат жиҳатдан боғлиқ бўлган воқелиқни англатади.

### **Банклар фаолияти ва рисклар**

Банк рискларининг моҳияти ва унинг банк фаолиятига таъсири.

Банклар фаолиятининг рискларга боғлиқлиги.

Банк рискларининг турлари ва унинг таснифи.

Банк рискларини бошқаришнинг назарий асослари.

Банк рисклари иқтисодий рисклар тизимида киради, шунинг учун у табиатан мураккаб тузилган. Тизим доирасида улар иқтисодий рисклар таъсирини сезадилар. Айрим муаллифлар банк рискнинг банк зарарлари пайдо бўлиш эҳтимоли сифатида ифодалашга қўшилмайдилар ва бу рискни қарорларни қабул қилишда ноаниқ ахборотлардан фойдаланиш деб тушунадилар. **Банк rischi** - банк томонидан ноаниқ ахборотлардан бошқарув ёки қарорларни қабул қилишда фойдаланилишини тушуниш керак. «Банк рисклари ҳақида»ги Россия Банкининг қарорида банк рисклари дейилганда ички ва ташқи омиллар таъсирида банк ликвидлигининг йўқолиши сифатида ифодаланган.

**Ички омиллар** - банк олиб бориладиган операцияларга боғлиқ:

- банкнинг активлари, пасивлар ва ўз капиталининг самарасиз тузилиши;
- банкнинг нотўғри стратегияси ва риск сиёсати;
- банк ходимлари малакасининг етишмаслиги;
- банк хавфсизлиги учун молиявий ахборотлар билан қониқарсиз таъминланганлиги;
- банк техник жиҳатдан етарли таъминланмаганлиги;
- банк ходимларининг суъистомоллиги.

**Ташқи омиллар:**

- сиёсий;
- ижтимоий;
- ҳуқуқий;
- умумиқтисодий ва молиявий;
- рақобат;
- ахборот;
- форс-мажор.

### **Банк рискларининг таснифланиши**

Банк фаолиятида рискларни **таснифлаш** икки ёндашу билан ифодалаш мумкин:

**Биринчи ёндашув** - банк ва банкдан ташқари муҳим рисклар (умумий рисклар). **Иккинчи ёндашув** - банкнинг хусусиятидан келиб чиқувчи рисклар (таркибий рисклар).

Биринчи ёндашувга кўра **умумий банк рисклар** қуйидагича таснифланади:

1. Кредит rischi;
2. Бозор rischi:
  - фонд бозорлари rischi;
  - валюта rischi;
  - фоиз rischi;
3. Ликвидлилиқ rischi;
4. Оператив риск;
5. Мамлакат rischi;
6. Ҳуқуқий риск;
7. Имидж rischi.

**Кредит rischi** - қарз олувчининг банк олдида ўзининг молиявий мажбуриятларини ўз вақтда ёки тўлиқ бажара олмаслиги натижасида банкнинг зарарлари пайдо бўлиши рискини англатади. Марказий банк кредит рисклари билан боғлиқ қуйидаги **иктисодий меъёрларни** ўрнатади:

**Бозор rischi** - банкнинг ҳосилавий молиявий инструментлари, савдо портфелининг молиявий инструментлар бозор қийматининг, шунингдек хорижий валюта ва қимматлибаҳо металллар курси ўзгариши натижасида банкда зарарларнинг вужудга келиши rischi деб қаралади. Бозор rischi ўз ичига фонд бозори, валюта ва фоиз рискларини олади:

• **фонд бозорлари rischi** - фонд бозорларида савдо портфели ва ҳосилавий молиявий инструментларнинг бозор нарҳининг салбий ўзгариши натижасида вужудга келадиган риск;

• **валюта rischi** - хорижий валюталар ва қимматбаҳо металллар курсининг ёки улар бўйича очиқ позицияларнинг ўзгариши натижасида пайдо бўладиган риск. Валюта рискларига мажбурий меъёрлар ҳам ўрнатилади: операцион кун охирида барча валюталар бўйича узун (қисқа) очиқ позициялар банк ўз капиталининг 20% идан ошмаслиги керак ва операцион кун охирида ҳар бир хорижий валюталар бўйича узун (қисқа) очиқ позициялар банк ўз капиталининг 10% идан ошмаслиги керак.

• **фоиз rischi** - банкнинг актив ва пасивлари бўйича фоиз ставкаларнинг салбий ўзгариши натижасида молиявий йўқолишларнинг пайдо бўлиш rischi.

**Ликвидлилиқ rischi** - банк ўз мажбуриятлари ижросини тўлиқ ҳажмда бажармаслик оқибатида пайдо бўладиган зарарлар rischi. У қуйидагича вужудга келади:

• банкнинг молиявий активлари ва молиявий пасивлари номутаносиблиги;

• банк ўз мажбуриятларини зарур ҳолларда тез муддатда бажарилиши.

Банкда ликвидлилиқни сақлаш учун қуйидаги **мажбурий меъёрлар** ўрнатилади:

## Банк рискларини баҳолашнинг замонавий усуллари

Банк рисклари куйидаги усуллар ёрдамида баҳоланади:

1. Статистик усул;
2. Риск қиймати VaR (Value at Risk) концепцияси;
3. Тарихий моделлаштириш усули (historical simulation);
4. Монте-Карло статистик тажрибаси (Monte-Carlo simulation);
5. Сенарий таҳлили (стресс-тест асосида);
6. Экспертлар баҳоси усули.

**Статистик усул** - банк учун риск ҳудудини аниқлаш имконини беради.

Рискни статистик усул таҳлили миқдорий усуллар қаторига киради. Статистик усулнинг моҳияти шундан иборатки, у ёки бу соҳада мавжуд бўлган фойда ва зарарлар статистикаси ўрганилади, у ёки бу иқтисодий ҳосиланинг ҳажми ва олиш даври аниқланади ҳамда шуларга кўра келгуси давр учун энг истиқболли эҳтимол белгиланади.

Вариация коэффиценти қанча юқори бўлса, риск ҳам шунга юқори бўлади. **Риск қиймати концепцияси.** Ҳозирги кунда банклар кредит, бозор ва ликвидлилик рискларини аниқ эҳтимол билан ҳисобладиган кутилаётган натижалардан максимал фарқланиш (олиниши мумкин бўлган натижаларнинг ўзгарувчанлик даражаси кутилаётган натижанинг ўртача миқдоридан қай даражада фарқ қилиниши кўрсатади) таҳлилига асосланган VaR усули ёрдамида аниқлайдилар.

Риск қиймати олинган эҳтимол даврида содир бўлиши мумкин бўлган активлардаги портфелларнинг ўзгаришидан келадиган зарарларни акс эттиради. Қисқача айтганда, йўқотишлар  $x\%$  эҳтимоллик билан  $n$  кун давомида у сўмдан ошиб кетмаслигига ишонч ҳосил қилинади. Масалан, риск қиймати 1 кунлик учун 95% лик ишонч интервали билан 100 минг пул бирлигини ташкил этади, яъни бир кун давомидаги йўқотишлар 95% лик эҳтимол билан 100 минг пул бирлигидан ошмайди. Халқаро ҳисоб-китоблар Банки (Базель Қўмитаси) банк капиталининг етарлигини баҳолаш учун 99% эҳтимол даражасини 10 кунга тенг қилиб ўрнатган. JP Morgan кунлик балансини риск қийматида 95% эҳтимол даражаси билан эълон қилади.

Риск қиймати ҳажмини аниқлаш учун танланган интервал вақти давомида фойда ва зарарларнинг эҳтимоллик тақсимланишини билиш керак. Риск қийматини аниқлашда **ишонч интервал ива вақтинчалик горизонт** параметрлари ёрдамида беради. Қоидага кўра, йўқолишлар эҳтимоли 1%, 2,5% ва 5% (99%, 97,5% ва 95% ишонч интервалига мос равишда) даражада ўрнатилади. Шунини ҳисобга олиш керакки, ишонч интервали кўрсаткичи ўсиши билан риск қиймати ўсиб боради: 1% лик эҳтимол билан пайдо бўлган йўқотишлар, 5% лик эҳтимол билан пайдо бўлган йўқотишлардан юқори бўлади. Вақтинчалик горизонтни танлаш мазкур активлар билан неча марта битим тузилишига боғлиқ. Риск қиймати концепциясига кўра вақтинчалик горизонт давомида портфель таркиби ва ҳолати ўзгармасдан қолади. Портфелни ҳар янгилашда риск қийматига тузатиш киритиш керак.

**Тарихий моделлаштириш усули.** Ушбу усул имитацион усуллар қаторига киради. Унга кўра, портфелдаги инструментлардан қиймати, унинг қийматига таъсир қилувчи бозор нархларида ва фоиз ставкаларида ифодаланиши керак. Шунингдек, жорий портфелга ўтган йилда  $n$  давр давомида кузатилган бозор омиларининг реал ўзгариш rischi таъсир қилади. Шунинг учун жорий ўзгаришлар асосида бозор омилларининг гипотетик  $n$  кўпайтирувчилари ҳосил қилинади. Шу тарзда олинган гипотетик белгилар реал маълумотларга асосланади. Ушбу гипотетик белгилар билан ҳисоблаб чиқилиб, унинг жорий қиймати билан солиштирганда бозор омиллари таъсирида фойда ва зарарларнинг  $n$  ҳажми аниқланади.

**Монте-Карло статистик тажрибалар усули.** Ушбу усулга кўра, минглаб бозор омиллари олиниб, улар статистик тақсимланиб чиқилади. Олинган маълумотлар портфель қийматининг ўзгаришига олиб келган фойда ва зарарлар ҳажми аниқланади. Охириги босқичда портфелнинг фойда ва зарарлари аниқланиб, риск қиймати топилади.

**Сенарий таҳлили.** Унга кўра портфелнинг асосий кўрсаткичлари асосида прогноз қилинади. Прогноз қилиш жараёнида ҳар бир ҳолат учун портфель қийматининг бозор омиллари (фоиз ставкаси, валюта курси, акция нархи) ўзгариши ҳақида гипотезалар тузиб чиқилади. Таклифлар асосида портфель қиймати қайта баҳоланади. Олинган маълумотлар потенициал йўқолишлар қиймати тенг бўлади. Сенарий ёндашувида портфелни тестдан ўтказиш ҳам қўлланилади. Тестлар миқдорий ва сифат таҳлилларни ўз ичига олади. Миқдорий таҳлил макроиқтисодий кўрсаткичлар ўзгаришини аниқлаш ва уларнинг банк активларига таъсирини баҳолашга йўналтирилган. **Сифат таҳлили** иккита тест вазифаларига асосланган:

- банк капиталининг йирик зарарларни қоплаш имкониятини баҳолаш;
- капитални сақлаш ва риск даражасини тушириш учун банк қабул қилиши мумкин бўлган қарорларни аниқлаш.

Тест ўтказишнинг қуйидаги **босқичлари** мавжуд:

- биринчи босқичда тест ўтказиш учун асос бўладиган ахборотларни ошончилигини текшириш;

- иккинчи босқичда маълумотлар базаси тузилиб, кредит портфели таҳлил қилинади;

- учинчи босқичда риск омиллари динамикаси танланган вақтлар оралиғидаги ўзгаришларни аниқлаш йўли билан таҳлил қилинади.

### **Фоиз рисклари: бошқариш ва баҳолаш**

Фоиз rischi ўзида фоиз ставкалари даражасининг ўзгариши натижасида молявий йўқотишлар эҳтимолини акс этади.

Базель Қўмитаси фоиз рискнинг пайдо бўлиши қуйидаги омиларни аниқлади:

#### **1. Нархлар ўзгаришини rischi.**

Бунда фоиз rischi актив ва пассивларнинг тўлов муддатлари бўйича баланслаштирилмаганлиги орқали аниқланди.

## **2. Эгри даромад ўзгариши rischi.**

Актив ва пассивлар бўйича фоиз ставкалари ўзгаришида вақтлар бўйича мос келмаслиги натижасида олинаётган даромад тенглигининг бузилиши.

## **3. Базавий риск.**

Молиявий инструментларни қайта баҳолаш вақтида олинган ва тўланган фоизларни бошқаришда ноаниқ корреляция ўтказиш.

## **4. Опционлар билан боғлиқ рисклар.**

Актив ва пассивлар муддатлари бўйича ўзгариши опцион битимларда фоиз рискларини келтириб чиқаради.

Тижорат банкларида фоиз rischi деганда банкнинг соф фойдаси қисқариши riskдан то фоиз ставкалари даржасининг ўзгариши натижасида унинг капитали қийматининг йўқолишигача, натижада жалб қилинган маблағларнинг ўртача қиймати жойлаштирилган маблағлар қийматидан ошиб кетиши ҳолатига олиб келиш жараёнини тушуниш керак. Бундай ҳолатда фоиз rischi кредит ташкилоти молиявий ҳолатининг фоиз ставкасининг салбий ўзгаришига дучор бўлиши даражасини акс эттиради. Банкнинг фоиз riskини қабул қилиш нормал ҳолат бўлиб, у қўшимча фойда олишда манба сифатида хизмат қилади. Фоиз rischi одатда пул бозорининг келгуси ҳолати ҳақида нотўғри ахборот олиш, шунингдек, макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши, яъни инфляция, бюджет дефицити ҳажми, ЯИМ ва бошқа кўрсаткичларнинг ўзгариши натижасида пайдо бўлади.

Фоиз riskини баҳолашда фоиз маржасидан фойдаланилади.

**Фоиз маржаси** даромад келтирувчи активлар бўйича фоиз даромадлар билан банкнинг мажбуриятлари бўйича фоизли харажатлари ўртасидаги фарк тушунилади.

## **2 – Амалий машғулот:**

**Банкларда риск-менежмент тизими: таркиби ва жорий қилиш механизми. Рискларни бошқариш усуллари бўйича қарорлар қабул қилиш.**

### **Банк рискларини бошқариш тизими ва унинг тузилиши**

Банк рискларини бошқариш тизими ва унинг элементлари.

Банклар фаолиятида рискларни бошқариш бўлимининг вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рискларни бошқариш бўлимига белгиланган талаблар.

Банк фаолиятини riskсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Албатта risk ҳар қандай бизнесда ҳам бўлади. Лекин фаолият хусусиятидан келиб чиқиладиган бўлса, банк бизнеси учун risk албатта ва дарҳол юз берадиган жараён ҳасобланади. Шу туфайли, бу ерда гап банк фаолиятида riskдан умуман қочиш тўғрисида эмас, балки уни олдиндан кўра билиш ва минимал даражага тушириш ҳақида боради. Riskни бошқариш аксарият ҳолларда банкнинг ўз маблағларининг бир қисмини йўқотиш “хавфи”, даромад ололмай қолиш ёки молиявий операцияларни амалга ошириш натижасида қўшимча харажатларга

йўл қўйиб бўлсада жараёни ижобий натижа билан якунлашни мақсад қилиб қўяди.

Банк фаолияти жамғарма эгаларига фоизлар тўлаш, бошқа молия-кредит институтларидан харид қилинган кредит ресурсларига тўловлар, банк хизматчилари иш ҳаққиси учун маблағлар ажратиш ва бошқа операцион харажатларга бевосита боғлиқдир. Бу ерда риск жамғармаларга бўлган фоизларнинг, кредит ресурслари қийматининг, иш ҳақи тўловларининг ошиши муҳим бўлиб қолганда пайдо бўлади.

Рискларни аниқлаб уни бошқара олмаслик натижасида юзага келувчи тўлиқ даромад ололмаслик ёки кутилгандан кўра кўпроқ харажат қилиб юборишлик rischi бўлғуси операцияларнинг, ҳисоботларнинг етарли таҳлил қилинмаганлиги, вазиятни тўғри баҳолашмаганлиги ёки кўзда тутилмаган ҳолатнинг пайдо бўлиши натижасида юз беради. Ҳозирги вақтда ихтисослашган, тармоқ ва универсал банкларнинг мавжудлиги банклар учун банк rischi кўламларини ҳар хиллаштиради. Ихтисослашган банкларнинг бир соҳа, бир тармоқни кредитлашга мослашуви улар фаолиятида рискларнинг юқори бўлишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолат банк riskини бошқаришнинг асосий усулларини жумладан, ҳукумат кафолатини олиш, гаров ҳуқуқини жорий қилиш ва бошқаларни талаб қилади.

Банк riskини бошқариш тизими riskнинг юзага келишини олдиндан хомчўт қилиш, risk туфайли юзага келадиган ҳолатларга йўл қўймаслик ёки уларнинг таъсирини камайтириш борасида чора-тадбирлар, усуллар йиғиндисини ўз ичига олади. Банк riskини бошқариш тизими икки асосий кичик тизим: бошқариш объекти ва бошқариш субъектидан иборат бўлади.

Riskни бошқариш тизимида бошқариш объекти- бу банк фаолиятидаги risk, банк билан мижоз ўртасидаги ёки кредитор билан қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, банкнинг маблағларини жалб қилиш ва уларни жойлаштириш билан боғлиқ операцияларда юзага келувчи рисклар бўлса, рискларни бошқариш тизимининг субъекти бу riskда ўз таъсирини ўткази олувчи гуруҳ, тадбиркор, банк, risk бўйича менежерлар ҳисобланади.

Банк riskини бошқариш банклар фаолиятини чуқур билиш, улар бажарадиган операцияларининг самарадорлигини аниқлай олиш банкнинг кредит, инвестиция, валюта сиёсати ва бошқа фаолият турлари бўйича оптимал қарорлар қабул қилишга эришиш, мижозларнинг хўжалик фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволи тармоқлар фаолиятининг хусусиятларини ўз ичига олади.

Банк riskини бошқаришда банк бошқарувчисининг асосий вазифаси банк фаолиятини олиб боришда юзага келадиган даромад билан унда юзага келувчи рисклар ўртасидаги оптимал вариантни топишдан иборат.

Тижорат банкларида riskни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда корхоналардаги фойдаланилмаган резервларни баҳолаш ва банк хизматининг асосий йўналишини аниқлаб олиш учун ўртача тармоқ riskининг ҳажмини ҳисобга олиш зарур. Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан кредитлаш жараёнини олиб боришда тармоқ riskлари деярли инобатга олинмайди.

Тармоқ rischi кредит rischi билан боғлиқ бўлиб, унга бевосита таъсир қилади. Шунга асосланган банк тармоқ сиёсатини тузишда нафақат мижозлар, балки соҳалар тўғрисида кенг ахборотларга эга бўлиши, тармоқ riskини баҳолашда қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

- аниқ давр мобайнида ушбу тармоқнинг ҳамда қўшимча соҳаларнинг фаолияти;

- уларнинг мамлакат иқтисодиётига нисбатан барқарорлиги;

- турли хил фирмаларнинг бир ёки бошқа соҳадаги фаолиятлари натижаларига сезиларли мос келмасликларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Тармоқ riskини баҳоловчи кўрсаткичларидан бири бирор иқтисодий фаолият натижаларига нисбатан соҳа фаолияти натижасининг ўзгаришидир. Бу хил риск халқаро амалиётда биз олдин таъкидлаганимиздек «бета» ҳарфи билан белгиланади. Бета кўрсаткичи бирга тенг бўлса, бу бозор иқтисодиёти учун меъёр ҳисобланади. Кўрсаткич бирдан кам бўлса у нисбатан барқарор соҳа бўлади ва катта ўзгаришлар бўлмайди. Бета кўрсаткичи бирдан катта бўлганда тармоқда катта ўзгаришлар мавжудлиги кузатилади. Шу сабабли «бета» кўрсаткичи қанча юқори бўлса, тармоқ rischi шунчалик кучли бўлади. «Бета» кўрсаткичини ҳисоблаш учун кенг ахборотлар керак. Одатда тармоқ riskини таҳлил қилишда ушбу кўрсаткични ҳисоблаш соҳанинг келажақдаги иши билан боғлиқ ҳолати махсус агентликлар томонидан амалга оширилган регрессив таҳлил билан солиштирилади.

Банк riskларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишда riskларнинг қуйидаги асосий турларига эътиборни жалб қилиш лозим:

1. Депозитларни шакллантириш rischi;

2. Янги фаолият тури rischi;

3. Лизинг келишуви rischi;

4. Қарздорнинг ўз молиявий мажбуриятлари юзасидан бажармаган фаолият билан боғлиқ кредит rischi;

5. Бозор фоиз ставкаларининг тебраниш эҳтимоли билан боғлиқ фоиз riskлари;

6. Қимматли қоғозларнинг қадрсизланиш эҳтимоли билан боғлиқ бозор rischi;

7. Валюта курслари тебраниши билан боғлиқ валюта riskлари. Банк бундай riskка чет эл валютасида турли хилдаги операцияларни ўтказиш ва валюта олди-сотдиси, валютавий кредитлар бериш натижасида дуч келади.

Банк riskларини бошқариш стратегияси банкнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланиш, банкни ривожлантириш истиқболларини белгилаб беради ва банк riskларининг олдини олиб банклар фаолиятининг самарадорлигини оширишга имкон яратади. Riskларни бошқариш стратегиясининг мақсади ва вазифалари кўп даражада банк ишлайдишаг ташқи иқтисодий муҳитга боғлиқ. Охирги йилларда банк фаолиятига таъсир кўрсатувчи ташқи иқтисодий муҳит сифатда инфляциянинг мавжудлиги, банклар ва уларнинг шуббаларининг сифатли фаолият кўрсатишлари, банклар фаолиятининг Марказий банк томонидан мувофиқлаштирилиб борилиши, банклар янги хизматларининг

юзага келиши, банклар ўртасидаги рақобатнинг юзага келиши ва йирик банклар томонидан майда кредит муассасаларининг қамраб олиниши, хўжалик субъектлари фаолиятининг ўзгариши, бозор муносабатларига мослашуви натижасида айланма капиталларга бўлган эҳтиёжнинг ўсиши натижасида банкнинг кредит ресурсларига бўлган талаб ортиб бориши туфайли фақат банк рискларини ўз вақтида сезиш ва бошқариш йўли билан банк фаолиятининг ижобийлигига эришиш мумкин.

Рискларни бошқаришнинг асосий усуллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- рискларни ўлчаш усулларида фойдаланиш;
- ташқи рискларни ҳисобга олиш;
- банк миқозининг молиявий аҳволи мунтазам назорат қилиб бориш, тўлоқга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари, рейтингини аниқлаш ва бошқалар;
- рискни тақсимлаш йўлини қўллаш, кредитни қайта молиялаштириш;
- диверсификация сиёсатини ўтказиш;
- банкларнинг ҳисобга олиш опрецияларини кенгайтириш;
- кредитлар ва депозитларни суғурталаш;
- гаров асосида кредитлашни кенгайтириш ва бошқалар.

Агар рискларни олдини олишнинг тўлиқ имконияти бўлмаса, у ҳолда охириги манба – бу рискни бошқариш усули, яъни рискни қоплаш ҳисобланади.

Рискни қоплаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Банклар томонидан умумий ва махсус резерв фондларини ташкил қилиш;
2. Маълум йиғиндиларни зарарларга ўтказиш;
3. Кредитлар бўйича фоизлар белгилашни тўхтатиш ва бошқалар.

Рискларни бошқариш даромад билан риск ўртасидаги оптимал нисбатни топиш, мавжуд рискни минималлаштиришни ўз ичига олади. Юқоридагиларга асосан биз рискни бошқаришнинг босқичларини

Рискларни бу босқичлар бўйича бошқариш маълум назарий ва амалий билимларга эга бўлишни, харажатларни талаб қилувчи жараёнدير. Шу билан бирга рискни инкор қилиш жуда салбий ҳолларга олиб келиши мумкин. Рискларни бошқаришда ссудалар бўйича тўловсизлик рискдан ҳимояланиш учун кредит портфелини диверсификациялаш усулидан фойдаланиш юқори самара бериши мумкин.

Рискларнинг илмий асосланган таснифи уларни хар бирининг умумий тизимдаги ўрнини белгилаш, уларни бошқаришнинг самарали усулларини қўллаш имконини беради.

Рискларни ўлчаш ва идентификация қилиш банк секторида рискларни бошқариш ва назорат остига олишнинг биринчи босқичидир. Банкирлар рискларни бошқариш жараёнига муаммони қўйиш ва уни ҳал қилишнинг логик давоми тариқасида қарашлари керак. Банк секторида рискларни бошқариш жараёни қуйидаги асосий босқичлардан иборат:

1. Банкнинг рискларга таъсирчанлигини ўлчаш ва идентификация қилиш. Банк раҳбарияти банкнинг турли бўлинмаларига рискларнинг қандай омиллари



хавфли эканлигини аниқлаши ҳамда ушбу рискларнинг ҳажми ва даражасини қандай ўлчаш кераклиги юзасидан қарор қабул қилиши керак.

2. Банкнинг ҳар бир бўлинмасининг жорий сиёсати ва риск омилларининг ҳар бири адекват тарзда компенсация қилинаётганлигини аниқлаш учун бу сиёсатнинг ҳар кунлик амалиётга жорий қилинишининг ҳолати. Банк раҳбарияти бўлинмалар фаолиятидаги энг асосий ва жиддий риск омилларини бартараф қилиш учун жорий фаолият ёки стратегик мақсадларни ўзгартирилиш зарурати мавжудлигини (ёки зарурат йўқлигини) аниқлаши лозим.

3. Рискларни бошқариш соҳасидага чора – тадбирларни таҳлил қилиш билан банкнинг қисқа ва узоқ муддатли режаларини мувофиқлаштириш. Банк раҳбарияти риск факторларининг бошқарилиш даражаси қўйилган мақсадларга мослигини аниқлаши керак.

4. Рискларни бошқариш соҳасида (ҳар бир ҳисобот даври давомида ва якунида) олиб борилган тадбирлар ва қарорлар таҳлили. Банк раҳбарияти риск омилларини тўлиқ аниқлаб олганлиги ва уларни бартараф қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар банкнинг қисқа ва узоқ муддатли режаларида кўзда тутилган мақсадларга эришишни таъминлай олишига ишонч ҳосил қилиши зарур.

Банкларнинг ўз фаолиятлари жараёнида дуч келадиган турли хилдаги рискларни камайтириш усуллари бўйича тадбирларнинг ишлаб чиқиши риск соҳасида банк стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бундай турдаги операцияларни банк ўз маблағлари ҳисобидан ҳам (бу ҳолда тегишли молиявий рискни пасайтириш ёки у учун бозар шартлари қулай келган тақдирда имзоланган шартномалардан олинган даромадларни кузатиб бориши керак) ҳамда мижоз топшириғига асосан ҳам (бу ҳолда воситачи сифатида иштирок этиб мукофот олади) амалга оширади.

### **Кредит rischi ва унинг назарий асослари**

Банклар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд рискларни минималлаштириш масалаларидан бири кредит рисклари, уларнинг сифати ва даражасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Кредит rischi деб, қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги яъни кредит суммасининг (қисман ёки тўлиқ) ва у бўйича фоизларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаслиги тушунилади. Шунинг учун кредит рискларини аниқлаш ва бошқариш ҳар қандай тижорат банкнинг ривожланиш ва тараққий этиш мақсадига эришиш учун ишлатиладиган кураш усулларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Кредит рискларининг банклар учун долзарб муаммолиги шундаки, кредит rischi мавжуд бўлган ҳолда кредитор(банк)да қарз олувчи томонидан кредит шартнома шартларини, унинг ўз мажбуриятларини белгиланган вақтда бажара олиш имкониятига ишончсизлик ҳосил бўлади. Маълумки, банк амалиётида фойда аниқлаб берилган кредитлар бўйича олинган фоизлардан ташкил топади. Қарз олувчи томонидан олинган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг ёки кредитнинг асосий суммасининг ўз вақтида тўланмаслиги, ёки умуман тўланмаслиги банк фойдасининг камайиши оқибатида банкнинг келажакдаги

маблағлари салмоғининг тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун кредиторлар улар берган маблағларнинг қайтиши билан боғлиқ рискларни камайтиришга ҳаракат қиладилар.

Қарз олувчи фаолиятида мавжуд рисклар даражасини кредитор кредит бергунга қадар, кейинчалик кредит бергандан кейин, ундан фойдаланиш давомида аниқлаш мумкин. Рискни минималлаштириш мақсадида кредитор кредит беришдан олдин рискни аниқлашга ҳаракат қилади.

Базел II талаблари 1988 йилда эълон қилинган “Капитални баҳолашнинг халқаро бир хиллаштириш (конвергенция) ва стандартлар” (Базел I) ни такомиллаштириш орқали тегишли методологияни ишлаб чиқиш, халқаро банк тизимини ишончлилиги ва барқарорлигини таъминлашни мақсад қилиб қўйган. Базел II талаблари капитални банклар фаолиятида юзага келадиган рисклар турларининг кенгайтирилган шкаласи бўйича ҳисоб-китоб қилишни таклиф этди. Яъни Базел қўмитаси таклиф қилинган риск турларини учта йирик тоифага ажратди: кредит rischi, бозор rischi, операцион риск. Бундан ташқари, назорат функциялари рискларни тижорат банклари томонидан ички услуб асосида назорат қилиш, маълумотларнинг шаффофлиги ва бозор интизоми нуқтаи назаридан ўзгартирилди. Бу эса Базел II нинг муҳим афзалликларидан ҳисобланади.

Базел қўмитаси тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган кредит рискларини қарздор ёки контрагент томонидан ўз мажбуриятларини келишилган шартларга мувофиқ бажара олмаслик эҳтимоли деб баҳолайди. Мажбуриятларни бажара олши қобилияти қарздорнинг молиявий ҳолати (кредит қобилияти) га боғлиқ. Мижознинг кредит қобилиятини ва келажакда кредит бўйича фоиз тўловларини амалга ошириш қобилиятини баҳолаш учун банк мижознинг аҳволи, хусусан ойлик пул оқимлари (даромад ва ҳаражатларини) тўғрисида ахборотларини олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, банкларда кредит рисклари бўйича аниқ маълумотларнинг етарли эмаслиги банк активлари сифатини баҳолашда қийинчилик туғдиради, бу эса кутиладиган зарарларга қарши заҳираларни шакллантириш учун қўшимча маблағларга эҳтиёж уйғотади. Банк капитали эса кўзда тутилмаган зарарлар учун ҳимоя вазифасини ўтайди.

Базел қўмитаси бозор рискини бозор баҳоларининг тебранишига асосланган банк баланси ва баланسدан ташқари моддалари бўйича йўқотиш rischi деб таърифлайди. Бозор рискининг асосий 4 та тури мавжуд:

- Фоиз rischi, мисол учун, банк қатъий белгилаган муддатли фоизли облигациялар сотиб олинганда, мазкур облигацияларнинг бозордаги фоиз ставкасининг ўзгариши, облигациянинг бозор қийматига таъсир кўрсатади.

- Валюта rischi, мисол учун, банк томонидан хорижий валютадаги кредитлар берилганда, ички бозорда миллий валюта қийматининг ошиши кредит қийматининг пасайишига олиб келади.

- Акциядор rischi, мисол учун, банк томонидан компания акциялари сотиб олинганда, ушбу акция қийматларининг фонд биржаларида пасайиши банкка зарар келтиради.

- Товар rischi, мисол учун, банк томонидан қимматбаҳо металл (олтин) сотиб олинганда, товар биржаларидаги олтин нархининг пасайиши банкка зарар келтиради.

Базел қўмитаси операцион rischi ички жараёнлар ва тизимларнинг номувофиклиги, ходимларнинг масъулиятсизлиги ёки бошқа ташқи омиллар ҳисобига юзага келадиган хавф-хатар деб баҳолайди. Мазкур тушунча банк ва унинг ходимлари томонидан қонунчиликка, ахлоқий меъёрларга, шартнома мажбуриятларига риоя этмаслик ҳамда суд жараёнининг қўзғатилиши туфайли юзага келадиган ҳуқуқий riskни ҳам кўзда тутди. Операцион риск турлари қуйидагилардан иборат:

- Ички бўхтон ва фирибгарлик, яъни дилерлар томонидан банк ҳолати бўйича нотўғри маълумотларнинг берилиши, ходимлар томонидан амалга оширилган ўғирликлар, ходимларга берилган пора эвазига кредит ҳужжатларини сохталаштириш ва бошқалар.

- Ташқи бўхтон ва фирибгарлик, яъни ҳужжатларни ўғирлаш ва сохталаштириш, компьютер алоқаларига рухсатсиз кириш, кредит олиш учун нотўғри маълумотлар тақдим этиш.

- Мижозлар, хизматлар ва бизнес юритиш стандартларига оид маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва ҳисобварақлардан фойдаланган ҳолда фирибгарлик.

- Моддий активларга зарар етказиш, яъни қўпоровчилик, терроризм, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар.

- Ишдаги, ахборот ва алоқа тизимидаги хатолик ва узилишлар, яъни техниканинг ишламай қолиши, телекоммуникация муаммолари ва дастурдаги узилишлар.

- Ҳужжатларни расмийлаштириш, операциялар ўтказиш ва жараёнларни бошқариш, яъни маълумотларни киритишдаги хатоликлар, ҳуқуқий ҳужжатларнинг етишмаслиги, кредит таъминотига тегишли хатоликлар ва бошқалар.

Кредит riskлари таркибига қуйидаги riskларни киритиш мумкин:

1. Кредитни уз вақтида қайтармаслик билан боғлиқ риск. Бу риск қарз олувчининг кредит шартномасининг шартларини бажармаслиги:

2. Ликвидлик rischi (туловларнинг муддатида утказмаслик), бу риск кредитни ва фойзаларни муддатида қайтара олмаслик натижасида банк ликвид маблағларининг камайишига олиб келиши билан боғлиқ.

3. Кредитни таъминлаш билан боғлиқ риск, бу riskни алоҳида қуриб бўлмайдди, балки бу кредитни қайтармаслик билан боғлиқ бўлган риск билан биргаликда урганилади. Бу риск тури кредит учун қуйилган гаровни сотишдан тушган маблағ ажратилган кредитни коплаш учун етарли эмаслиги билан боғлиқ дир, натижада банк уз талабини тула қондира олмайди.

4. Қарз олувчининг ишбилармонлиги билан боғлиқ рисклар. Бу риск корхонанинг иш фаолияти билан боғлиқ булиб (сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш), аммо бошқа рисклардан фарқи уларок бу рискка корхона раҳбаридан боғлиқ булмаган факторлар таъсир курсатади, масалан тармокнинг ривожланиши ва конъюктураси. Бу рискнинг хажмини инвестицион дастур ва ишлаб чиқарадиган маҳсулот тури ва сифати белгилайди.

5. Капиталнинг таркибий қисми билан боғлиқ рисклар. Бу рисклар пасивларнинг таркибий қисми ва ишбилармонлик rischi билан боғлиқ.

Банк кредит riskининг даражаси қуйидаги факторларга боғлиқ:

- банк кредит фаолиятининг маълум бир соҳада марказлашуви даражаси;
- узига хос маълум қийинчиликларни бошидан кечираётган миждозларга кредит ва бошқа банк хизматларининг канча тугри келиши;
- кам урганилган, янги, ноанъанавий соҳаларда банк фаолиятининг марказлашуви;
- кредит бериш, қимматли қозғалар портфелини шакллантириш буйича банк сиёсатига хусусий ва жиддий узгаришлар киритиш;
- янги ва яқинда жалб қилинган миждозларнинг фоизи;
- қиска вақт ичида амалиётга жуда қуп хизматларнинг киргизилиши (у вақтда банкда салбий талаблар қупайиши мумкин);
- бозорда сотилиши қийин булган қимматликларни ёқи қиймати тез тушадиган нарсаларни гаров сифатида қабул қилиб олиш ва бошқалар.

Кредит рискларини баҳолашнинг беш асосий улчови мавжуд:

а) Репутация. Мазкур жарағн шахсий муомала, ҳам шахсий, ҳам иш буйича тажрибасидан иборат булиши керак (кредитор, маҳсулот етиштириб берувчилар ва миждозларни текшириш).

б) Имкониятлар. қарз олувчининг узининг барча операциялари буйича (узининг бутун фаолияти давомида қарз олувчининг олган пуллари) ёқи аниқ лойиха буйича маблағ олиш қобилияти ва пул воситаларини бошқариш қобилияти (бу аввалги лойихалардан маълум булиши керак).

в) Капитал. қарз олувчининг капитал базаси ва кредит суралган лойиха учун узининг маблағларини сарфлашга доир қатъийлиги. қарз олувчи лойиха хавфи масъулиятини кредит берувчи банк билан бирга уз зиммасига олиши, узининг хиссадорлик капиталининг қабул қилиниши мумкин булган қисмини тақдим этиб, узига тегишли булган мажбуриятларни уз зиммасига олиши керак.

г) Шарт-шароитлар. Маҳаллий, ҳудудий ва умуммиллий иқтисоднинг жорий аҳволи ва тавсифи, шунингдек қарз олувчи хужалигининг соҳалари.

д) Гаров. Кредитни гаров ёқи қафиллик шаклида ишончли таъминлаш бошқа томондан қучсизликларни йуқа чиқариб қуяди. Яхши бир қоида бор: қақат гаров ва қафиллик асосида ҳеч вақт кредит берманг.

Банклар одатда кредит сифати буйича узларининг хусусий рейтинг системаларини ишлаб чиқадилар, айримлари оддий схемалардан фойдаланадилар, бошқалари мураккаб ва булиниб кетган, ҳамма нарсани уз ичига оладиган схемаларни ишга солади.

Тижорат банкнинг кредит рискларини бошқариш жараёнида бир нечта умумий характерловчи босқичларни ажратиш мумкин. Булар:

- банкнинг кредит сиёсатининг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш;
- маъмурий ечимларни қабул қилиш тизимини ва кредит рискини бошқариш маъмурий таркибини ташкил этиш;
- қарздорнинг молиявий ҳолатни таҳлил қилиш;
- кредит шартномасини ишлаб чиқиш ва имзолаш;
- кредитларнинг қайтарилмаслик рискини таҳлил қилиш;
- барча ссудалар портфели бўйича қарздорнинг кредит мониторингини йўлга қўйиш ва узлуклаштириш;
- муддати ўтган ва шубҳали кредитларни қайтариш ва гаровни сотиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Кредит рискини бошқариш учун банк ходими ссудалар портфелининг сифатли таркиби ва тузилиши устидан доимо назорат олиб бориши керак. «Фойдалилик-риск» мунозараси доирасида банк ходими ўзини ортиқча рисклардан сақлаган ҳолда фойда нормасини чеклашга мажбур. У рискни бўлиб-бўлиб қўйиш сиёсатини олиб бориш, ҳамда кредитларни бир нечта йирик қарздорларда тўпланишига йўл қўймаслиги керак. Акс ҳолда, қарздорлардан бирининг кредитни тўлай олмаслиги банкнинг молиявий аҳволини қийинлаштириши мумкин.

Кредит rischi ликвидлилик рискига ва банкнинг тўловга ноқобиллиги рискига, шунингдек банкнинг маъмурий-хўжалик харажатларини қоплай олмаслиги билан боғлиқ рискларга олиб келиши мумкин, фоиз ставкаси rischi ўзича мустақил бўлсада, у кредит rischi ва бошқа барча рисклар занжирини чуқурлаштириб бориши мумкин.

Тижорат банкларимизнинг долзарб муаммоларидан бири баланс маълумотлари ва кредит портфелининг таҳлили асосида кредит рискларини бошқариш ҳисобланади. Кредитларни риск синфларига гуруҳлаш, уларни таҳлил қилиш, уларни минималлаштириш ва банк манфаатини ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқиш кредит рискларини камайтиради. Кредитлар бўйича зарарларни қоплаш учун ташкил қилинадиган резерв фондлари кредит рискларининг ўзига хос амортизатори бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда кредит рискларини бошқариш бўйича бир қанча муаммолар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

- Кредит сиёсатининг яхши ишлаб чиқилмагани
- Кредитлаш тармоғини тўғри таҳлил қила олмаганлиги
- Қарздорни етарли даражада урганиб чиқмагани
- Мижоз билан мулоқотнинг камлиги
- Қарзлар устидан назоратнинг камлиги
- Қарздорнинг хужжатлари устидан назоратнинг камлиги
- Кредитни расмийлаштириш бўйича хужжатларнинг етарли эмаслиги
- Кредитлар бўйича зарарларни қоплаш борасида резервларнинг тўғри шаклланмаганлиги.

Тижорат банкларида кредит рискларини бошқаришда қуйидагиларга эътибор бериши керак:

- Банк кредит сиёсатининг яхши ишлаб чиқилиши
- Кредит рискларини бошқариш бўйича тезкор қарорлар қабул қилиш
- Кредитнинг қайтарилмаслиги бўйича рискларни таҳлил қилиш
- Ҳар бир қарздор устидан кредит мониторингини олиб бориш
- Муддати узайтирилган ва муаммоли кредитлар устидан чора – тадбирлар олиб бориш.

### **Кредит рискини бошқариш усуллари**

Кредит рискини бошқариш усуллари.

Тижорат банклари кредит сиёсатининг кредит рискини бошқаришдаги ўрни.

Банкларда кредит портфелини самарали бошқариш кредит рискини камайтириш воситаси сифатида.

Муаммоли кредитларнинг пайдо бўлиш сабаблари, уларнинг таркиби. Умидсиз қарзларнинг олдини олиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш.

Кредит рискларни суғурта қилиш муаммолари ва тажрибаси.

Тижорат банклари кредит портфелини сифатли бошқариш йўллари.

Кредит rischi деб, қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги яъни кредит суммасининг (қисман ёки тўлиқ) ва у бўйича фоизларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаслиги тушунилади. Шунинг учун кредит рискларини аниқлаш ва бошқариш ҳар қандай тижорат банкнинг ривожланиш ва тараққий этиш мақсадига эришиш учун ишлатиладиган кураш усуллариининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Кредит рискларининг банклар учун долзарб муаммолиги шундаки, кредит rischi мавжуд бўлган ҳолда кредитор(банк)да қарз олувчи томонидан кредит шартнома шартларини, унинг ўз мажбуриятларини белгиланган вақтда бажара олиш имкониятига ишончсизлик ҳосил бўлади. Маълумки, банк амалиётида фойда берилган кредитлар бўйича олинадиган фоизлардан ташкил топади. Қарз олувчи томонидан олинган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг ёки кредитнинг асосий суммасининг ўз вақтида тўланмаслиги, ёки умуман тўланмаслиги банк фойдасининг камайиши оқибатида банкнинг келажакдаги маблағлари салмоғининг тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун кредиторлар улар берган маблағларнинг қайтиши билан боғлиқ рискларни камайтиришга ҳаракат қиладилар.

Қарз олувчи фаолиятида мавжуд рисклар даражасини кредитор кредит бергунга қадар, кейинчалик кредит бергандан кейин, ундан фойдаланиш давомида аниқлаш мумкин. Рискни минималлаштириш мақсадида кредитор кредит беришдан олдин рискни аниқлашга ҳаракат қилади.

Демак, банк кредит рискларини бошқариш учун энг аввало прогноз қилаб бориши ва шу прогнознинг қанчалик даражада бажарилишини кузатиб бориши лозим. Шу билан бирга банк кредитларни турлари, муддатлари, соҳалари, тармоқлари ва бошқа хусусиятларига кўра маълум давр учун ёки маълум бир санага таҳлил қилиб борадилар, кредитларнинг ҳолатини, сифат

даражасини аниқлаб борадилар, зарур бўлса резерв яратадилар, қайта кўриб чиқадилар ёки ҳисобдан чиқарадалар. Банк кредит портфелининг сифатини назорат қиладилар, кредитларнинг қайтиш ёки қайтмаслигини назорат қиладилар, унинг сабабларини ўрганадилар.

Тижорат банклари битта миждога ёки бирор бир соҳада кредит суммасининг кўп миқдори тўпланиб қолиши олдини олиш мақсадида ссуда портфелининг диверсификация қилишига алоҳида эътибор берадилар. Бунинг натижасида кредит рисқи минималлаштирилади ва уни бошқаришга қулай шароит яратади.

Кредит рисқи ёки қарзнинг қайтармаслик хавфи кредиторнинг кредит келишувига асосан кредитни ўз вақтида қайтарилишига ва кредит шартларини бажара олишига ишончсизлигидан келиб чиқади.

Бу ҳолат қуйидагилар таъсирида вужудга келиши мумкин:

а) тадбиркорликда, иқтисодий ёки сиёсий муҳитда қутилмаган ўзгаришлар юз бериши натижасида қарздорнинг пул тушумини керакли даражада таъминлай олмаслиги;

б) кредитга қўйилган гаровнинг келажакдаги қиймати ва сифатига бўлган ишончсизлик (нарх ўзгариши, қўйилган мулкнинг харидорлиги)

с) қарз олувчининг тадбиркорлик дунёсида обрўсиз бўлиб қолиши.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар банкларнинг рискларни бошқариш ва уларни режалаштириш учун доимий ишлар олиб боришга мажбур этади.

Кредит рискининг таркибига қуйидаги рискларни киритиш мумкин:

### **1. Кредитни ўз вақтида қайтармаслик билан боғлиқ рисклар.**

Рискнинг бу тури қарз олувчи кредит шартномасининг шартларини бажармаслиги натижасида кредитни ўз вақтида айтмаслигига олиб келади.

### **2. Ликвидлик рисқи (тўловларнинг муддатида ўтказмаслик).**

Бу риск кредитни ва фоизларни муддатида қайтара олмаслик натижасида банк ликвид маблағларининг камайишига олиб келиши билан боғлиқ.

### **3. Кредитни таъминлаш билан боғлиқ риск.**

Бу рисқи алоҳида кўриб бўлмайдиган, балки бу кредитни қайтармаслик билан боғлиқ бўлган риск билан биргаликда ўрганилади. Бу риск тури кредит учун қўйилган гаровни сотишдан тушган маблағ ажратилган кредитни қоплаш учун етарли эмаслиги билан боғлиқдир. Натижада банк ўз талабини тўла қондира олмайди.

### **4. Қарз олувчининг ишбилармонлиги билан боғлиқ рисклар.**

Бу риск корхонанинг иш фаолияти билан боғлиқ бўлиб (сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сотиш), аммо бошқа рисклардан фарқли ўлароқ бу рискка корхона раҳбаридан боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир кўрсатади, масалан тармоқнинг ривожланиши ва конъюктураси. Бу рискнинг ҳажмини инвестицион дастур ва ишлаб чиқарадиган маҳсулот тури ва сифати белгилайди.

### **5. Капиталнинг таркибий қисми билан боғлиқ рисклар.**

Бу рисклар пассивларнинг таркибий қисми ва ишбилармонлик рисқи билан боғлиқдир.

Тижорат банкнинг кредит рискларини бошқариш жараёнида бир нечта умумий характерловчи босқичларга ажратилади:

- банкнинг кредит сиёсатининг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш;
- маъмурий ечимларни қабул қилиш тизимини ва кредит рискинни бошқариш маъмурий таркибинини ташкил этиш;
- қарздорнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;
- қарздорнинг кредитлаш тарихини, унинг алоқаларини аниқлаш;
- кредит шартномасини ишлаб чиқиш ва имзолаш;
- кредитларнинг қайтарилмаслик рискинни таҳлил қилиш;
- барча ссудалар портфели бўйича қарздорнинг кредит мониторингини йўлга қўйиш ва узлуклаштириш;
- муддати ўтган ва шубҳали кредитларни қайтариш ва гаровни сотиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

### **Назорат саволлари:**

1. Банк рисклари моҳияти нимадан иборат?
2. Банк рискларининг қандай турлари мавжуд?
3. Банк рискларини бошқаришнинг қандай усулларини биласиз?
4. Халқаро амалиётда кредит рискинни бошқаришда қандай усуллардан фойдаланилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.
2. “Moody’s defines default as any missed or delayed payment, or distressed exchange diminishing the obligation or having the apparent purpose of helping the issuer avoid default” (Felsenheimer J., Gisdakis P., Zaiser M. “Active Credit Portfolio Management”, Wiley-VCH, 2006. – с. 126).
3. “S&P defines default as the first missed payment of principle or interest on debt” // Felsenheimer J., Gisdakis P., Zaiser M. “Active Credit Portfolio Management”, Wiley-VCH, 2006. – с. 126.
4. Basel Committee on Banking Supervision: Credit Risk Modeling: Current Practices and Application. Publication № 49. 1999.
5. John C. Hull. Risk management and financial institutions. New Jersey: Pearson Education, Inc., 2007. –500 p.
6. Sh.Hefferman. Modern banking. London: John Wiley & Sons Ltd, 2005. – 716 p.

### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.bis.org> – Basel Committee on Banking Supervision.
2. <http://www.federalreserve.gov> – АҚШ Федерал заҳира тизими веб саҳифаси.
3. <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб



саҳифаси.

4. <http://www.press-service.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати веб саҳифаси.

5. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитаси веб саҳифаси.

## 2-Мавзу. Банкларда рискларни бошқаришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари ва халқаро меъёрлари.

### СЕМИНАР-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТИ УЧУН РЕЖА-ТОПШИРИҚ

#### **Муҳокама учун саволлар**

1. Захира капитали, очик валюта позицияси, ёпик валюта позицияси,
2. Капитал етарлилиги, қарорлар қабул қилиш.
3. Базель 1, Базель 2, Базель 3.
4. Банк рискларини бошқариш бўйича меъёрий хужжатлар.

**Машғулот мақсади:** Банк фаолиятида рисклар ва уларнинг бошқариш бўйича меъёрий хужжатларни ўрганиш, халқаро меъёрлар бўйича амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

#### **Ўқув фаолияти натижалари:**

##### **Тингловчилар биладилар:**

- ✓ банк фаолиятидаги рискларни бошқариш бўйича меъёрий хужжатларни;
- ✓ халқаро меъёрларни тушуниш;

##### **Тингловчилар удралайдилар:**

- ✓ банк фаолиятидаги рискларни турларини;
- ✓ банк фаолиятидаги рискларини баҳолашни;
- ✓ банк рискларини бошқаришда қарорлар қабул қилишни.



#### **МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:**

**Топшириқ 1.** Банк фаолиятидаги рискларни аниқлаш ва бошқариш.

**Иш мазмуни:** Бир қарз олувчи, бир-бирига дахлдор қарз олувчилар, захира, очик валюта позицияси, ёпик валюта позицияси, капитал етарлилиги, қарорлар қабул қилиш, Базель 1, Базель 2, Базель 3.

### 3 – Амалий машғулот

**Тижорат банкларида риск-менежментни ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари.**

Маълумки, тижорат банкларида риск-менежментни ташкил этиш

Марказий банк томонидан қўйилган талаблар, шунингдек, ҳар бир тижорат банкининг Кенгаши томонидан белгиланган риск сиёсати асосида амалга оширилади.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг (1995 йил 21 декабрь) 52-моддасига мувофиқ, Марказий банк томонидан турли рискларни чегаралаш мақсадида банклар учун мажбурий бўлган нормативлар белгиланади<sup>33</sup>. Хусусан, Марказий банк:

– бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;

– йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;

– активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек бундай таснифлар асосида банкнинг операцион харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган захираларни шакллантиришни;

– қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисобварағига киритишга доир талабларни белгилайди.

Бундан ташқари, республикамизда тижорат банклари фаолиятидаги рискларни бошқаришга нисбатан минимал талаблар Марказий банк Бошқаруви томонидан 2011 йил 7 майда 14/2 – сонли қарор билан тасдиқланган “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомда ифодаланган.

Ушбу низомга мувофиқ, банк рискларини бошқариш банк ўз фаолиятини юритиши ва банк операцияларини ўтказишида пайдо бўлиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш, камайтириш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи сифатида эътироф этилган.

Банк фаолиятидаги рискларни бошқариш қуйидаги асосий мақсадларни кўзда тутиши зарур:

– банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш;

– банк рискларини камайтириш, бартараф этиш ва олдини олиш;

– банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлаш.

Айни пайтда, банк рискларини бошқаришда тижорат банкдан қуйидагилар талаб этилади:

– банк фаолияти ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган рискларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш;

– банк рискларини бошқариш вазифалари юкланган таркибий бўлинмани ташкил этиш;

– банк рискларини бошқариш бўлинмасини тажрибали ва малакали мутахассислар билан таъминлаш;

---

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тўплами.– Т.: Ўзбекистон, 2011. – 25 б.

– банк янги хизматларни жорий қилишда, йирик битимларни тузишда, хорижий молия институтлари билан алоқалар ўрнатишда, инвестициялар киритишда, хорижий валютадаги маблағларни активларга жойлаштиришда, янги ходимларни ишга қабул қилишда банк рискларини бошқариш бўлинмаси билан келишувни амалга ошириш.

Бундан ташқари, банк рискларини бошқариш бўлинма қуйидаги вазифаларни бажариши зарур:

– банк фаолиятида учраши мумкин бўлган барча рисклар рўйхатини юритиш, уларнинг юзага келиш омилларини ўрганиш ва мониторинг қилиш ҳамда рискларни бошқариш бўйича барча чораларни кўриш;

– банк рискларини баҳолаш;

– банк фаолиятида банк рискларини бошқариш борасида қабул қилиниши лозим бўлган чоралар, талаблар ва меъёрларни банк Бошқаруви органи муҳокамасига киритиш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан банк рискларини қоплаш учун захираларни шакллантириш юзасидан чоралар кўриш;

– банк хизматлари ва операцияларини амалга ошириш бўйича банкнинг ички ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишда ва банк ходимларининг лавозим мажбуриятларини белгилашда қатнашиш;

– жорий қилинаётган янги банк хизматлари ва операциялари, битимлар юзасидан таклифлар тайёрлаш;

– банк хизматларини кўрсатиш ва операцияларини амалга ошириш тартибларини такомиллаштириш;

– банк кредит (инвестиция) портфелини кредит (инвестиция) тури, қарздор (эмитент)нинг иқтисодий тармоғи, ҳудуди, кредит таъминоти, мақсади, фоизи ва ундириш муддатлари бўйича алоҳида-алоҳида мониторинг ўрнатиш ва уларни таҳлил қилиш;

– муаммоли кредитларни, уларнинг иқтисодийнинг қайси соҳасига тегишлилигини, муаммога айланганлик сабабини, ушбу кредитларни ажратиш ва мониторинг қилиш жараёнларини ўрганиш натижасида тегишли хулосалар қилиш ва таклифлар тайёрлаш;

– кредит рискин аниқлаш ва олдини олиш мақсадида кредит олган шахслар бўйича маълумотларни умумлаштириш ва тегишли хулосалар қилиш;

– банк ахборотлари базасига рухсатсиз киришдан ишончли ҳимоялашни таъминловчи дастурларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этиш;

– банк ходимлари томонидан банк хизматларини кўрсатишда ва банк операцияларини амалга оширишда ўз лавозим мажбуриятлари ва вазифаларига ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилинишини таъминлаш юзасидан чоралар кўриш;

– банкнинг молиявий ҳолатини, ликвидлилигини стресс-тестдан ўтказиш ва миқдорларни скоринг таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш ва уларнинг қўлланилишини таъминлаш;

– банкда амалга оширилиши мумкин бўлган барча хизмат (омонат ва кредит) турлари ва операциялар рўйхатини юритиш;

– жаҳондаги молия ва иқтисодий соҳаларда, шу жумладан миллий иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларни ўрганиш, кузатиш ва лозим бўлса таклифлар тайёрлаш;

– банк менежменти ва технологиялари, шу жумладан банк рискларини бошқариш бўйича халқаро ва хорижий банклар тажрибаларини ва бу борада янгиликларни ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш;

– ҳар ярим йилда, банк Бошқаруви ва банк Кенгашининг рискларни назорат қилиш Қўмитаси йиғилишларида муҳокама қилиш учун банк рискларини бошқариш борасида олиб борилаётган ишлар натижалари бўйича ҳисоботлар бериш.

Бундан кўриш мумкинки, юқоридаги Низомда банкларда риск-менежментни ташкил қилиш бўйича умумий талаб ва вазифалар келтирилган.

Энди тижорат банклари фаолиятидаги алоҳида риск турлари бўйича норматив талабларни кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 2 ноябрда тасдиқланган 421-сонли “Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга нисбатан минимал талаблар белгиланган. Таъкидлаш жоизки, банкларда етарли ликвидликни таъминлаш зарурати фойда олишга бўлган интилишни мувозанатда сақлаб туриши ва тижорат банки ҳеч қачон даромадлилик ҳисобига ликвидликни суиистеъмол қилмаслиги зарур.

Мазкур Низомга биноан, тижорат банклари жорий ликвидлик коэффицентининг талаб қилинган даражасини таъминлаши зарур. Бунда жорий ликвидлик коэффиценти ликвидли активлар ва сўндириш муддати 30 кунгача бўлган бошқа активларнинг талаб қилиб олингунча ва сўндириш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятларга нисбати кўринишида аниқланади. Ушбу коэффицентнинг минимал даражаси 30 фоизни ташкил этади.

Айни пайтда, тижорат банклари юқоридаги низом асосида ликвидликни самарали бошқариш сиёсатини ишлаб чиқади ва бунда белгиланган меъёрларга риоя қилади.

Тижорат банклари ликвидликни бошқариш бўйича қарорларни қабул қилишда жорий ликвидлик ҳолати, ресурсларга бўлган талаб ўзгариб туришидаги мавсумий хусусиятлар, ресурсларга бўлган талабнинг кутилаётган ўзгаришлари, ресурс манбалари ва уларнинг қиймати, активлар сифати, банкнинг умумий молиявий ҳолати, балансдан ташқари мажбуриятлар ва шартномалар, жумладан, ишлатилмаётган кредит линиялари, аккредитивлар, қимматли қоғозлар ва валютани сотиб олиш бўйича тузилган шартномалар каби омиллар чуқур таҳлил қилиниши зарур.

Ўзбекистонда ваколатли банклар очик валюта позицияси лимити доирасида бир-бири билан ўзаро, миждозлари билан, шунингдек, халқаро бозорларда хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш, шунингдек, ҳосила молия воситалари бўйича операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Тижорат банкларида валюта рискинни бошқаришга нисбатан талаблар

Марказий банкнинг “Очиқ валюта позициясини юритиш қоидалари”да белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг очиқ валюта позицияларига нисбатан 2005 йилнинг 31 августидан бошлаб қуйидаги чекловлар ўрнатилди:

– тижорат банкининг битта валютадаги очиқ валюта позициясининг миқдори унинг регулятив капиталининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим;

– тижорат банкининг барча валюталардаги очиқ валюта позициясининг миқдори унинг регулятив капиталининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Тижорат банкларининг очиқ валюта позициялари лимитдан ошган ҳолларда зарурий мувозанатлаштирувчи битимлар ёрдамида ўрнатилган лимит таъминланиши зарур. Айни пайтда, тижорат банклари ўз филиаллари учун мустақил равишда очиқ валюта позицияси лимитларини ўрнатишлари мумкин.

Тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискларини бошқаришни самарали ташкил қилишда Марказий банк Бошқарувининг 2000 йил 22 февралдаги 429-сон қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом алоҳида аҳамиятга эга. Унга кўра, банкнинг кредит сиёсати кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжат ҳисобланади. Бундан ташқари, кредит сиёсати тижорат банкининг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши зарур. Ушбу ҳужжатнинг нақадар муҳимлигини унинг алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқилиши ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 557-сонли “Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги Низомида тижорат банкларининг қарз олувчилар билан боғлиқ операциялардаги риск даражаси бўйича чекловлар ифодаланган. Унга мувофиқ, бир қарздорга ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига берилган кредит миқдорига қуйидаги суммалар киритилиши лозим: а) кредитнинг асосий суммаси ҳамда “кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварақларида акс эттирилган мажбуриятлар ва ҳисобланган фоизлар; б) молиялаштиришга доир барча юридик жиҳатдан боғлиқ мажбуриятлар; в) овердрафтлар; г) балансдан чиқариб ташланган барча суммалар (қарздорнинг тўлаш мажбурияти у банкрот деб эълон қилинганлиги натижасида юридик жиҳатдан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

Ушбу низомга мувофиқ, I даражали банк регулятив капиталининг 10 фоиздан ошган кредит йирик кредит сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, тижорат банклари ҳар ойда бир маротаба кредитларга доир юзага келиши мумкин бўлган барча йирик зарарлар тўғрисидаги маълумотни Марказий банкка тақдим этиши зарур.

Марказий банкнинг 1998 йил 9 ноябрдаги 242-сон “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар

бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш” Тартиби тижорат банкларининг кредит қўйилмалари таснифлаш ва улар бўйича кредит рискининг амалга ошишидан юзага келадиган зарарларни қоплаш бўйича махсус захираларни шакллантириш талабларини белгилаб беради.

Шунингдек, тартибга кўра тижорат банклари кредитлари яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз кредитларга ажратилади. Шунга мос равишда мазкур кредитлар бўйича захиралар кредит миқдорининг 0, 10, 25, 50 ва 100 фоизи миқдорида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2011 йил 10 сентябрдаги 26/1-сонли қарори 2011 йилнинг 2 октябридан бошлаб кучга кирди.

Ушбу қарорга кўра Марказий банкнинг “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби”га қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди:

– Марказий банкда тижорат банки активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираланадиган мажбурий захира депозити ташкил қилинди ҳамда ушбу мажбурий захира депозитига тижорат банклари ўз активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши шакллантирилган махсус захиралар суммасига тенг миқдордаги маблағларни вакиллик ҳисобварақларидан ўтказиб бориш талаби қўйилди;

– мажбурий захира депозитига ўтказилиши лозим бўлган маблағлар миқдори ҳар ойнинг 10, 20-саналари ва ой якуни бўйича шакллантирилган активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захира суммасидан келиб чиқиб қайта ҳисоб-китоб қилинади;

– ҳисоб-китоб натижаларига кўра, уч иш куни мобайнида тижорат банклари махсус захиралар суммасига етмаётган миқдордаги маблағларни мажбурий захира депозитига ўтказиши ёки тижорат банкларининг асосланган мурожаатига кўра Марказий банк томонидан ортиқча маблағлар банкларга қайтарилади;

– шартнома муддатида тўланмаган ва график бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича оралиқ тўловлар 180 кундан кечиктирилган барча кредитлар “умидсиз” сифатида таснифланади. Бундан ташқари, суд жараёнидаги активлар, қарздорнинг молиявий ҳолати ёмонлиги ва тўловга қобилиятсизлиги сабабли тўлов муддати узайтирилган активлар ҳамда банк фаолиятида фойдаланилмайдиган, муаммоли кредитларни қоплаш учун олинган мулклар, улар банк балансига олинган кундан бошлаб уч ой муддатда сотилмаган активлар ҳам “умидсиз” сифатида таснифланади;

– агар тижорат банклари юқорида келтирилган талабларига амал қилмаган тақдирда, Марказий банк мажбурий захира депозитига ўтказилиши

лозим бўлган маблағларни банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидан ундириб олади ва банкка нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг 53-моддасига мувофиқ тегишли чора ва санкцияларни қўллайди.

2000 йил 24 июнда қабул қилинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги 472-сонли Низом республикамиз тижорат банклари корпоратив бошқарувига нисбатан талабларни белгилаб берувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда тижорат банклари бошқарувида акциядорлар ва банк бошқарувининг роли, банк кенгашининг умумий мажбуриятлари белгиланган. Ушбу низомга кўра, корпоратив бошқарув тижорат банки фаолиятини бошқаришда Кенгаш аъзолари ва бошқа раҳбар ходимлар томонидан амалга ошириладиган асосий фаолият ҳамда қоидалар мажмуасини ифодалайди. Шу билан бирга, корпоратив бошқарув концепциясида бизнес юритиш этикасининг андозалари ва акциядорларга бўлган муносабатларда масъулият ҳисси ҳамда банк фаолият кўрсатаётган жамият талабларини эътиборга олиниши кўрсатилган.

#### 4 – Амалий машғулот

**Банк фаолиятида рискларни баҳолаш механизми, бошқариш бўйича халқаро талаблар ва уларни Ўзбекистонда қўллаш шарт-шароитлари. Рискларни бартараф этишга қаратилган қарорларни қабул қилиш.**

Маълумки, банк фаолиятидаги рискларни баҳолаш ва бошқариш бўйича халқаро талаблар “Базель-II” ҳужжатида белгиланган. Унга мувофиқ, банк капитали етарлилигининг белгиланган меъёрини бажаришга бўлган қўшимча талабларнинг зарурлиги, кредит ташкилотлари томонидан рисклар назорати ва ички назорат тизимларини такомиллаштириш ва маълумотларни очиш соҳасида тавсияномалар қўлланилиши билан юзага келган.

Иккала масала ҳам банк ҳамжамияти учун янги эмас, лекин “Базель-II” да биринчи марта банклар назорат жараёни ва ҳисобдорлигини ташкил қилиш ва тўлдиришга бўлган асосий тамойиллар ва ёндашувлар қўллаш учун бир бутун қилиб тўпланган, умумлаштирилган ва тақдим қилинган.

Базель-II нинг иккинчи компонентини умумий қилиб тавсифлаганда, биринчи навбатда, ҳужжатни ишлаб чиқувчилар томонидан қўйилган асосий муаммоларда тўхталиб ўтишни истар эдик. Шартли равишда ушбу бўлимни иккита ўзаро боғланган қисмларга бўлиш мумкин: биринчиси – назорат идоралари томонидан кредит ташкилотлари устидан назорат функцияларини амалга ошириш, иккинчиси – рискларни бошқариш (шу жумладан, ҳисобдорликнинг оидинлик масалалари), ҳамда банк (носавдо) портфели, стресс-тестлаш қисмидаги кредит rischi, қарздор дефолтини, операцион riskни, секьюритизациялашни аниқлашнинг молиявий воситаларига нисбатан фоизли riskни изоҳлашга тааллуқли бўлган тавсиялар. Бошқа сўз билан айтганда, кредит ташкилоти томонидан рискларни бошқариш қисмида иккинчи

компонент (таркибий қисм) “Базель-II” нинг биринчи компонентида тўхталиб ўтмаган масалаларни ўз ичига олади.

Иккинчи компонентда баён этилмаган муаммолар рўйхатининг ўзи, назорат жараёнининг фақат банкларда рискларни қоплаш учун ўз маблағлари (капитали) етарлилигининг мавжудлигини кафолатлаш учун эмас, балки кредит ташкилотларини рисклар мониторинги ва бошқаришнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқишга ва қўллашга рағбатлантириш учун муҳимлигидан далолат беради. Унинг устига, назорат кредит ташкилотлари раҳбариятининг, ўз маблағлари (капитали) ни баҳолашнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, ҳамда унинг рискининг у ёки бу турини ўзида сақлайдиган банк операциялари хусусияти ва ҳажми билан умумий ўлчовли даражасини аниқлаш учун жавобгарлигини киритишни назарда тутади.

Назорат идорасининг бевосита функцияси – банкларнинг рискларини қоплаш учун ўз маблағлари (капитали) га бўлган талабларни мувофиқ равишда аниқлаш, ва зарур бўлганда мазкур жараёнга аралашиб қобилятини баҳолашдир. “Базель-II” нинг усулларига мувофиқ, бенуқсон модель бўлиб, назорат идораларининг кредит ташкилотлари билан мазкур соҳада фаол музокараларини қўллаб-қувватлаш мақсадидаги мустаҳкам алоқалари ҳисобланади. Бундай иш, камчиликлар аниқланганда тезкор ҳаракат қилиш ва рискларни камайтириш ёки ўз маблағлари (капитали) ни қўпайтириш зарур бўлган ҳолда фаол чоралар қабул қилишга имконият беради.

Банклар, ўз фаолиятининг у ёки бу турларига хос бўлган рисклар хусусиятини ҳисобга олиб, ўз маблағлари (капитали) етарлилигини баҳолаш тадбирларини, ҳамда рискларни қоплаш учун зарур бўлган даражада қўллаб-қувватлаш стратегиясини ишлаб чиқишлари лозим.

“Базель-II” га мувофиқ, қуйидаги ташкил этувчи ҳолатларга таяниб, рискларни бошқариш жараёнини барпо этишни бажариш тавсия этилади:

- директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) томонидан назорат;
- ўз маблағлари (капитали) зарур қийматининг баҳоланишини асослаш;
- рискларнинг ҳар томонлама баҳоси;
- мониторинг ва ҳисобдорлик;
- ички назорат тизимини барпо этиш ва такомиллаштириш.

Кредит ташкилотида рискларни бошқаришнинг самарали тизимини ташкил қилиш, маъқул бўлган даражада, яъни кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигига ҳамда унинг кредиторлари ва омонатчиларига хавф солмайдиган рискларни чеклашга имкон беради, ва бу билан, кредит ташкилотининг барқарорлиги ва ишончилигига кўмаклашади.

Одатда, кредит ташкилоти директорлар кенгаши (кузатув кенгаши)нинг ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

- ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилигини баҳолаш соҳасида стратегия ва сиёсатни тасдиқлаш;

- у ёки бу турдаги рискни бошқариш стратегияси ва сиёсатини тасдиқлаш, шу жумладан (одатда, бир йилда камида бир марта) тасдиқланган стратегия ва сиёсатни тафтиш қилиш. Стратегияни қайта кўриб чиқиш суръати,



бозор, молиявий ва(ёки) бошқа омиллари сезиларли ўзгаришларининг вужудга келиш суръатига ва кредит ташкилоти фаолиятининг шартларига боғлиқ;

- кредит ташкилотида рисклар самарали бошқарилишини таъминлайдиган бўлинмани ташкил қилиш, шунингдек, рисклар бошқарилишини амалга оширувчи тузилмани бўлинмалар ва масъул шахсларнинг ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаш, ҳамда ҳисоботларни тузиш ва уларни директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) га тақдим қилиш тизимини тасдиқлаш;

- бутун кредит ташкилоти учун рисклари бўлган молиявий воситалар билан ўтказиладиган барча операциялар бўйича аниқланадиган рискларнинг умумий чегаравий рухсат этилган миқдори (лимити) ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Назорат идораси кредит ташкилотлари томонидан ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилигини аниқлашнинг мувофиқлигини, мазкур соҳадаги стратегияни текшириш ва баҳолаш, ҳамда кредит ташкилотининг ўз маблағлари (капитали)нинг белгиланган меъёрига риоя қилинишини таъминлаш ва мониторингини амалга ошириш қобилиятини баҳолашни ўтказишга мажбур. Банк назоратининг идоралари кредит ташкилотининг мазкур фаолият соҳасини текширишнинг қониқарсиз натижалари олинганда, зарур бўлган чораларни кўришлари шарт.

“Базель-II” нинг иккинчи тамойилига катта эътибор берилди, текширишларни (дистанцион ёки жойларда) назорат жараёнининг асоси сифатида, банк билан музокарани кўриб чиқиш шартларида.

“Базель-II”га мувофиқ, назорат идораларига мунтазам асосда текширишларни ўтказиш тавсия қилинади, банкнинг ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилиги даражаси, унинг “сифати”, унинг етарлилик даражасига таъсир қилувчи рискларни ўзига олган операциялар ҳажми, ушбу рискларнинг бутун диапазонини қамраб олиб, баҳолаган ҳолда.

Тахмин бўйича, назорат идоралари банк томонидан ўтказиладиган таъсирчанлик ва стресс-тестлар натижаларини кўриб чиқадилар ва уларнинг, банк учун зарур бўлган ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилиги даражасини сақлаб туришга таъсирини аниқлайдилар.

Бу ҳолда текширувлар қуйида санаб ўтилган ҳаракатларнинг ҳар қайсисини қўшиб ишлатишлари мумкин:

- жойлардаги текширув;
- дистанцион (масофадаги) текширув;
- кундалик муаммоларни банк раҳбарияти билан биргаликда муҳокама қилиш;
- ташқи аудитор хулосасини текшириш;
- даврий ҳисобдорликни таҳлил қилиш.

Банклар томонидан иккинчи тамойил талабларига риоя қилиш учун, капиталга ва рисклар даражасига бўлган талабларни ҳисоблаш учун қўлланиладиган ички услубиятларнинг хусусиятлари очилиши керак.

Иккинчи компонентда баён этилган ўзаро боғлиқ хусусият, ўтказилган

текширувларнинг қониқарсиз тавсифи 3 ва 4 тамойилларда таклиф қилинган чоралар қабул қилинишига сабаб бўлишини тақозо этади.

Кредит ташкилотлари банклардан ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилиги даражасини белгиланган меъёрлардан ортиқ миқдорда қувватлашлари, банкларнинг назорат идоралари эса буни банклардан талаб қилиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Мазкур тамойилнинг талаблари, кредит ташкилотнинг ўз маблағлари (капитали)нинг миқдори, “Базель-II” нинг биринчи компоненти негизидаги ҳисоблаш алгоритмига мувофиқ, унинг энг кам миқдоргача пасайиши имкониятини назарда тутишлари зарурлигига асосланган.

Шу билан бирга, рискларни бошқаришнинг ички тизимлари қониқарсиз аҳволда бўлган банкларга нисбатан, “Базель-II” назорат идораси учун ўз маблағлари (капитали)нинг етарлилиги коэффицентининг минимал даражасини ошириш ҳуқуқини, ёки ҳужжатнинг атамаларига асосланган ҳолда, баъзи бир буфер захираси барпо этилишини назарда тутди. Бу ҳолда назорат идоралари ўз ихтиёрларида банкнинг ўз маблағлари (капитали) етарлилигини бошқаришнинг турли хил усулларига эга бўлади. Улар орасида, банкнинг капиталлаштириш даражасини энг кам ўрнатилган даражадан юқори бўлишини таъминлайдиган, етарлиликнинг яқка тартибдаги коэффицентларини ўрнатиш сингари чорадан фойдаланишга рухсат берилади.

Банк назоратининг идоралари, ўз маблағлари (капитали)нинг белгиланган меъёридан камайиб кетиш хавфи вужудга келган кредит ташкилотининг фаолиятига аралашувни амалга оширишлари ва аҳволни тузатиш бўйича тезкор чораларни қабул қилишга мажбурлар.

Кўриб чиқиладиган вазиятда назорат идорасига бир қатор чораларни кўриш лозим, шу жумладан:

- кредит ташкилоти устидан назоратни кучайтириш;
- акциядорларга дивидендлар тўланишини чеклаш;
- ўз маблағлари (капитали)нинг миқдорини тиклаш бўйича тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш тўғрисида банкка талаб қўйиш.

Бунда “Базель-II” да рисклар устидан ички назоратнинг тизимлари ва механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳаракатларни, ўз маблағлари (капитали)нинг миқдори кўпайиши билан уларни камайтириш мақсадида, қўшиш имконияти кўриб чиқилади, шу жумладан, уларнинг вақтинча ошириш варианты назарда тутилади.

Хулоса қилиб, иккинчи компонентнинг тавсияномалари тўғрисида қуйидагиларни таъкидлашни истар эдик: кредит ташкилотларига бўлган талаблардан баъзиларининг қатъийлигида, “Базель-II” назорат идоралари томонидан банк ҳамжамияти олдида очиклик ва ҳисобдорлик тамойилларига риоя қилиниши зарурлиги тўғрисида ҳам қатъий талабни кўяди.

“Базель-II” га мувофиқ, назорат идоралари, кредит ташкилотларининг ўз маблағлари (капитали) етарлиликнинг ички банк баҳоларини текширишда қўллашни мўлжаллаётган мезонлар хусусида ошкоралик тамойилидан фойдаланиб, ўз мажбуриятларини очик ва ҳисобот топширган ҳолда бажаришга

интилишлари зарур. Мазкур ҳолат, ўз маблағлари (капитали) етарлилиги коэффицентини мақсадли оширишда (минимал ўрнатилган миқдордан ошадиган, унинг яқка тартибдаги қийматларини аниқлашда) ҳисобга олинадиган омиллар жамоатчиликка ошқора этилиши лозимлигини белгилайдиган вазиятни мустаҳкамлаши шарт. Кўпгина экспертлар капитал тўғрисидаги Базель битимини, ёки “Базель-II”ни – банк иши ва назоратини янги ташкил қилиниши ва унинг ривожланиши янги босқичи билан таққосламоқдалар. Ҳужжат чуқур ўзгаришларни, рискларни сифатини бошқаришга таъсир кўрсатиш қобилиятини ва шунга мувофиқ равишда молиявий тизим барқарорлигини мустаҳкамлашга қодирлигини ўз ичига олади. Шунга қарамасдан, Базель қўмитаси тан оладиги, ушбу ҳужжат маҳаллий ва тизимли банк инқирозлари учун даво бўла олмайди. Ҳужжат, кузатув, банкларни юқори маҳорат билан бошқариш ва бозор интизоми билан биргаликда асосланган, банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши концепциясини акс эттиради. Бунда асосий эътибор банк фаолияти рискларини баҳолаш тартибини назорат қилишга қаратилган. Назорат ролининг ва унинг фаолияти хусусиятининг ўзгариши: қатъий маъмурий бошқаришдан, рискка қаратилган банк назоратигача бўлади. Битим банк назорати идораларига қаратилган бўлиб, рискларни баҳолаш услубияти ва билимларни бошқаришнинг моҳиятини англаши керак. Тижорат банклари турли рағбатлантиришлар асосида, уларнинг назоратини кузатиш жараёнида қатнашадилар. Шундай қилиб, назорат идоралари ва тижорат банклари биргаликда молиявий барқарорликни таъминлашда қатнашадилар.

“Базель-II” ни амалиётга жорий этиш учун Базель қўмитаси муайян мамлакатда “Базель-II” киритиш заруриятини аниқлаши зарур, Халқаро валюта фонди ёрдамида вариантлар танлашда ва муддатларни аниқлашда миллий назорат идораларига кўплаб ҳуқуқ ва ваколатлар берилади.

“Базель-II” ни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва таваккалчиликларга қарамасдан, ушбу ҳужжатнинг талаблари – меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш, кредит муассасалари орасида рақобатни оширишни таъминлайди. Бундан ташқари, банклар ва назорат идораларига мазкур ҳужжат банк секторининг юқори барқарорлиги ва самарадорлиги қандай таъминланлаш йўллари кўрсатади.

### **Назорат саволлари:**

1. Тижорат банкларида рискларни бошқариш бўйича қандай меъёрий ҳужжатлар мавжуд?

2. Банк фаолиятида рискларни баҳолаш механизми, бошқариш бўйича халқаро талаблар моҳиятини тушунтириб беринг.

3. Базель-1, Базель-2 ва Базель-3 тавсиялари, уларнинг фарқлари нималардан иборат?

4. Халқаро талабларни Ўзбекистонда қўллаш шарт-шароитлари ва имкониятлари қандай?

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

### **Махсус адабиётлар**

1. Joel Bessis. Risk management in banking. Fourth edition: John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.
2. “Moody’s defines default as any missed or delayed payment, or distressed exchange diminishing the obligation or having the apparent purpose of helping the issuer avoid default” (Felsenheimer J., Gisdakis P., Zaiser M. “Active Credit Portfolio Management”, Wiley-VCH, 2006. – с. 126).
3. John C. Hull. Risk management and financial institutions. New Jersey: Pearson Education, Inc., 2007. –500 p.
4. Sh.Hefferman. Modern banking. London: John Wiley & Sons Ltd, 2005. – 716 p.

### **Интернет ресурслари**

1. <http://www.bis.org> – Basel Committee on Banking Supervision.
2. <http://www.federalreserve.gov> – АҚШ Федерал захира тизими веб саҳифаси.
3. <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб саҳифаси.
4. <http://www.press-service.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати веб саҳифаси.
5. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитаси веб саҳифаси.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Вазифа №1

Қуйидаги жадвалда тижорат банклари баланс маълумотлари келтирилган.

Кўрсаткичлар	Тижорат банклари					
	Ўз Р ТИФ Миллий Банки			АТБ "Агробанк"		
	миқдори, (млн.сўм)	салмоғи, фоизда	жами банк капитал идаги улуши, фоизда	миқдори, (млн, сўм)	салмоғ, фоизда	жами банк капитал- идаги улуши, фоизда
I даражали капитали						
Устав капитали	22 386			50 000		
Қўшилган капитали	0			1 444		
Капитал захиралар	18 082			52 493		
Девалвация захираси	503 705			0		
Тақсимланмага н фойда	67 080			16 404		
Жами:						
II даражали капитал						
Жорий йилнинг соф фойдаси	30 388			10 499		
Қарт баҳолаш захираси	3 875			394		
Субординар қарз	0			0		
Жами:						
<b>Регулятив капитал</b>	645 776			131 233		

Аниқланг:

1. Тижорат банклари капитали таркиби ва динамикасига тавсиф беринг.
2. Тижорат банкларидаги жами I- даражали ва II- даражали капитал миқдорини ва улушини ҳисобланг.
3. Банкнинг жами ва регулятив капиталини аниқланг.
4. Умумий хулоса беринг.

### Вазифа №2

Маер Амшел Ротшилд Ротшилд банкирлари сулоласи асосчиси ва машхур немис банкири бўлиб инсоният таърихидаги энг бадавлат оила саналади. Уни

баъзи бир манбаларда Халқаро молиячиларнинг отаси деб билишади, шунингдек ҳамма вақтнинг энг буюк йигирмата бизнесменларнинг ичидан 2005-йилдаги кўрсаткичларга биноан Форбес оммабоп журналида 7- ўринни эгаллаган.

Маер Амшел Ротшилд 1744-йилнинг кишида Майндаги Франкфуртдаги келиб чиқиши яхудий миллатига мансуб Амшел Моисей Ротшилд (1755-йилда вафот этган) ва Шонче Ротшилдлар оиласининг саккизинчи фарзанди бўлиб дунёга келган. Ротшилдлар авлоди аслида бу исмни 1577-йилдан бери давом эттиришади ва биринчилардан бўлиб бу номни Изаак Элчанан Ротшилд ўзининг исмига қўшиб олган. Бу ҳолатга унинг уйи Жуденгассе пештоқида битилган Зум Ротен Шилд деган сўзларга бўлган қизиқиш сабаб бўлган. Кейинчалик набиралари унинг шарафига бу фамилияни ўз наслдошлар орасида давом эттириб келишади ва 1664-йилда Ротшилдлар оиласи бошқа Жуденгассе – Хинтерпфанн номли уйга кўчиб ўтишган, шунингдек ушбу хонадон Ротшилдларнинг фикрича, 19-асрнинг бошига қадар оилавий бизнесни ривожлантирган уй деб ҳисоблашган. Маернинг отаси валюталар айирбошлаш ва савдогарлик бизнесига эга бўлган ҳамда ўша даврларда шахзода Гессеннинг шахсий танга бўйича ҳомийси бўлган. Оилавий уйлари эса, унинг отаси барпо этган дўконнинг устки қисмида жойлашган бўлиб, энига уйнинг ҳажми 3.4 метрни ташкил этган. Лекин уйнинг торлигига қарамасдан ўша даврда ушбу хонадонда 30 кишидан ортиқ одам яшаган.

#### **Мухокама учун саволлар:**

1. Нима деб ўйлайсиз, банкларни ривожланишида банкирлар оиласининг аҳамияти мавжудми?
2. Агар сиз ҳам банкирлар оиласи аъзоси бўлганингизда иқтисодиётда қандай ишларни амалга оширган бўлардингиз?
3. Нима сабабдан Ротшилдлар оиласидан кредит олиш осон ҳисобланган?
4. Бошқа банкирлар оиласини биласизми?
5. Банклар оиласининг камчиликлари ва авзалликлари?

#### **Вазифа 3**

ЖТТБ-дунёда биринчи давлатлараро инвестициялар институти булиб, ХВФ билан бир вақтда 1944 йилнинг июл ойида ташкил килинган.

Жахон бозорининг ташкилий тизими раҳбар ташкилоти бўлиб Бошқарувчилар Кенгаши директорлар (ижрочи ташкилотлар) ҳисобланади.

1993 йилга қадар ЖБ аъзолари сони 176 тага этди, шунга қарамай, Банк тизимининг унча катта булмаган иқтисодиёти ва ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатлар гуруҳи бошқаради. АҚШ бунга бошчилик қилади. 1993 йилнинг 30 июлидан бошлаб банк фаолиятини «этилик» бошқаради, бу АҚШ, Франция, Япония, Германия, Буюк Британия, Италия ва Канада давлатларидир.

ЖБ Бош органи Вашингтонда жойлашган ва АҚШ ўзининг устиворлигини доим билдириб туради, лекин кейинги пайтларда Ғарбий Европа ва Япония мамлакатларининг таъсири кучаймоқда.

ЖБ президенти Америка мамлакатининг давлат раҳбарлари ёки молия тизимининг бошқарувчиларидан сақланиб келган. 1968-81 йилларда АҚШ мудофаа вазири Р.Макнамара, ундан кейин АҚШ хусусий банклар президенти О.Клаузен бўлган. 1980 йил охиридан АҚШ Конгресининг аъзоси Б.Коннейбл раҳбарлик қилган, 1990 йиллардан буён яна бу лавозимни молия бизнеси вакили Л.Крестон эгаллади.

Ўз фаолиятини эса 1946 йил июлдан бошлаган. Ҳозирги кунга келиб унинг ажратган қарзлари жами 594 млрд \$ га этди. Унинг аъзолари сони 184 тани ташкил этади.

Ҳодимлари сони 10000 дан ортиқ бўлиб дунёда 120 дан ортиқ офисига эга Банк асосан икки турдаги ссудалар ажратади:

- бири бу иқтисоий-ижтимоий ривожланишни рақбатлантириш мақсадида Инвестицион ссудалар;

- иккинчиси сиёсат ва институционал ислохотларни молиялаштириш мақсадида Ривожланиш сиёсати қарзларидир.

Ўзбекистон Жаҳон банкига 1992 йил 21 сентябрда аъзо бўлди, унинг олдидаги мажбуриятлари бажариш учун 12,1 млн. АҚШ доллари миқдорда бадал тўлади.

Жаҳон банки 1993 йили Тошкентда ўз ваколатхонасини очди ва унинг Ўзбекистондаги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга молиявий жиҳатдан кўмак бериш;

- Бозор структурасининг шаклланишида техник ёрдам кўрсатиш;

- Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш

Жаҳон банки гуруҳининг Бошқарувчилар кенгаши 06.12.11да банкнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишининг янги стратегиясини қабул қилди. Ушбу стратегия Жаҳон банкининг 2012-2015 – йиллардаги Ўзбекистондаги фаолияти бўйича бош дастур бўлиб хизмат қилади.

Ушбу йиллар давомида банк Ўзбекистонга 1,3 миллиард доллар миқдорда молиявий пакетни тақдим қилиб, унинг ичига Жаҳон банки гуруҳи таркибига кирувчи Халқаро ривожланиш ассоциациясининг (International Development Association) имтиёзли кредитлари ва Халқаро тараққиёт ва тикланиш банкнинг (International Bank for Reconstruction and Development) қарзлари киради.

Янги стратегияни амалга оширишда 2008-2011 – йиллар давомида амалга оширилган олдинги стратегиянинг ижобий тажрибаларидан фойдаланилади, – дейди Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Такуя Камата. Ўзбекистон улкан имкониятларга эга мамлакат. Мамлакат ёшлари яхши таълимга эга – бу бебаҳо ресурс”.

### **Муҳокама учун саволлар:**

1. Жаҳон банки кредитларни қандай мамлакатларга беради?
2. Жаҳон банкининг Ўзбекистон билан алоқалари қандай ҳолатда?
3. Жаҳон банкининг авзалликлари ва камчиликлари.

4. Мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда Жаҳон банкининг ўрни қандай деб ўйлайсиз?

#### **Вазифа №4**

Ёғочни қайта ишлаш уюшмаси факторинг фирмаси билан регресс ҳуқуқи билан ҳисобларнинг олдиндан тўлови бўйича факторинг хизматидан фойдаланишга шартнома тузди. Шартномага мувофиқ рақам - фактураларнинг олдиндан тулови бўйича аванс тўлови ҳисоб миқдорининг 90% ини ташкил қилади. Факторинг хизмати учун комисион тўловлар рақамлар айланмасидан йиллик 0.75% га тенг деб белгиланди. Фирма берган баҳоси бўйича шубҳали қарзлар учун рақам айланмасидан 2.5% йиллик комисион тўлов олади. Бу фоиз ўтган йилга нисбатан кўпдир. Рақам- фактураларнинг ўртача айланиши - 45 кун. Банк кредити бўйича фоиз ставкаси - йиллик 18%.

Маҳсулот реализациясининг йиллик айланмаси – 22 млн. сўм. Ундан 60%и факторинг фирмасига келиб тушган. Маҳсулот реализацияси ҳар ойда бир текисда амалга оширилади.

#### **Топиш керак:**

1. Етказиб берувчи ва фирма ўртасидаги факторинг шартномаларини турларини айтинг. Ҳозирги пайтда шартноманинг қайси тури тузилган ва унинг асосий шартлари қандай.

2. Ушбу шартнома асосида фирма режалаштираётган фойда суммасини ҳисобланг.

3. Факторинг фирмаси рискни камайтиришнинг қайси усулини қўллашини кўрсатинг.

#### **Масалалар**

**1-масала.** Иқтисодиётнинг «қизиб кетиш» шароитларида марказий банк ҳисоб олиш ставкасини 5% дан 10% гача оширди ва номинали 100 сўм бўлган 200 минг сўм миқдоридаги векселларни қайта ҳисобга олишни таклиф этди. Мажбурий захиралар меъёри 10%ни ташкил қилган ҳолда иқтисодиётда пул массаси қандай ўзгаради?

**2-масала.** Агар мажбурий захиралар меъёри 20% бўлган ҳолда мамлакатда 500 минг сўм миқдорида пул массаси тақчиллиги кузатилаётган бўлса, марказий банкнинг фоиз ставкаси қандай ўзгариши лозим?

**3-масала.** Ҳисобга олиш ставкаси 16%дан 32%гача ўсган ва вексель номинали 200 сўм бўлган ҳолатда вексель нархи (марказий банк векселни ҳисобга оладиган нарх) қандай ўзгаради? Бунда марказий банк қайси сиёсатни амалга оширади?



**4-масала.** Агар мажбурий захиралар меъёри 5% ва вексель бозори ҳажми 600 минг сўм бўлган ҳолда марказий банк ҳисоб ставкасини 5% пасайтирадиган бўлса, иқтисодиётда пул массаси қандай ўзгаради? Бунда марказий банк қандай сиёсат юритади?

**5-масала.** Айтайлик, банк захиралари меъёри 0,25га тенг, депозитлар ҳажми нақд пул ҳажмидан икки барабар ортиқ. Марказий банк ҳисоб ставкасини пасайтириш сиёсатини юритади. Пул массасини 16 млрд сўм оширишни таъминлаш учун қанча суммада векселлар тақдим этилиши керак?

**6-масала.** Тўғри жавобларни танланг ва асослаб беринг.

“Қиммат пуллар” сиёсати юритар экан, марказий банк қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

- а) мажбурий захиралар меъёрини ошириш,
- б) ҳисоб ставкасини пасайтириш,
- в) мажбурий захиралар меъёрини пасайтириш,
- г) давлат қимматли қоғозлари даромадлилигини ошириш,
- д) ҳисоб ставкасини ошириш.

**7-масала.** Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасини ошириши нимага олиб келиши мумкин ва нима сабабдан:

- а) қимматли қоғозларга талабни ошириш,
- б) қимматли қоғозлар даромадлилигини ошириш,
- в) қимматли қоғозлар таклифини ошириш,
- г) қимматли қоғозлар даромадлилигини камайтириш.

**8-масала.** Кредит рисклари юқори бўлган шароитларда ел каби тезлик билан ўсаётган инфляцияга қарши курашиш учун марказий банк қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- а) мажбурий захиралар меъёрини ошириш,
- б) қимматли қоғозлар даромадлилигини ошириш,
- в) қайта молиялаштириш ставкасини ошириш.

**9-масала.** «Лика» МЧЖ шартноманинг амал қилиш муддати якунида йиллик 60% ставкада фоизлар ҳисоблаган ҳолда уч ой муддатга 100 млн сўм миқдорида депозит қўйилмаси очади. Шартнома муддати якунлангач, миждоз банкда оладиган пул миқдорини аниқлаш талаб қилинади.

Масалани ечиш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$BC = HC \cdot \left(1 + \frac{in}{100} \cdot n\right)$$

бу ерда

BC – фоизлар ҳисоблаб чиқилгандан кейинги бўлғуси сумма,

HC – ҳозирги пул миқдори,

$in$  – оддий фоиз ставкаси,

$n$  – йиллар сони.

*Ечим.* Маълумотларни формулага киритамиз:

$$100000000 \cdot \left(1 + \frac{60}{100} \cdot \frac{3}{12}\right) = 115000000 \text{ сум}$$

кўйилма бўйича фоиз = 115 000 000 - 100 000 000 = 15 000 000 сўм

**10-масала.** Мижоз 10 йил муддатга йиллик 50% ставкада 1000 сўм миқдорида депозит киритди. У 10 йилдан кейин банкда оладиган пул миқдорини аниқлаш талаб этилади.

**11-масала.** 1000 сўм миқдорида депозит кўйилма банкка 120 кунга 6% остида кўйилди. Мижоз 120 кундан кейин банкда оладиган пул миқдорини аниқлаш талаб этилади.

**12-масала.** 1000 сўм миқдорида депозит кўйилма банкка олти ойга 6% остида кўйилди. Мижоз олти ойдан кейин банкда оладиган пул миқдорини аниқлаш талаб этилади.

**13-масала.** Мижоз банкка саккиз ой муддатга 5% остида 15000 сўм кўйди. У қанча даромад олишини аниқлаш зарур.

**14-масала.** Банк йиллик 10% ставкада ярим йилга депозитлар қабул қилади. Банкнинг 150 минг сўм кўйилма учун тўлаган фоизларни аниқланг.

Масалани ечиш учун кўйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{ni \cdot P}{100} \quad (1)$$

бу ерда

$i$  – фоизлар миқдори,

$n$  – йиллар сони,

$P$  – фоизлар ҳисоблаб чиқиладиган сумма.

**15-масала.** 200 минг сўм миқдоридаги депозит банкка 12.03.04 й. кўйилди ва 25.12.04 й. талаб қилиб олинди. Фоиз ставкаси йиллик 80%ни

ташкил этди. Ҳисоблаб чиқиш муддатини аниқлаш усуллари ҳар хил бўлган ҳолда ҳисоблаб чиқиладиган фоизлар миқдорини аниқланг.

**16-масала.** Банк қуйидаги шартларда муддатли депозитга омонатлар қабул қилади: фоиз ставкаси 35 кун муддатга — 45%, 65 кун муддатга — 48%, 90 кун муддатга — 50%. Кўрсатилган муддатда мижознинг 10 млн сўм қуйилмасига даромадини ҳисоблаб чиқинг. Йил кабиса эмас.

**17-масала.** Фирма тижорат банкига шу йилнинг 9 ноябридан 21 ноябригача 28 млн сўм маблағ киритди. “Талаб қилиб олинадиган” қўйилмага йиллик 36% ҳисобланади. Фоизлар йилдаги тахминий кунлар сони билан оддий. Киритилган маблағга олинадиган даромадни аниқланг.

**18-масала.** Мижоз банкка шу йилнинг 14 февралидан 23 июлигача бўлган муддатга 14 млн сўм киритган (йил кабиса эмас). “Талаб қилиб олинадиган” қўйилмага банк йиллик 84% ҳисоблайди. Қуйидагилар бўйича ҳисоб-китобда оширилган суммани аниқланг:

- а) аниқ кунлар сони билан аниқ фоизлар;
- б) 360 га тенг деб қабул қилинган йилдаги кунлар ва аниқ кунлар сонидан келиб чиқиб;
- в) ойда 30 кун ва йилда 360 кун эканлигидан келиб чиқиб.

**19-масала.** Омонатчи банкка йиллик 5% остида 6.06. дан 17.09. гача 2000 сўм киритди. 17.09.да қўйилма ҳажмини аниқланг.

**20-масала.** Мижоз банкка йиллик 6% остида 4 ойга 10 000 сўм пул қўйди. Қўйилманинг оширилган қисмини аниқланг.

**Оддий ва мураккаб фоизлар.** Тижорат, кредит ва бошқа молиявий битимларда фоиз ҳисоб-китоблари кенг қўлланилади. Бунда молия ёки кредит шартномаси тузар экан, томонлар фоиз ставкаси ҳажмини – у ёки бу вақт даври: кун, ой, чорак, йил учун даромад нисбий миқдорини кўда тутадилар. Даромад ставкаси фоизларда ва ўнлик ёки натурал каср кўринишида ўлчанади (кейинги ҳолатда 1/16 ёки 1/32 аниқлик билан қайд қилинади). Келишувга кўра фоизлар ҳисоблаб чиқилиши билан тўланиши ёки асосий қарз суммасига қўшиб борилиши мумкин, яъни фоизларнинг капиталлашуви рўй беради ва фоизлар қўшиб олиш ҳисобига пул миқдорининг ўсиш жараёни *суммаини ошириши* (унинг ўсиши) деб аталади.

Шартнома шартларидан келиб чиқиб, фоизлар доимий базаси асосида ҳисоблаб чиқилиши ёки аста-секинлик билан ўзгарувчан бўлиши мумкин (фоизларга фоизлар ҳисоблаб чиқилади). Доимий базада оддий фоизлар, ўзгарувчан базада эса – мураккаб фоизлар ҳисоблаб чиқилади.

Оддий фоизларни ошириш асосий формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$S = P + L = P \cdot (1 + ni)$$

бу ерда

$L$  – ссуда берилган муддат учун фоизлар,

$P$  – бошланғич қарз миқдори,

$S$  – оширилган сумма ёки давр охиридаги сумма,

$i$  – ошириш ставкаси,

$n$  – ссуда муддати.

**Мисол.** Агар ссуда миқдори 50 минг сўм, ссуда муддати 3 йил, йиллик фоиз ставкаси 22%га тенг бўлса, фоизлар ва тўпланган қарз миқдорини аниқлаш талаб қилинади.

1. Бутун муддат учун ҳисоблаб чиқилган фоизлар миқдорини аниқлаймиз:

$$L = 50 \cdot 3 \cdot 0,22 = 33 \text{ минг сўм}$$

2. Тўпланган қарз миқдорини аниқлаймиз:

$$S = 50 \text{ минг сўм} + 33 \text{ минг сўм} = 83 \text{ минг сўм.}$$

Оддий фоизларни ҳисоб-китоб қилишда тахмин қилинадики, вақт базаси ( $K$ ) қуйидагича бўлиши мумкин:  $K = 360$  (30 кундан 12 ой) ёки  $K = 365$  (366) кун. Агар  $K = 360$  кун бўлса, фоизлар оддий фоизлар деб, агар  $K=365$  ёки 366 кун (йил давомида амалдаги кунлар) бўлса – аниқ фоизлар деб аталади. Иш жараёнида кўпинча фоизларни оширишга тескари бўлган масалани ечишга, аниқроғи, белгиланган  $n$  вақт оралиғидан кейин қайтариш лозим бўлган  $S$  сумма бўйича олинган ссуда миқдорини аниқлаш. Бундай масалани ечишда считается, что  $S$  сумма дисконтланади (ҳисобга олинади), фоизларни ҳисоблаб чиқиш ва ундириш жараёни эса ҳисобга олиш деб, фоизларни ушлаб қолиш – дисконт деб ҳисобланади. Бунда жараён давомида топилган  $P$  ҳажми  $S$  суммасининг ҳозирги миқдори ҳисобланади.

Фоиз ставкасига қараб, икки хил дисконтлаш усули – математик дисконтлаш ва банк (тижорат) ҳисоби фарқланади.

Математик дисконтлашда ошириш ставкаси, банк ҳисобида эса – ҳисоб ставкаси фойдаланилади.

*Математик дисконтлаш* бу – қуйидаги масаланинг расмий ечими: белгиланган муддатдан сўнг  $i$  ставка бўйича фоизлар ҳисоблашда  $S$  сумма олиш учун қандай сумма бериш талаб қилинади.

(2) тенгламадан қуйидаги формула бўйича  $P$  миқдорини топамиз:

$$P = \frac{S}{I + ni}$$

бу ерда

$n = t/k$  – ссуда муддати, йилларда.

**Мисол.** Шартномага мувофиқ 90 кундан кейин қарз олувчи 20 минг сўм тўлаши лозим. Кредит йиллик 20% остида берилган. Бошланғич қарз миқдорини аниқлаш талаб этилади (вақт базаси 365 кунга тенг).

Қуйидаги формула бўйича:

$$P = \frac{S}{I + ni}$$

$$\text{топамиз: } P = \frac{20000}{1 + \frac{90}{365} \cdot 0.20} = 19047.62 \text{ сўм}$$

бунда  $S - P$  (Д) сумманинг дисконти ҳисобланади,

яъни  $D = 20000 \text{ сўм} - 19047,62 \text{ сўм} = 953,38 \text{ сўм}$

*Банк ҳисоби* бу – вексель ёки бошқа тўлов мажбуриятлари ҳисоби, яъни банк ёки бошқа молия муассасасининг қарз мажбуриятида белгиланган суммадан паст бўлган (дисконт билан) нархда тўлов муддати етиб келгунга қадар қимматли қоғозларни сотиб олишидир. Тўлов муддати етиб келгач, банк пул олади ва шу тариқа дисконтни сотади. Дисконт кўпайтирувчиси (дисконт ҳажми) қуйидаги формула бўйича аниқланиши мумкин:

$$P = S - Snd = S \cdot (I - nd),$$

яъни дисконт кўпайтирувчиси  $(I - nd)$  га тенг.

Оддий ҳисоб ставкаси оширилган суммани ҳисоблаб чиқишда, хусусан, берилган жорий қарз миқдорида векселда кўрсатилиши лозим бўлган суммани аниқлашда қўлланиши мумкин. Бу ҳолатда оширилган сумма қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S = P \cdot \frac{I}{I - nd}, \text{ яъни ошириш кўпайтирувчиси бу ҳолатда қуйидагига тенг}$$

бўлади:

$$I \cdot (I - nd)$$

**Мураккаб фоизлар.** Молия ва кредит амалиётида кўпинча шундай вазият юзага келадики, бунда фоизлар ҳисоблаб чиқилиши билан дарҳол тўланмайди, балки асосий қарз миқдорига қўшиб борилади (фоизлар капиталлашуви). Бу ҳолатда мураккаб фоизлар қўлланади, уларни ҳисоблаб чиқиш учун база ўзгармасдан қолмайди (оддий фоизлардан фарқли равишда), балки фоизлар ҳисоблаб чиқилиши билан ортиб боради.

Фоизлар бир йилда бир марта ҳисоблаб чиқиладиган ҳолатда оширилган суммани ҳисоб-китоб қилиш учун қуйидаги формула қўлланади:

$$S = P \cdot (1 + i)^n$$

бу ерда

$i$  – мураккаб фоизлар бўйича ошириш ставкаси.

Бу давр учун фоизлар қуйидагига тенг:

$$I = S - P = P \cdot [(1+i)^n - 1]$$

**Мисол.** Йиллик 10% мураккаб ставкада 10000 сўмга тенг бўлган қарз уч йилдан кейин қандай ҳажмга етишини аниқлаш талаб қилинади.

$$S = 20000 \cdot (1 + 0,10)^3 = 26620 \text{ сўм.}$$

Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, фоизлар одатда бир йилда бир марта эмас, балки бир неча марта (ҳар чорак, ярим йиллик ва ҳ.к.) ҳисоблаб чиқилади.

Айтайлик, фоизлар бир йилда  $m$  марта ҳисоблаб чиқилади, йиллик ставка эса  $j$ га тенг. Шундай қилиб, фоизлар ҳар сафар  $\frac{j}{m}$  ставкада ҳисоблаб чиқилади.

$j$  ставка номинал ставка деб аталади.

Бу ҳолатда ошириш формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$P \cdot \left| 1 + \frac{j}{m} \right|^N ; P \cdot \left( 1 + \frac{j}{m} \right)^N$$

бу ерда

$N$  – фоизларни ҳисоблаб чиқиш даврлари умумий сони;

$j$  – номинал йиллик ставка (ўнлик каср).

**Мисол.** Айтайлик, бундан олдинги мисолда фоизлар чорак бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бу ҳолатда  $N=12 \cdot (4 \cdot 3)$ , оширилган қарз миқдори эса қуйидагига тенг бўлади:

$$S = 20000 \cdot \left( 1 + \frac{0,10}{4} \right)^{12} = 27440 \text{ сўм}$$

Фоизлар қанчалик тез-тез ҳисоблаб чиқилса, ошириш жараёни шунчалик тезроқ рўй беради. Номинал ва самарали ҳисоб ставкаси тушунчалари мавжуд. Фараз қилайлик, дисконтлаш бир йилда  $m$  марта, яъни ҳар сафар  $f/m$  ставка бўйича амалга оширилади. Бу ҳолатда дисконтлаш формуласи қуйидаги кўринишда бўлади:

$$P = S \cdot \left( 1 - \frac{f}{m} \right)^{mn}$$

бу ерда

$f$  – номинал йиллик ҳисоб ставкаси. Самарали ҳисоб ставкаси йил учун дисконтлаш натижасини ифодалайди. Уни қуйидаги тенгликдан топиш мумкин:

$$(1-d) = \left( 1 - \frac{f}{m} \right)^m$$

демак,

$$d = 1 - \left(1 - \frac{f}{m}\right)^m$$

**Мисол.** 50 минг сўм миқдордаги қарз мажбурияти йиллик 15% мураккаб ҳисоб ставкасида дисконт билан сотилган. Тўлов муддати 5 йилдан кейин келади. Ҳар чорак дисконтлашда олинадиган суммани аниқлаш талаб этилади. Бу ҳолатда номинал ҳисоб ставкаси қуйидагига тенг бўлади:

$$f = 0,15, am = 4. P = 50000 \cdot \left(1 - \frac{0,15}{4}\right)^{20} = 23280 \text{ сўм}$$

Самарали ҳисоб ставкаси қуйидагига тенг:

$$d = 1 - \left(1 - \frac{0,15}{4}\right)^4 = 0,1418 \text{ ёки } 14,18\%$$

Оддий фоизлар

**Масала.** 20.05. йиллик 120% ставка бўйича жамғарма смети очилишида 100 минг сўм маблағ қўйилган. Сўнгра бу сётга 05.07. яна 50 минг сўм қўшимча қўйилган, 10.09. эса сётдан 75 минг сўм олинган, 20.11. сёт ёпилган. Миждоз сёт ёпилган пайтга келиб олган пул умумий миқдорини аниқланг.

**Мураккаб фоизлардан фойдаланиш.** Депозитларга фоизлар ҳисоблаб чиқишда шунингдек, мураккаб фоиз ставкалари ҳам фойдаланилиши мумкин. Бу ҳолатларда депозитни сақлаш умумий муддатининг бир қисми ҳисобланган ҳар бир ҳисоблаб чиқиш давридан кейин фоизлар тўланмайди, балки асосий суммага қўшиб борилади, демак, ҳар бир кейинги даврда фоизлар депозитнинг бошланғич миқдори ва шу даврдан олдинги даврларда ҳисоблаб чиқилган фоизлар йиғиндисига тенг бўлган суммадан келиб чиқиб ҳисобланади.

Агар фоизлар мураккаб йиллик ставка бўйича бир йилда бир марта ҳисоблаб чиқиладиган бўлса, биринчи йил якунида уларнинг миқдори қуйидагига тенг бўлади:

$$I = \frac{niP}{100}$$

бу ерда

$P$  – депозит бошланғич миқдори ( $n$  бу ҳолатда 1 га тенг деб оламиз, чунки фоизлар бир йилда бир марта ҳисоблаб чиқилади).

Биринчи йил якунида фоизлар билан биргаликда депозита миқдори қуйидагига тенг бўлади:

$$S1 = P + \frac{iP}{100} = P \cdot \left(1 + \frac{i}{100}\right)$$

Биринчи йил якунида фоизлар билан биргаликда депозита миқдори қуйидагига тенг бўлади:

$$S_2 = S_1 \cdot \left(1 + \frac{i}{100}\right)^2$$

Агар депозитни сақлаш муддати  $n$  йил бўлса, шу муддат охирида унинг фоизлар билан биргаликдаги миқдори қуйидагича бўлади:

$$S = P \cdot \left(1 + \frac{i}{100}\right)^n \quad (2)$$

Ҳисоблаб чиқилган фоизлар миқдори қуйидагига тенг бўлади:

$$I = S - P = P \cdot \left[ \left(1 + \frac{i}{100}\right)^n - 1 \right] \quad (3)$$

Депозитни сақлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда мураккаб йиллик ставка бўйича фоизлар ҳисоблаб чиқиш оддий ставка бўйича ҳисоблаб чиқишдан кўра кўпроқ сумма беради.

**Масала.** 500 минг сўм миқдоридаги депозит банкка уч йилга қўйилган. Йиллик 80%га тенг бўлган оддий ва мураккаб фоиз ставкаларининг ҳисоблаб чиқилган фоизлар миқдорини аниқланг.

**Масала.** Банк ҳар чорак омонатларга йиллик 100% номинал ставкада фоизлар ҳисоблаб чиқади. 200 минг сўм миқдордаги пулга икки йил ичида ҳисоблаб чиқилган фоизлар миқдорини аниқланг.

**Масала.** Банк омонатларга йиллик 120% мураккаб фоизлар номинал ставкаси бўйича фоизлар ҳисоблаб чиқади. Фоизларни: а) ярим йилликлар бўйича; б) ҳар чорак; в) ҳар ой ҳисоблаб чиқишда самарали йиллик фоиз ставкаси бўйича омонатлар даромадлилигини аниқлаш керак.

**Масала.** Депозит счетга йиллик 80% ставкада фоизлар ҳисоблаб чиққан ҳолда ҳар йили 500 минг сўм пул киритилади.

Агар бу миқдордаги пуллар 5 йил давомида йил бошида ва охирида киритиб бориладиган бўлса, банк счет эгасига тўлаши лозим бўлган суммани аниқланг.

**Масала.** Тижорат банкларининг пассив операциялари бу – нима?

- а) ресурслар жалб қилиш бўйича операциялар;
- б) ресурслар жойлаштириш бўйича операциялар.

### **Банк кредит портфели ва кредит сиёсати.**

**Кредит операциялари.** Кредит операциялари банклар фаолиятида асосий роль ўйнайди. Кредитлар бериладиган ставка депозитлар қабул қилинадиган ставкадан банкнинг кредит операцияларидан оладиган фоиз маржаси ҳажмида катта бўлади.



Кредитни тўлашда оддий фоиз ставкасидан фойдаланишда қуйидагига тенг бўладиган ҳисоблаб чиқилган  $I$  фоизлар билан биргаликда  $P$  кредит миқдorigа тенг бўлган қайтариладиган сумма ҳажмини бирдан аниқлаш қулай:

$$S = P + I = P + ni \cdot \frac{P}{100} = P \cdot \left(1 + \frac{ni}{100}\right) \quad (1)$$

бу ерда

$S$  – ҳисоблаб чиқилган оддий фоизлар бўйича тўлов оширилган суммаси,

$P$  – бошланғич қарз миқдори,

$I$  – фоизлар миқдори,

$i$  – фоиз ставкаси (бирлик улушларида),

$n$  – тўлиқ йиллар сони.

**1-масала.** Банк йиллик 120% оддий фоиз ставкасида ярим йил муддатга 5 млн сўм миқдорида кредит берди. Кредит миқдори ва кредит учун тўланадиган фоизларни аниқланг.

**2-масала.** Корхона икки йил муддатга йиллик 15% ставкада 100 млн сўм кредит олди, кредит муддати тугагач, у ссудани фоизлар билан қайтариб бериши лозим. Корхона қанча пул тўлаши лозим? Фоизлар оддий.

**3-масала.** Фирма бир йил муддатга йиллик 16% ставкада 300 млн сўм миқдорида кредит олди. Тўланадиган кредит миқдорини аниқланг.

**4-масала.** Ёш оила банкдан уй-жой қурилиши учун йиллик 16% оддий ставкада уч йил муддатга 60 млн сўм миқдорида ссуда олди. Кредит миқдори ва фоизларни аниқланг.

**5-масала.** Мижоз уй ой муддатга 6 млн сўм кредит олди. Қайтариш лозим бўлган кредит миқдори 7,5 млн сўм. Банк фоиз ставкасини аниқланг.

**6-масала.** Банк 500 минг сўм миқдордаги кредитни уч чорак муддатга оддий фоиз ставкасида берди, фоиз ставкаси биринчи чорак йиллик 40%ни ташкил қилди, ҳар бир кейинги чорак эса 10 фоиз пунктга ошиб борди. Тўланадиган сумма ва фоизлар миқдорини аниқланг.

**7-масала.** Банк йиллик 80% мураккаб фоизлар ставкасида беш йил муддатга 5 млн сўм миқдорида узоқ муддатли кредит берди. Кредит белгиланган муддат якунида фоизлар билан биргаликда бир марталик тўлов билан тўланиши лозим. Тўланадиган кредит миқдори ва фоизларни аниқланг.

**Ечим.**  $S = P \cdot \left(1 + \frac{i}{100}\right)^n$  формуласи бўйича

$$S = 5000000 \cdot \left(1 + \frac{80}{100}\right)^5 = 94478400 \text{ сум}$$

Олинган фоизлар миқдори қуйидагига тенг бўлади:

$$I = 94\,478\,400 - 5\,000\,000 = 89\,478\,400 \text{ сўм}$$

Кредит учун фоизларни ҳисоблаб чиқишда инфляцияни ҳисобга олиш зарур. Инфляция шароитларида кредит беришда фоиз ставкасини қуйидаги тарзда аниқлаш мумкин. Агар  $i$  оддий фоиз ставкаси билан белгиланадиган кредит операцияси реал даромадлиги берилган бўлса,  $P$  кредит миқдори учун инфляцияни ҳисобга олган ҳолда тўланадиган пул миқдори қуйидагига тенг бўларди:

$$S_r = P \cdot \left(1 + \frac{i_r}{100}\right)$$

Инфляция шароитларида бундай сумма эквиваленти қуйидагича бўлади:

$$S_\tau = S \cdot \left(1 + \frac{\tau}{100}\right) = P \cdot \left(1 + \frac{i_r}{100}\right) \cdot \left(1 + \frac{\tau}{100}\right)$$

Бошқа томондан,  $S\tau$  кўрсаткични қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$S\tau = P \cdot \left(1 + \frac{i_\tau}{100}\right)$$

бу ерда

$i_\tau$  – кредит муддати учун инфляцияни ҳисобга оладиган оддий фоиз ставкаси.

Иккита охирги ифодани тенглаштириб, қуйидагига эга бўламиз:

$$P \cdot \left(1 + \frac{i_r}{100}\right) \cdot \left(1 + \frac{\tau}{100}\right) = P \cdot \left(1 + \frac{i_\tau}{100}\right)$$

бундан кредит муддатида  $\tau$  инфляция даражасида  $i_r$  реал кредит операцияси самарадорлигини таъминлайдиган фоддий фоиз ставкаси қуйидагига тенг бўлади:

$$i_\tau = i_r + \tau + i_r \cdot \tau / 100 \quad (4)$$

Бундай ҳисоб-китоблар ўтказишда кўпинча  $i\tau = i_r + \tau$  тахминий ифодасидан фойдаланилади, бундан келиб чиқадики:

$$i_r = i_\tau - \tau$$

Демак, агар кредит  $i_r$  ставка бўйича – инфляция даражасидан паст берилган ёки кредит муддати давомида инфляция даражаси ҳисоб-китоб даражасидан баланд бўлиб чиқса, инфляцияни ҳисобга олган ҳолда кредит операциясининг реал самарадорлиги манфий бўлади (банк ҳақиқатда зарар кўради).

Банк кредит операциялари турларидан бири *ломбард кредити* ҳисобланади.

Ломбард кредити шуни англатадики, қарз олувчи олинадиган кредитни қимматли қоғозлар ёки моддий бойликлар билан таъминлаши лозим. Бунда жаҳон амалиёти қабул қилинганидек, ломбард кредити миқдори гаровга қўйилган мулк номинал қийматининг 75-80%дан ортиғини ташкил қилмаслиги лозим. Агар кредит қимматли қоғозлар билан таъминланган бўлса, унинг

миқдори ушбу қимматли қоғозлар жорий курс қийматининг 75-80%идан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Одатда ломбард кредити уч ой муддатга берилади. Бунда қарзни тўлашнинг турли вариантлари бўлиши мумкин: қарз олувчи бутун қарзни вақтида тўлаши мумкин; қарзни тўлаш муддати кейинги уч ойга чўздирилиши мумкин; қарзнинг бир қисмини тўлаши, қолган қисмини эса кейинги даврда тўлаши мумкин. Ҳисоб-китобларда бир ойдаги кунлар аниқ сони ҳисобга олинади ва бир йилда 360 кун бор деб ҳисобланади. Агар қарз олувчи кредитни ўз вақтида тўламаса, у қоидага кўра, кредитор билан тўлов кечиктирилган бутун муддат учун оширилган (жарима) фоиз ставкасида ҳисоб-китоб қилиши лозим бўлади.

**8-масала.** Мижоз банкка 16 март куни ломбард кредити олиш учун мурожаат қилди ва гаровга 150 дон қимматли қоғозлар қўйди. Қарз ҳажми бу қоғозларнинг курс қиймати 80%идан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади.

Фоиз ставкаси 9%ни ташкил қилади, қарзга хизмат кўсатиш бўйича банк харажатлари эса - 200 сўм. Агар унинг қимматли қоғозлари курси 300 сўм бўлса, банк мижози қандай миқдорда кредит олишдан умид қилиши мумкин?

**9-масала.** Фараз қилайлик, юқорида келтирилган мисолда қарз олувчи 16.06 куни қарзнинг фақат бир қисмини – 6000 сўм тўлаган ва кредитни тўлиқ қайтариш муддатини уч ойга чўздирган бўлсин. Қарзнинг қолган қисми ва у учун тўланадиган фоизлар қанча эканлиги ва умуман қарз олувчи қанча пул тўлашини аниқлаш зарур.

**10-масала.** Фараз қилайлик, юқорида келтирилган мисолда қарз олувчи 16.06, яъни ўз вақтида 15 000 сўм пул ўтказган. Бу суммани асосий қарз тўлови ва фоизларга тақсимлаб, қарзнинг қолган қисми(қарз қолдиғи)ни аниқланг.

**11-масала.** Фараз қилайлик, қарз олувчи қарзни ўз вақтида тўлай олмади. У 20.12 асосий қарзни - 5349,19 сўм ва ундан ташқари, алоҳида фоизларни тўлайди. Қарз олувчи жами қанча тўлайди ва қарз қолдиғи қанча?

Ҳисоб-китоб 20.12 ҳолатига амалга оширилади.

**12-масала.** Фараз қилайлик, қарз олувчи 11-масалада қарзни вақтида (16.03) тўламаган ва фақат 26.03 куни асосий қарзни тўлаш ва у бўйича фоизлар учун 5000 сўм ўтказган. Бу пуллар асосий қарз миқдори ва у бўйича фоизларга қандай тақсимланади? Қарз қолдиғи қандай?

Ҳисоб-китоб 26.03 ҳолатига амалга оширилади.

**13-масала.** Фараз қилайлик, қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати кечиктирилган, фоиз ставкаси эса янги банк сиёсати туфайли ўзгармаган.

Айтайлик, қарз олувчи 12-масалада асосий қарзни муҳлати билан бўлиб-бўлиб 1133 сўм миқдорида тўлаган ва 16.06 эмас, балки 6.07 алоҳида фоиз тўловларини тўлаган.

Агар 26.06 фоиз ставкаси 1% ўсган бўлса, у жами қанча пул тўлаган?

Ҳисоб-китоб 6.07 ҳолатига амалга оширилган.

**14-масала.** Банк бир йил муддатга 1 млн сўм кредит берди. Талаб қилинадиган операциялар реал даромадлилиги йиллик 8%га тенг, кутилаётган инфляция йиллик даражаси 60% деб қабул қилинган. Кредит бўйича фоиз ставкаси, тўланадиган сумма ва олинган фоизлар миқдорини аниқланг.

**1-масала.** Банк йиллик 120% оддий фоиз ставкасида ярим йил муддатга 5 млн сўм миқдорида кредит берди. Кредит миқдори ва кредит учун тўланадиган фоизларни аниқланг.

**2-масала.** Корхона икки йил муддатга йиллик 15% ставкада 100 млн сўм кредит олди, кредит муддати тугагач, у ссудани фоизлар билан қайтариб бериши лозим. Корхона қанча пул тўлаши лозим? Фоизлар оддий.

**3-масала.** Фирма бир йил муддатга йиллик 16% ставкада 300 млн сўм миқдорида кредит олди. Тўланадиган кредит миқдорини аниқланг.

**4-масала.** Ёш оила банкдан уй-жой қурилиши учун йиллик 16% оддий ставкада уч йил муддатга 60 млн сўм миқдорида ссуда олди. Кредит миқдори ва фоизларни аниқланг.

**5-масала.** Мижоз уй ой муддатга 6 млн сўм кредит олди. Қайтариш лозим бўлган кредит миқдори 7,5 млн сўм. Банк фоиз ставкасини аниқланг.

Агар кредит муддати давомида фоиз ставкаси кредит шартномаси шартлари бўйича ўзгарадиган бўлса, тўланиши лозим бўлган пул миқдорини фоиз ставкаси доимий бўладиган оралиқлар учун  $J = \frac{niP}{100}$  формуласи кетма-кетликда қўллаган ҳолда аниқлаш мумкин.

$N$  оралиқларда ҳар бирида  $i_t$  ( $t=1,2,\dots,N$ ) оддий фоизлар ставкаси қўлланиши мумкин бўлган фоизларни ҳисоблаб чиқишда фоизлар миқдори қуйидагига тенг бўлади:

$$J = P \cdot (n_1 p_1 / 100 + n_2 p_2 / 100 + \dots + n_N p_N / 100) = P \sum_{t=1}^{t=N} n_t i_t / 100$$

фоизлар билан биргаликда кредит миқдори қуйидагига тенг бўлади:

$$S = P \cdot \left( 1 + \sum_{t=1}^{t=N} n_t i_t / 100 \right) \quad (2)$$

**6-масала.** Банк 500 минг сўм миқдордаги кредитни уч чорак муддатга оддий фоиз ставкасида берди, фоиз ставкаси биринчи чорак йиллик 40%ни ташкил қилди, ҳар бир кейинги чорак эса 10 фоиз пунктга ошиб борди. Тўланадиган сумма ва фоизлар миқдорини аниқланг.

**7-масала.** Банк йиллик 80% мураккаб фоизлар ставкасида беш йил муддатга 5 млн сўм миқдорида узоқ муддатли кредит берди. Кредит

белгиланган муддат якунида фоизлар билан биргаликда бир марталик тўлов билан тўланиши лозим. Тўланадиган кредит миқдори ва фоизларни аниқланг.

**8-масала.** Мижоз банкка 16 март куни ломбард кредити олиш учун муурожаат қилди ва гаровга 150 дон қимматли қоғозлар қўйди. Қарз ҳажми бу қоғозларнинг курс қиймати 80%идан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади.

Фоиз ставкаси 9%ни ташкил қилади, қарзга хизмат кўсатиш бўйича банк харажатлари эса - 200 сўм. Агар унинг қимматли қоғозлари курси 300 сўм бўлса, банк мижози қандай миқдорда кредит олишдан умид қилиши мумкин?

**9-масала.** Фараз қилайлик, юқорида келтирилган мисолда қарз олувчи 16.06 куни қарзнинг фақат бир қисмини – 6000 сўм тўлаган ва кредитни тўлиқ қайтариш муддатини уч ойга чўздирган бўлсин. Қарзнинг қолган қисми ва у учун тўланадиган фоизлар қанча эканлиги ва умуман қарз олувчи қанча пул тўлашини аниқлаш зарур.

**10-масала.** Фараз қилайлик, юқорида келтирилган мисолда қарз олувчи 16.06, яъни ўз вақтида 15 000 сўм пул ўтказган. Бу суммани асосий қарз тўлови ва фоизларга тақсимлаб, қарзнинг қолган қисми(қарз қолдиғи)ни аниқланг.

**11-масала.** Фараз қилайлик, қарз олувчи қарзни ўз вақтида тўлай олмади. У 20.12 асосий қарзни - 5349,19 сўм ва ундан ташқари, алоҳида фоизларни тўлайди. Қарз олувчи жами қанча тўлайди ва қарз қолдиғи қанча?

Ҳисоб-китоб 20.12 ҳолатига амалга оширилади.

**12-масала.** Фараз қилайлик, қарз олувчи 11-масалада қарзни вақтида (16.03) тўламаган ва фақат 26.03 куни асосий қарзни тўлаш ва у бўйича фоизлар учун 5000 сўм ўтказган. Бу пуллар асосий қарз миқдори ва у бўйича фоизларга қандай тақсимланади? Қарз қолдиғи қандай?

Ҳисоб-китоб 26.03 ҳолатига амалга оширилади.

**13-масала.** Фараз қилайлик, қарзни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати кечиктирилган, фоиз ставкаси эса янги банк сиёсати туфайли ўзгармаган.

Айтайлик, қарз олувчи 12-масалада асосий қарзни муҳлати билан бўлиб-бўлиб 1133 сўм миқдорида тўлаган ва 16.06 эмас, балки 6.07 алоҳида фоиз тўловларини тўлаган.

Агар 26.06 фоиз ставкаси 1% ўсган бўлса, у жами қанча пул тўлаган?

Ҳисоб-китоб 6.07 ҳолатига амалга оширилган.

**14-масала.** Банк бир йил муддатга 1 млн сўм кредит берди. Талаб қилинадиган операциялар реал даромадлилиги йиллик 8%га тенг, кутилаётган инфляция йиллик даражаси 60% деб қабул қилинган. Кредит бўйича фоиз ставкаси, тўланадиган сумма ва олинган фоизлар миқдорини аниқланг.

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### 1. Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил иш муайян модулдан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини тингловчи томонидан ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштиришига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил ишни бажаришдан *асосий мақсад* –тингловчиларни модулни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, олинган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, келгусидаги машғулотларга тайёргарлик кўриш, янги билимларни мустақил равишда излаб топиш кўникмларини ривожлантиришдан иборат.

Мазкур модул бўйича тингловчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда *қуйидаги шакллардан* фойдаланиш мумкин:

- модул мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- семинар машғулотларига тайёргарлик кўриб бориш;
- белгиланган мавзулар бўйича ишланмалар тайёрлаш;
- тестлар ечиш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш бўйича кейслар ечиш;
- мунозарали саволлар ва топшириқларга тайёргарлик кўриш;
- кўргазмали воситалар тайёрлаш;
- ахборот ресурс марказида белгиланган мавзулар бўйича назарий, амалий ва статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва муайян тизимга солиш;
- белгиланган мавзулар бўйича замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тақдимот материаллари тайёрлаш.

### 2. Мустақил таълим мавзулари

1. Кредит рискининг келиб чиқиш сабаблари ва турлари
2. Кредит риски даражасига таъсир этувчи омиллар
3. Кредитлаш жараёнида кредит рискинни аниқлаш ва уни бошқариш
4. Фоиз риски моҳияти ва унинг банк фаолиятига таъсири
5. Фоиз риски даражасига таъсир килувчи омиллар
6. Фоиз рискинни бошқаришнинг асосий усуллари
7. Банкларда фоиз рискинни баҳолаш ва уни бошқариш усуллари
8. Операцион риск моҳияти ва унинг банк фаолиятига таъсири
9. Тижорат банкларида операцион рискни бошқариш усуллари
10. Тижорат банкларида рискларни қоплаш учун захиралар ташкил қилиш бўйича Базель қўмитасининг тавсиялари
11. Банк фаолиятида риск тушунчаси ва унинг моҳияти.
12. Банк рискларининг турлари ва бошқариш усуллари.
13. Банкларда риск-менежмент тизими: таркиби ва жорий қилиш механизми.

14. Рискларни бошқариш усуллари бўйича қарорлар қабул қилиш.
15. Тижорат банкларида риск-менежментни ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари.
16. Банк фаолиятида рискларни баҳолаш механизми, бошқариш бўйича халқаро талаблар ва уларни Ўзбекистонда қўллаш шарт-шароитлари.
17. Рискларни бартараф этишга қаратилган қарорларни қабул қилиш.
18. Банк операциялари рисклари ва уларни пайдо бўлиш сабаблари.
19. Тижорат банклари рискларини баҳолаш ва бошқариш усуллари.
20. Тижорат банклари томонидан банк рискларидан ҳимояланиш учун ташкил қилинадиган суғурта фондлари ва уларнинг турлари.
21. Ўзбекистондаги тижорат банкларда вужудга келадиган рисклар.
22. Кредит ахборот бюроси ва унинг вазифалари.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Банк активлари</b>	бу банкка тегишли ҳамда моддий қийматга эга бўлган қийматликлар: нақд маблағлар, қарзларга берилган маблағлар, бинолар ва асбоб-ускуналардан ташкил топади	What a bank owns, including loans, reserves, investment securities, and physical assets. Bank assets are typically listed on the left-hand side of a bank's balance sheet.
<b>Банк ликвидлиги</b>	Банк ликвидлиги – бу банк томонидан ўзининг жорий ва келажакдаги мажбурият ва тўловларини ҳамда кредит бўйича мижозларнинг талабларини ўз вақтида бажариш мақсадида керакли вақтда ва миқдорда, зарар кўрмасдан ликвид маблағларни жалб қила олиш қобилиятларининг йиғиндисидир	A bank's liquidity is determined by its ability to meet all its anticipated expenses, such as funding loans or making payments on debt, using only liquid assets.
<b>Бозор rischi</b>	Валюта rischi, фоиз rischi ва фонд rischi	Market risk is the risk of losses due to adverse market movements depressing the values of the positions held by market players.
<b>Валюта rischi</b>	Валюта курси ўзгариши оқибатида юзага келадиган йўқотишлар	Foreign exchange risk is the risk of incurring losses due to fluctuations of exchange rates.
<b>Капитал етарлиги</b>	банкнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигини таъминлаш имконини берадиган капиталнинг зарурий минимал даражаси	Percentage ratio of a financial institution's primary capital to its assets (loans and investments), used as a measure of its financial strength and stability.
<b>Кредит rischi</b>	кредитни уз ватида қайтарилмаслиги ва кредит шартларини бажарилмаслик хавфи.	Credit risk is the risk of losses due to borrowers' default or deterioration of credit standing. Default risk is the risk that borrowers fail to comply with their debt obligations.
<b>Ликвидлилик rischi</b>	Банк мажбуриятларини ўз вақтида бажараолмаслик хавфи.	Liquidity risk is broadly defined as the risk of not being able to raise cash when needed.
<b>Операцион риск</b>	Информацион тизимлардаги носозликлар, кредит	Operational risks are those of malfunctions of the information



	операцияларини амалга оширишда ходимлар малакасининг етишмаслиги, персоналнинг фирибгарлик rischi	system, of reporting systems, of internal risk monitoring rules and of procedures designed to take corrective actions on a timely basis.
<b>Пассив</b>	талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар; жамғарма депозитлар; муддатли депозитлар; банкларнинг депозитлари; банклараро ссудалар;	Something that you owe. The biggest liabilities for most consumers are loans, including mortgages, car loans, credit-card balances, and installment accounts at stores.
<b>Риск</b>	Кредит муассасалари томонидан амалга оширилувчи банк операциялари характеридан келиб чиқувчи зарар кўриш хавфи	Risk in finance is defined as the randomness of the return of investments, including both positive and negative outcomes. Under this view, a greater expected return is associated with a greater variability of outcomes.
<b>Риск менжмент</b>	Риск даражаси таҳлили ва оптимал стратегияни аниқлаш	Risk management is the identification, assessment, and prioritization of risks followed by coordinated and economical application of resources to minimize, monitor, and control the probability and/or impact of unfortunate events or to maximize the realization of opportunities. Risk management's objective is to assure uncertainty does not deflect the endeavor from the business goals
<b>Тўловга қобилиятсизлик rischi</b>	Зарарларни қоплаш имконияти пасайиш хавфи	Solvency risk is the risk of being unable to absorb losses with the available capital.
<b>Фоиз rischi</b>	Фоиз ставкаларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган йўқотишлар хавфи	The interest rate risk is the risk of declines of net interest income, or interest revenues minus interest cost, due to the movements of interest rates.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Махсус адабиётлар

1. Aebi, V., Sabato, G., Schmid, M. (2012) Risk management, corporate governance, and bank performance in the financial crisis, *Journal of Banking & Finance*, 36, 3213–3226.

2. Arnold, B., Borio, C., Ellis, L., Moshirian, F. (2012) Systemic risk, macroprudential policy frameworks, monitoring financial systems and the evolution of capital adequacy, *Journal of Banking & Finance*, 36, 3125–3132.

3. Basel Committee on Banking Supervision (2010) Basel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems, Bank for International Settlements, BCBS publications.

4. Basel Committee on Banking Supervision (2011) Revisions to the Basel II market risk framework, Bank for International Settlements, BCBS publications.

5. Basel Committee on Banking Supervision (2013) Basel III: The liquidity coverage ratio and liquidity risk monitoring tools, Bank for International Settlements, BCBS publications.

6. Basel Committee on Banking Supervision (2013) Fundamental review of the trading book: A revised market risk framework, Bank for International Settlements, BCBS publications.

7. Basel Committee on Banking Supervision (2014) The standardised approach for measuring counterparty credit risk exposures, Bank for International Settlements, BCBS publications.

8. Brigo, D. (2012) Counterparty risk FAQ, credit VaR, PFE, CVA, DVA, closeout, netting, collateral, re-hypothecation, WWR, Basel, funding, CDS and margin lending, available at SSRN.

9. Castagnolo F., Ferro G. (2014) Models for predicting default: Towards efficient forecasts, *The Journal of Risk Finance*, 15 (1), 52–70.

10. Gregory, J. (2012) Counterparty Credit Risk and Credit Value Adjustment: A Continuing Challenge for Global Financial Markets, John Wiley & Sons.

11. Joel Bessis. Risk management in banking. Forth edition. : John Wiley & Sons Ltd, 2015. – 364 p.

12. John C. Hull. Risk management and financial institutions. New Jersey: Pearson Education, Inc., 2007. –500 p.

13. Sh. Hefferman. Modern banking. London: John Wiley & Sons Ltd, 2005. – 716 p.

### II. Интернет ресурслари

1. <http://www.bis.org> – Халқаро ҳисоб-китоблар банки веб саҳифаси.

2. <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб саҳифаси.

3. <http://www.federalreserve.gov> – АҚШ Федерал захира тизими веб саҳифаси.

4. <http://www.press-service.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати веб саҳифаси.

5. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитаси веб саҳифаси.